Жамоат хавфсизлигининг назарий-методологик жиҳатлари юзасидан юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга **хулоса** қилиб қуйидагиларни билдириб ўтмоқчимиз.

Биринчидан, замонавий фанда “жамоат хавфсизлиги” категорияси тор ва кенг маънода кўриб чиқилишига урғу берган ҳолда, мазкур тушунча кенг маънода – “жамоат хавфсизлиги” жамиятнинг ҳимояланганлиги, тор маънода эса – жамоат жойларида хавфсизликнинг таъминланганлиги сифатида тушунилади. Бундай ёндашув XX асрнинг 60-80 йилларида тадқиқотлар олиб борган олимларнинг асарларида аксини топган.

Иккинчидан, жамоат хавфсизлиги ва тартиби фуқароларнинг давлат идоралари билан кўп қиррали муносабатларининг даражасига, ўзаро алоқанинг мавжудлигига ҳам боғлиқ бўлиб, бу борадаги ўзаро келишилган ҳолда фаолият юритиш жамиятда жамоат хавфсизлиги ва тартиби юзасидан ижобий қарашларнинг шаклланишига туртки беради.

Учинчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш деганда жиноий ва бошқа ноқонуний тажовузларга қарши курашиш, шунингдек уларнинг олдини олиш, бартараф этиш ва (ёки) камайтиришга қаратилган сиёсий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, ахборот, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларнинг давлат томонидан белгиланган тизимини амалга ошириш тушунилади.

Шу билан бирга, мавзу юзасидан бир қатор **таклифлар**ни ҳам билдириб ўтиш жоиздир.

Биринчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий-методологик жиҳатларини ўрганиш ҳамда унинг назарий-концептуал асосларини тадқиқ этишга қаратилган изланишларни чуқурлаштириш лозим.

Иккинчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлашни ўрганиш ҳамда тадқиқ этишда фанлараро ўзаро интеграциялашувга эришиш ва бу борада мавжуд билим, қараш ҳамда тажрибаларни ўзаро алмашиш ва бирлаштириш орқали тадқиқотларни янги босқичга олиб чиқиш таклиф этилади. Чунки, жамоат хавфсизлигини таъминлашни фақат алоҳида бир фан доирасида ўрганиб, тадқиқ этиб бўлмаслиги ҳозирги даврда яққол намоён бўлмоқда.

Учинчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида назария ва амалиёт ўртасидаги ўзаро боғлиқликни янги босқичга олиб чиқиш

зарур. Бу борада тадқиқотчилар, олим ва экспертларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида бевосита фаолият юритаётган амалиётчи мутахассислар ва зобитлар билан ўзаро фикр ҳамда тажриба алмашинуви борасида янгича механизмларни йўлга қўйиш, ушбу алмашинув натижасида юзага чиққан янгиликларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш илгари сурилмоқда.

Алимова Гузал Алишеровна
д.ф.э.н (PhD), доцент кафедры «Экономических наук» Университета общественной безопасности Республики Узбекистан

ФИНАНСИРОВАНИЕ ТЕРРОРИЗМА КАК УГРОЗА ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Одним из факторов способствующих развитию международного терроризма является – финансирование этой общественно-опасной деятельности.

Определим современные тенденции в области финансирования терроризма.

1. Использование бизнеса в деятельности, в которой задействованы наличные денежные средства, что является традиционным методом отмывания денег. Однако методы и пути отмывания денег находятся в постоянном совершенствовании и порой имеют изощрённый вид, а инновационность методов обхода норм законодательства с нахождением его слабых сторон и изъянов говорит о невероятной активности преступных элементов.[1]

2. Сегодня всё больше развивается торговля товаров и услуг через криптовалюты. Действительно, финансирование и проведение финансовых операций криптовалютой позволяет за короткое время производить транзакции при этом сохраняя их анонимность. Скорость и глобальная доступность криптовалют в сочетании с ограниченными правилами, дезагрегированием установленных финансовых посредников и возможностью скрыть истинную личность владельцев делают их привлекательным методом для преступников.[5] Опасность, мало изученность и несовершенство мировых, локальных механизмов регулирования криптовалют создают почву для формирования и последующего развития опаснейших террористических организаций и движений.

3. Счета-воронки относятся к одному или нескольким банковским счетам, используемым для незаконных средств, депонированных в одном географическом местоположении, что дает преступникам немедленный доступ к деньгам путем снятия средств в другом географическом местоположении.[2]

4.Всемирная паутина – интернет открыл большие возможности для быстрого развития современной цивилизации, но вместе с тем в какой-то степени развязал руки самому опасному явлению современности –

терроризму. Быстрому распространению терроризма, конечно, способствует непрерывная финансовая подпитка. Сложность выявления средств, которые направляются для финансирования терроризма и заключаются в тех возможностях интернета, которые порой позволяют без труда осуществлять такую деятельность. Так, к примеру, интернет-магазины, предлагают и распространяют аудио-, видео- пропаганду терроризма, всевозможную запрещённую литературу и т.п., которые продвигают различные радикальные террористические идеи среди своих клиентов, устраивают различные акции (рекрутинг), позволяющие заинтересовывать и увеличивать свою клиентуру, а значит и пополнять ряды террористов и, конечно же, получать колоссальную прибыль. Ещё одним из «излюбленных» методов финансовой подпитки у террористов всё больше становится – пожертвования.[3]

5. На сегодняшний день, серьёзную опасность в увеличении объёмов «отмытых» денег несут представители некоторых профессий, так, к примеру, уже достаточно часто используют термины «грязный бухгалтер», «грязный адвокат», «грязный нотариус». С развитием цифровых технологий и интернет-услуг такие «грязные» специалисты получили возможность осуществлять свою преступную деятельность в онлайн режиме и даже размещать в сети рекламу своих услуг. Действительно, представители профессий, которые хорошо знают законодательство и имеют полное представление о слабых сторонах системы, представляют колоссальную опасность экономике.

6. Благотворительные фонды, гуманитарные фонды также являются актуальным методом и отмывания незаконных денежных средств, и финансирования терроризма.

7. Оффшорные зоны, банки и счета в них иностранных юридических лиц не всегда являются легальными и прозрачными. Оффшорные банки обладают повышенной привлекательностью среди преступных элементов, в том числе, и террористов.

Сегодня в мире функционируют чуть более десяти крупных оффшорных банковских центров, наиболее полуполярные из них расположены на Багамских, Каймановых островах, в Кипре, Панаме и т.д. Говоря о более мелких банковских юрисдикциях, нужно отметить, что они относительно молодые, но пользуются популярностью в преступной среде. Причиной такой притягательности является тот факт, что в этих юрисдикциях государственный контроль за деятельностью оффшорных банков минимизирован (Науру, Западное Самоа, Вануату, острова Кука и

т.п). Создавая оффшорный банк в таких юрисдикциях, учредитель может даже не заботиться о том, что к нему могут быть предъявлены требования относительно размера капитала. Именно поэтому, ни у кого уже не вызывает большого удивления появление банков-призраков, которые создаются для осуществления преступной деятельности, операции или конкретной сделки. Именно поэтому в марте 1991 года Карибские власти отозвали более 300 лицензий таких банков, среди них были обнаружены банки, которые вели противозаконную деятельность с радикальными террористическими группами.

Рассмотрим механизмы отмывания денег в оффшорных банках.

Специфической чертой оффшорных банков является - создание ложной видимости легальности полученных незаконных денежных средств с последующим их узакониванием. Так, к примеру, в некоторых оффшорных банках используют метод выдачи фиктивных кредитов, тем самым подтверждая, что имеющиеся в активе денежные средства «грязного» кредитополучателя являются совершенно легальными. Есть ещё один популярный метод «отмывания денег» — это «миксация» денежных средств, то есть легальные денежные средства перемешиваются с нелегальными и на выходе «грязные» денежные средства становятся уже вполне легальными. Опасность проведения таких операций заключается в том, что они непосредственно способствуют развитию преступности, торговли оружием, а также появлению новых и развитию имеющихся террористических организаций. Большая привлекательность оффшорных банков у большинства преступных организаций, объединений и лиц вызвано тем, что в основном преступные операции осуществляются на основе наличных денег, а концентрация большого количества наличных денег вызывает большие подозрения и неудобства.[4]

Основные недостатки при проведении операций с наличными:

Во-первых, наличие больших объёмов наличных денег является своеобразной «меткой», говорящей о высокой вероятности нелегального их происхождения, и такие средства обычно быстро попадают в поле зрение специальных органов.

Во-вторых, во многих странах на законодательном уровне введён лимит на вклады, инвестиции и другие операции, осуществляемые с помощью наличных денежных средств. То есть «грязные деньги» отмыть таким образом не представляется возможным.

В-третьих, покупка криптовалюты позволяет преступным и террористическим элементам не только закупать товары (в том числе расплачиваться за оружие, наркобизнес и т.п), но финансировать террористические акты в различных частях света.

В этой связи отметим, что оффшорные банки способны решить проблему с наличными деньгами путем изменения её формы, а это даёт возможность производить расчёты в безналичной форме. Безналичные расчёты, в свою очередь, не так сильно вызывают подозрения у соответствующих надзорных органов, тем самым преступные накопления могут быть «отмыты».

По результатам проведенного анализа, стало ясно, что процесс отмывания незаконных денежных средств находится в постоянном совершенствовании с использованием новейших технологий и подходов. Такое положение дел осложняет процесс предупреждения таких преступлений, выявление «грязных» денег и привлечение к ответственности лиц, совершающих эти преступления. Наибольшую опасность представляет большая концентрация незаконных денежных средств в преступных руках, которая даёт возможность использование таких средств в целях дестабилизации общественной безопасности на различных уровнях (страны, региона, мира), развитию терроризма (продажа оружия, наркотических средств, торговля людьми и. т.п.).

Литература:

Игнатова Т.В., Добаев А.И. Оценка финансовых операций в международной системе «хавала» в контексте предотвращения угроз национальной безопасности // Финансовые исследования. 2018. № 1. С.

Петрова Н.П. Управление рисками отмывания денег в банках. - М.: Просвещение, 2015. 150 с.

Nekrasova I., Karnaukhova O., Sviridov O. Fractal Properties of Financial Assets and Forcasting Financial Crisis // Fractal Approaches for Modeling Financial Assets and Predicting Crises. IGI Global, 2018. С. 23-41.

Галали Ризгар Дж. Азиз. оффшорные банки как канал отмывания преступных доходов и финансирования терроризма. Государственное и муниципальное управление, 2019, pp. 263-269, Volume 1, DOI: 10.22394/2079-1690-2019-1-1-263-269

Haigner S., Schneider F., Wakolbinger F. Combating Money Laundering and the Financing of Terrorism // A Survey, Economics of Security Working Paper. 2012. № 65.

Payziyev Abbos Muhammadovich,
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti “Maxsus huquqiy fanlar va harbiy diplomatiya” kafedrasi katta o‘qituvchisi, mayor.
Tel.:+998998199190

JAMOAT JOYLARIDA GIYOHVANDLIK VOSITALARI YOKI PSIXOTROP MODDALAR BILAN G‘AYRIQONUNIY MUOMALA QILISHDA GUMON QILINUVCHI SHAXSLARNI USHLASH TAKTIKASINI TAKOMILLASHTIRISH

Аннотация: Ushbu maqolada giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar hamda kuchli ta’sir qiluvchi dorilarning qonunga xilof ravishda aylanishida gumon qilinuvchi shaxslarni ushlash taktikasini takomillashtirish, shu bilan bog‘lin ma’lumotlar, ushbu illatning oldini olish va bartaraf etish yuzasidan qonunchilikka takliflar berilgan.

Kalit so‘zlar: giyohvandlik, psixotrop, jinoyat, jomoat joylari, internet tarmog‘i, skladmen, tezkor qidiruv, prekursorlar, narkotik, elektron ma’lumotlarni, musodara.

Bugungi kunda, ko‘plab mamlaktlar qatori mamlakatimizda ham narkojinoyatchilik o‘ta xavfli jinoyatlardan biri hisoblanadi. Bu borada qabul qilingan normativ huquqiy hujjatlar bilan bir qatorda «O‘zbekiston Respublikasining Mudofaa doktrinasi»ning II.bob. Doktrinaning harbiy-siyosiy jihatlari, 1. Harbiy-siyosiy vaziyatning o‘ziga xos xususiyatlari sifatida qaralgan xatboshisida «O‘z navbatida Markaziy Osiyodagi vaziyatga terrorizm, ekstremizm, narkotrafik va transchegaraviy jinoyatchilikning saqlanib turgan xavf-xatarlari va tahdidlari salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda. Afg‘onistondagi noqonuniy qurolli tuzilmalar faoliyati mintaqa xavfsizligiga alohida xavf solmoqda» hamda 2. «Harbiy sohada milliy xavfsizlikka bo‘lgan asosiy tahdidlar»ning biri sifatida qaralgan «narkotrafik, qurol-yarog‘, o‘q-dori, zaharli va portlovchi moddalar, qo‘poruvchilik-terrorchilik faoliyatini amalga oshirish uchun foydalaniladigan boshqa vositalar kontrabandasi bilan bog‘liq transchegaraviy va xalqaro uyushgan jinoiy faoliyat» deb ko‘rsatilgan oltita tahdidning biri sifatida qaraladi[7].

Mazkur jinoyatni samarali tergov qilish, odatda, narkotijoratchini jinoyat ustida ushlashni taqozo etadi.

Giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarning g‘ayriqonuniy muomalasida gumon qilingan shaxsni ushlashning samaradorligi quyidagi umumiy taktik qoidalarning bajarilishiga bog‘liq bo‘ladi:

[7] Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги 458-сонли Қонуни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси». Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, https:// www.lex.uz.

ushlash qo‘qqisdan, kutilmaganda amalga oshirilishi lozim;

ushlashga jalb qilingan xodimlar va o‘z navbatida gumon qilinuvchi shaxsning xavfsizligini ta’minlovchi sharoitda o‘tkazilishi kerak;

ushlashga jalb qilingan tergov-tezkor guruhining soni, foydalaniladigan kuch va maxsus vositalar gumonlanuvchilar sonidan ortiq bo‘lishi kerak;

ushlash ishtirokchilari zarur holda darhol ko‘mak olish imkoniyatiga ega bo‘lishlari lozim;

ushlash gumon qilinuvchining qarshilik ko‘rsatishga yoki dalillarni yo‘q qilishga qaratilgan har qanday harakatlarini oldini olishga qaratilgan bo‘lishi lozim.

Yuqoridagi tavsiyalardan ko‘rish mumkinki, gap rejalashtirilmagan ushlash haqida bormoqda. Bunday vaziyatda huquqni muhofaza qilish organlarining xodimlari doim ham gumon qilinuvchilardan son va jismonan ustunlikka ega bo‘lmaydi.

Shu o‘rinda ta’kidlash joizki, huquqni muhofaza qilish organining xodimi gumon qilinganlarning son va jismoniy jihatlardan ustunligi bir necha baravar ortiq bo‘lgan vaziyatlarda, ularni ushlash maqsadga muvofiq emas deb hisoblanadi. Bunday jinoyatlarda gumon qilingan shaxslarni ushlashning muayyan chegarasi bo‘lishi lozim. Bu vaziyatda «vaqtinchalik chekinish» qo‘rqoqlik deb baholanishi maqsadga muvofiq emas.

Ayni holda huquqni muhofaza qiluvchi organ xodimlari:

gumon qilinuvchilarning, avtotransport davlat raqami yoki u bo‘lmasa boshqa belgilarini eslab qolishi;

ushbu ma’lumotlarni tezlik bilan huquqni muhofaza qiluvchi organ xodimlarga yetkazish chora-tadbirlarni bajarishi lozim.

Bundan tashqari ayrim vaziyatlar yuzasidan, qonunlar va normativ-huquqiy hujjatlarda xodimlar tomonidan qurol va maxsus vositalarni qo‘llashga ruxsat etilgan. Masalan, O‘zbekiston Respublikasi «Milliy gvardiya»si to‘g‘risidagi Qonunning 31-moddasi va «Ichki ishlar organlari to‘g‘risida»gi Qonunining 24-moddasiga muvofiq mazkur organlarning xodimlari (harbiy xizmatchilari) belgilangan holatlar bo‘yicha, qonunchilikka va fuqarolarning huquqlariga qat’iy rioya qilgan holda o‘qotar qurolni qo‘llash huquqiga ega[8].

Giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarning g‘ayriqonuniy muomalasida gumon qilingan shaxslarni ushlashning «rejalashtirilgan»

[8] Ўзбекистон Республикаси 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ №407-сонли «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қўнуни 5 боб 21-24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси 2020 йил 19 ноябрдаги ЎРҚ № 647-сонли «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги қўнуни 5 боб 28-31-моддалари. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, № 03/20/647/1569. www.lex.uz.

tartibda amalga oshirilishi huquqni muhofaza qiluvchi organlarning xodimlari uchun nisbatan qulay hisoblanadi. Bunday hollarda ushlashni amalga oshirishdan oldin barcha chalg‘ituvchi chora-tadbirlarni ko‘rish imkoni mavjud bo‘ladi.

Ammo ushbu vaziyatni ham o‘ziga xos qiyin va qaltis harakatlar bilan amalga oshirishga to‘g‘ri kelishi mumkin, masalan gumon qilingan shaxslarni ushlashni amalga oshirish turar joyga kirish bilan bog‘liq bo‘lgan hollarda alohida qiyinchiliklar tug‘iladi.

Bugungi kunda dunyoning ko‘plab mamlakatlari qatori mamlakatimizda ham rivajlanayotgan og‘uning yangi turi psixotrop moddalar yoshlar orasida keng tarqalmoqda, avvalo bu turdagi moddaning tarqalish sxemasiga e’tiborni qaratish lozim. O‘z navbatida bu turdagi moddalarning tarqalishini shartli ravishda ikki guruhga ajratij mumkin:

mahalliy ishlab chiqarish orqali tayyorlanadigan;

xorijda tayyorlangan.

Ushbu turdagi moddalarning tarqatish sxemasi bo‘yicha birinchi mahalliy tayyorlashda turli noqonuniy obyektlarda (dorixona, xonadon, ombor, yerto‘la, cherdak va boshqalar) tayyorlanadi.

Ikkinchi xorijda tayyorlanib turli yo‘llar (iste’mol qilishni ko‘zlamagan boshqa maxsulot nomi ostida va boshqalar) orqali olib kirilgan moddalarni tarqatishdan iborat.

Tarqatish quyidagi bosqichlarda amalga oshiriladi:

«skladmen» - o‘rta bo‘g‘in asosiy manbadan (yuqoridagi ikki asosiy tarqatuvchi) olib quyidagi tarqatuvchilarga etkazadi;

«kladmen» yoki kurer – skladmendan olgan maxsulotini o‘z navbatida ko‘zdan ovloq joylarga yashirib, yashirilgan joyni uyali aliqa vositasiga suratga olib, giolakatsiyasi bilan boshqaruv markaziga yuboradi, o‘z navbatida boshqaruv markazidagi xodim (internet sotuvchisi) mijozlarga (iste’molchilarga) hisob raqamga belgilangan mablag‘larni o‘tkazilishi bilan «yashirinmani (zakladok)» manzilni yuboradi.

Bunda barcha harakatlar internet tarmog‘i (Telegram, Fasebook va boshqalar) orqali amalga oshiriladi.

Sintetik psixotrop modda va kuchli ta’sir qiluvchi dori vositalarining keng tarqalishiga quyidagi sabablarni keltirish mumkin:

giyohvandlik vositalariga nisbatan arzonligi;

sotuvchi va xaridor bir-birini tanimasligi;

internet tarmoqlari orqali sotib olishning, qo‘lga kiritishning osonligi, bunda barcha operatsiyalar onlayn (internet tarmog‘i orqali) tartibda amalga

oshiriladi va yuborilgan geopozitsiya orqali belgilangan manzildan olinishi;

iste’mol qilish jarayonining soddaligi;

giyohvandlik vositalariga teng sarhushlikni (lazzatlanishni) yuzaga keltirishi kabilarni keltirish mumkin.

Ushbu jinoyatlarni ushlash va tintuv o‘tkazishda quyidagilarga alohida e’tibor qaratish lozim:

Shaxsning jamoat joylarida, ovloq joylarda maqsadsiz «sayr» qilishiga;

shaxsning jamoat joylari va boshqa yolg‘iz o‘zi uyali aloqa vositasiga qarab harakatlanishiga;

shaxs jamoat joylari xizmat olib borayotgan huquqni muhofaza qiluvchi organ xodimini ko‘rgandagi noodatiy harakatlariga (biron narsani otib yuborish yoki yashirish va boshqalar);

shaxs qayday ustki kiyim kiyganligiga (qalpoqli, kapishonli, noodatiy kiyimlar);

shaxsning tashqi ko‘rinishiga (bu modda iste’molchilari odatda ozg‘in bo‘ladi chunki ushbu modda insonning ishtahasini pasayishiga olib keladi).

Gumon qilingan shaxsning ushlash amalga oshirilgandan so‘ng darhol tintuv qilish, shu bilan birga, yon atrofni ko‘zdan kechirishga, uyali aloqa vositasini darhol olib qo‘yish va mutaxassis yordamida keyingi ob’ektlarga (sotuvchi tomonidan yuborilgan manzil) aniqlik kiritish kerak.

Bu turdagi jinoyatlarni kamaytirishning qonuniy asosini takomillashtirish maqsadga muvofiq sanaladi, jumladan:

O‘zbekiston Respublikasi JPKning 87-moddasini birinchi qismini quyidagi tahrirdagi norma bilan to‘ldirishni taklif qilamiz;

«taqdim etilgan ashyolar va hujjatlarni» jumlasidan keyin, quyidagi jumla bilan to‘ldirish maqsadga muvofiq: «elektron ma’lumotlarni» jumlasi bilan to‘ldirish;

O‘R MJTKning 56-moddasi birinchi qismini quyidagi tahrirdagi norma bilan to‘ldirishni taklif qilamiz;

«o‘tkazish maqsadini ko‘zlamay» jumlasidan keyin, quyidagi jumla bilan to‘ldirish maqsadga muvofiq: «o‘tkazish maqsadini ko‘zlab, shu bilan birga, «olish, saqlash», jumlasidan keyin «qoldirib ketish, notasodifiy topib olish» jumlasi bilan to‘ldirish;

O‘R MJTKga yangi 56^2-moddani quyidagi tahrirda kiritiz: “Giyohvandlik vositalarini, ularning analoglarini yoki psixotrop moddalarni targ‘ib qiluvchi videoyozuv va fotosuratlar iborat materiallar tayyorlash, tarqatish, olish, saqlash, reklama qilish yoki telekommunikatsiya tarmoqlarida, internet jahon axborot tarmog‘ida tarqatish shu jumladan jamoat joylarida tasvirlash orqali

targ‘ib qilish — giyohvandlik vositalarini, ularning analoglarini yoki psixotrop moddalarni tasvirlovchi qurilma yoki vositalarini musodara qilib, bazaviy hisoblash miqdorining bir baravaridan ikki baravarigacha miqdorda jarima solishga yoxud giyohvandlik vositalarini, ularning analoglarini yoki psixotrop moddalarni tasvirlovchi qurilma yoki vositalarini musodara qilib, o‘n besh sutkagacha muddatga ma’muriy qamoq jazosiga sabab bo‘ladi”.

Yuqorida keltirilgan taktik tavsiyalarga rioya qilish hamda qonunchilikka berilgan takliflar giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar bilan g‘ayriqonuniy muomala qilishda gumon qilinuvchi shaxslarni ushlash taktikasini takomillashtirishga xizmat qilish bilan birga, bu turdagi jinoyatlarni sodir qilgan shaxslarni ushlash va ularga qonuniy choralar ko‘rilishini ta’minlaydi hamda jamiyatimizda ushbu illatning kamaytirilishiga erishiladiildiziga.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Абдумажидов F. ва бошқалар, Криминалистика: Олий ўқувюртлари учун дарслик /. I – жилд. – Т.: ТДЮИ, 2003. – Б. 124.

2. Taxirov F., Xayriyev N.I. Giyohvandlik vositalarining g‘ayriqonuniy muomalasi bilan bog‘liq jinoyatlarning profilaktikasi. Ilmiy-amaliy tavsiyalar. O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan yurist, yu.f.d., professor M.X.Rustambaevning umumiy tahriri ostida. - T.: O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2019.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги 458-сонли Қонуни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси». Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, https:// www.lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, https://lex.uz/acts/97664

5. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-344-сон Қонуни, https://lex.uz/mobileact/2107763

6. Ўзбекистон Республикаси 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ №407-сонли «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қўнуни. www.lex.uz.

7. Ўзбекистон Республикаси 2020 йил 19 ноябрдаги ЎРҚ № 647-сонли «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги қўнуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, № 03/20/647/1569. www.lex.uz.

8. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi narkotik moddalarni nazorat qilish Milliy axborot-tahlil markazining Informatsion byulleteni 2022 йил. www.ncdc.uz.

Носирова Азиза Рустамовна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчиси PhD
aziza.nosirova.84@mail.ru

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ИСЛАМОФОБИЯНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Аннотация Мақолада исламофобиянинг келиб чиқиш сабаблари, термин сифатида фанга киритилиш сабаблари ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, мазкур тушунчанинг глобаллашув даврида диний-маърифий, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг бир бўлаги сифатида талқин этилиши ёритилган. Шунингдек, исламофобиянинг дунё минтақаларида турлича талқин этилиши ҳақида ҳам илмий таҳлиллар мавжуд. Ислом дини цивилизация сифатида жамият равнақига улкан ҳисса қўшгани ва исламафобиянинг асоссиз жиҳатлари ҳақида сўз боради.

Аннотация В статье представлены причины возникновения исламофобии, а также причины включения в науку в качестве термина, в частности, рассматривается трактовка этого понятия как ответвления религиозно-образовательных, социально-политических процессов в эпоху глобализации. Существует научный анализ различных интерпретаций исламофобии в регионах мира. Ислам как цивилизация внес огромный вклад в процветание общества, и существует мнение о безосновательности исламофобии.

Annotation The article presents the reasons for the emergence of Islamophobia, as well as the reasons for inclusion in science as a term, in particular, the interpretation of this concept as an off shoot of religious, educational, socio-political processes in the era of globalization is considered. There is a scientific analysis of various interpretations of islamophobia in the regions of the world. Islam as a civilization has made a huge contribution to the prosperity of society, and there is an opinion about the baselessness of islamophobia.

Калит сўзлар Исламофобия, бағрикенглик, цивилизация, диний-маърифий, мусулмон маданияти, прозелитизм

Ключевые слова Исламофобия, толерантность, цивилизация, религиозно-просветительская деятельность, мусульманская культура, прозелитизм

Key words Islamophobia, tolerance, civilization, religious-educational, muslim culture, proselytism

Исламофобия – диний ксенофобия турларидан бири бўлиб, унинг келиб чиқиш сабаблари, диний-ижтимоий ҳаётга таъсири ва глобаллашув даврида намоён бўлиши билан боғлиқ маълумотларни таҳлил қилиш орқали унга қарши курашнинг диний-маърифий асосларини илмий-назарий асослаш имкониятини яратилади.

Сўнгги йилларда жамият ҳаётида турфа янгилик ва ихтироларнинг пайдо бўлиши илмий истилоҳ ҳамда кундалик ҳаётда янги сўз ва ибораларнинг кириб келишига сабаб бўлмоқда. XXI аср воқелиги сифатида "исломофобия" термини ҳам шулар жумласидан.

"Исламофобия" ислом дини ёки мусулмонларга нисбатан салбий муносабат, қўрқув, хавфсираш, камситиш, нафрат кўринишида намоён бўлиши мумкин. Термин сифатида исламофобия 1980 йилларда илмий муомалага киритилган бўлиб, 1997 йилда Британия илмий маркази Runnymede Trust томонидан нашр этилган, "Исламофобия – барча учун чақирув (таҳдид)", номли ҳисоботида[9] унинг "ислом ва мусулмонлардан қўрқув ва нафрат туйғуси сифатида тавсифланиб, жамиятнинг ҳар бир қатлами ва ОАВда кенг тарқалган воқеликка айланиб қолган"лиги таъкидланади. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг эса, кенг қўлланила бошланган. У ислом динига қарши айтилган аксар эътироз ва ҳодисаларни ўз ичига олиб, ислом дини таълимоти, қарашлари, амалдаги кўринишига қарши айтилган ва содир этилган хатти-ҳаракатлар мажмуи сифатида намоён бўлади.

Британия маркази томонидан келтирилган ҳисоботда, шунингдек, "ислом дини – цивилизация сифатида Ғарбдан қолоқ, мусулмон маданияти эса, ўзга маданиятларга таҳдид солувчи, улар каби ранг-баранг бўлмай, балки қотиб қолган, янгилик ва мунозаралардан йироқ дин сифатида талқин этилган[10].

Исломофобия термини XX асрда пайдо бўлган бўлсада, унинг жамиятда намоён бўлиши сўнгги 20 йил давомида кўпроқ кузатилмоқда. Мутахассислар томонидан мазкур фобия тури 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг авж олиб, Европа мамлакатлари ва АҚШда исломни экстремизм ва терроризм каби ҳодисалар билан бир қаторга қўйиш, мусулмонларни эса, зўравон ва тажовузкор инсонлар сифатида тасаввур этиш ҳолатлари кучайгани ҳақида маълумотлар келтирилади. Аслида эса, ислом тинчлик дини экани илоҳий Китоб, ҳадиси шариф ва кўплаб илмий адабиётларда ҳам ўз аксини топган.

[9] Islamophobia: A Challenge For Us All (Runnymede Trust) 1997. https://www.runnymedetrust.org/

[10] Мирзоев Ж. Исламофобия: сборник статьей: ред.-сост. Ал-Жанаби М. – М.: Садра, 2016. – С. 3-4.

Мутахассис олим Н.Раджабов “Исломофобия – мураккаб, намоён бўлишига кўра эса, бир қатор кўринишларга эга экани ҳақида фикр билдиради. Жамиятда исламофобия – ислом дини ва таълимотига қарши кайфият сифатида намоён бўлиб, кенг омманинг ирроционал қўрқуви (фобия), исломдан қўрқиш ва унга нисбатан салбий муносабат, диннинг ўзига хос қадрият ва анъаналари, мусулмонларнинг ҳаёт тарзи ҳақида етарли тушунчаларга эга бўлмай, салбий тасаввур пайдо бўлиши ҳисобланади. Назарий жиҳатдан эса, мазкур тушунча унинг муҳим хусусиятларини, мафкуравий ва сиёсий оқимларнинг барча жиҳатларидан тортиб, бугунги кунда ирқчилик, ксенофобия, антисеметизм каби ҳодисалар билан боғлиқ психологик ва ижтимоий ўхшашликка эга” эканини таъкидлайди[11].

Ислом ақидасида шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамалаш, тинч-тотув ҳаёт кечиришга тарғиб этилади. Қуръони каримнинг “Бақара” сураси 126 оятида “Эсланг, Иброҳим: Эй, Раббим буни (Маккани) тинчлик шаҳри қилгин ва унинг аҳолисидан Аллоҳга ва охират кунига ишонувчиларни (турли) мевалардан ризқ қилиб бергин!”[12], дейилади.

Тинчлик улуғ неъмат ва ислом динида унинг қадри юксак экани ҳақида Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) “Аллоҳдан авф ва тинчлик-омонликни сўрангиз, бирор кишига имондан кейин авф қилиш ва тинчликдан афзалроқ неъмат берилгани йўқ”[13], дейилади саҳиҳ ҳадисларнинг бирида.

Исломда тинчлик ва осойишталикка зид хатти-ҳаракатлар қораланади. Аслида исламофобия ҳам ислом дини ва мусулмонлардан асоссиз қўрқиш, унинг таълимоти ва эзгулик ғояларини англамаслик ва қадрласамликдан келиб чиқади.

Мутахассис олим Ж.Мирзоевнинг “Ғарб исламофобиясининг тарихий илдизлари ва сабаблари” номли мақоласида келтирилишича, ҳозирда исломофобия Ғарб ва христиан дунёси учун асосий хавфга айланган. Унинг пайдо бўлиши ва шаклланишига узоқ вақт талаб этилди. Жумладан, француз социологи Раймон Ароннинг “Цивлизациялар номутаносиблиги”, таниқли, исломшунос ва шарқшунос олим Б.Льюиснинг “Маданиятлар тўқнашуви” ёки С.Хантингтоннинг

[11] Ражабов Н. Исламофобия в западной европе и ее влияние на политические процессы в Центральной Азии. Автореф.дисс. ... канд. полит. наук. – Душанбе 2016. – С. 12.

[12] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз М. – Т.: ТИУ нашриёт-матба бирлашмаси, 2018. – Б.19.

[13] Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил Ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий: Алжомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам) 1 китоб. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 46.

“Цивилизациялар тўқнашуви” каби асарлар исломофобик кайфиятнинг шаклланишига туртки бўлди”, дея ўз фикрини билдиради[14].

2001 йилнинг январида ўтказилган Стокгольм халқаро форумида диний муросасизликка қарши курашиш илгари сурилиб, исломофобия ҳам ксенофобия ва антисеметизм каби муросасизлик шакли дея эътироф этилди. 2002 йилнинг май ойида эса, Европанинг ирқчилик ва ксенофобия ҳолатларини назорат ва мониторинг қилиш маркази томонидан “2001 йилнинг 11 сентябридан сўнг Европада исломофобия ҳақида қисқача ҳисоботи” нашрдан чиқди. Унга кўра, мазкур сана воқеаларидан сўнг исломофобик кайфият кучайгани ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топган[15].

Исломофобиянинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади. Ислом дини пайдо бўлганининг илк кунлариданоқ унинг тарафдорлари муайян тазйиқларга учради. Маълум вақт ўтиб, Пайғамбар (с.а.в.) ва мусулмонлар томонидан ўз давлатларига асос солинганидан сўнг исломга қаршилик қилиш ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Баъзи кичик келишмовчиликлар бўлган бўлсада, у жиддий характер касб этмаган.

Муҳаммад (с.а.в.) Маданадалик даврида (622 йилдан бошлаб) насроний ва яҳудийлар, исломнинг сўнгги яккаҳудолик дини экани ҳамда унинг таълимотини тан олмаган. Пайғамбарнинг илоҳий ҳақиқат, ваҳийни қабул қилиб олган пайтида Мадинада яҳудий қабилалари Бану Қайнуқо, Бану Қурайза ва Бану Нодир томонидан унинг рисолати қабул қилинмаган. Ўз навбатида, христиан ва мусулмонлар ўртасидаги баҳс-мунозарада христиан руҳонийси сифатида машҳур Иоанн Дамаскин (787 йили вафот этган) нинг “Юзта бидъат ҳақида қисқача” номли рисоласида ислом динини христианликдан келиб чиққан бидъат сифатида таснифлаган. Дамаскин томонидан исломнинг бу каби таърифланиши христиан оламида (ҳам католик ҳам провославлар) исломга нисбатан салбий фикрни шаллантириб улгурди. Шунингдек, VIII аср сўнггида Дамаскин қарашларини давом эттириб руҳоний Феодор Абу-Курра ҳам Муҳаммад (с.а.в.) сиймоси ва таълимотига салбий муносабатда бўлган[16].

Мусулмонларга нисбатан энг йирик таъқиблардан бири салб юришлари давомида кузатилган бўлсада, у фақатгина исломга қарши

[14] Мирзоев Ж. Исламофобия: сборник статьей.; ред.-сост. Ал-Жанаби М. – М.: Изд. «Садра», 2016. – С. 3-4.

[15] https: //www.kommersant.ru/doc/1770587

[16] Скорик А. отец Андрей (Немыкин). Православие в исторических судьбах Юга России. Южнороссийское обозрение. Вып. 16. – Ростов н/Д., 2003. – С. 165.

бўлмай, салбчилар ўзларига қарши христиан ва яҳудийларнинг ҳам ҳаётига зомин бўлган. Мўғил истилоси ҳам исломга қарши олиб борилмаган эди, чунки ҳозирги Россия ҳудудларида жойлашган Олтин ўрдада ҳам дин давлат ҳимоясида эди[17].

Аммо XVI асрга келиб икки мусулмон давлати Қурдоба халифалиги ва Қозон хонлиги забт этилгандан сўнг вазият ўзгарди. Шундан сўнг забт этилган ҳудудларда исломофобия – давлат сиёсати даражасидаги тазйиқлар, прозелитизм ҳамда мусулмонлар ассемиляцияси каби кўринишларда намоён бўла бошлади. Мазкур сиёсат ҳақли равишда геноцид бўлиб, у мажбурий депортация ва мусулмонларнинг қатл қилиниш ҳолатларигача намоён бўлди. У даврда ҳали исломофобия термини қўлланилмаган бўлсада, кейинчалик у номусулмон давлатларнинг мусулмонлар устидан мустамлака сиёсатини олиб бориш ва диний мансубликка нисбатан таҳқирлаш ва тазйиқ ўтказишнинг манбаи бўлиб қолди.

Бугунги кунда исламофобиянинг намоён бўлиши сезиларли даражада ортиб, глобал кўринишга эга бўлиб бормоқда. 1960 йиллардан сўнг, Осиё ва Африкадаги давлатлари мустақилликка эришгандан сўнг, (мазкур давлатлар узоқ йиллик мустамлака сиёсати натижасида, иқтисодий-ижтимоий соҳаларда тараққиётдан ортда қолган эди), тўкис ҳаёт илинжида кишилар Ғарб давлатларига катта жамоаларда жойлаша бошладилар[18]. Натижада, маҳаллий аҳоли ва муҳожирлар – бегона дин ва маданият тарафдорлари ўртасида ўзига хос муносабат шаклланиб, бугунги кунда у муайян маънода исломофобиянинг кучайишига сабаб бўлди. Баъзи Европа мамлакатлари ўз ҳудудида масжидлар қурилиши ва давлат ташкилотларида диний либосда юриш каби тақиқларда ҳам намоён бўлмоқда. Матбуотда исломга қарши нашрлар, кино ва телевидениедаги ташвиқот исломофобик кайфиятнинг янада авж олишига сабаб бўлмоқда[19].

Ҳозирда ОАВ ва ахборот маконидаги нохолис маълумотлар туфайли ҳам ислом нуфузини қадрсизлантиришга уриниш ҳолатлари кузатилмоқда. Мисол тариқасида: Ирқий ва миллий тадқиқотлар энциклопедияси (Encyclopedia of Race and Ethnic Studies) маълумотларига кўра, ОАВ исламофобик кайфиятнинг ортиши омилига айланиб, Англияда 2004-2014 йилларда газета мақолалари мисолида ўтказилган

[17] https://kartaslov.ru

[18] http://uz.denemetr.com

[19] Журнал Новое дело. Исламофобия как она есть. https://ndelo.ru/religiia/islamofobiya-kak-ona-est

таҳлиллар натижасига кўра, нашрларнинг ҳеч бирида мусулмонлар фикри келтирилмаган ҳамда эътиқод эгалари салбий томондан таърифланган. Мусулмонлар Ғарб қадриятлари ва хавфсизлигига таҳдид сифатида инъикос эттирилади. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида “исломий террорчилик”, “исломий жиҳод”, “исломий тажовуз” каби ибораларнинг қўлланилиши ислом ҳақида салбий фикрлар шаклланишига сабаб бўлиб бормоқда[20].

Ғарб дунёси аксар ҳолларда ўз маданиятларининг ислом маданиятидан устунлиги ҳақида фикр билдириб, бу каби ёндашувнинг шаклланиши Ренессанс даврига бориб тақалади, XIX-XX асрларда мустамлакачилик сиёсати билан вазият янада кучайди[21]. Бунда Тикланиш Шарқ маданиятини четлаб ўтиб, фақатгина юнон-рим ҳамда яҳудий-насроний маданиятлари мутаносиблигида бўлажаги ҳақида фикр билдирилади. Кейинчалик мустамлакачилик сиёсати кучайгани сари мустамлакачи мамлакатлар маданияти мустамлака маданиятларидан устун дея ҳисоблана бошланди. Ўша даврлардан бери кўпгина Европа мамлакатлари ўз тамаддунларини бошқа маданиятлардан юқори қўйиш ҳолатлари кузатилди. Уларнинг фикрига кўра, ривожланиш, юқори технологиялар, инновация мазкур цивилизациялар натижаси бўлиб, барча унга эргашиши лозим деган фикр илгари сурилди[22].

Таҳлиллар натижасида, исламофобия жамиятга маълум кучлар томонидан тарғиб қилиниб, исломнинг нуфузини қадрсизлантиришга уриниш, унинг асл эзгулик ғоялари, тинчлик ва тараққиётни тарғиб қилувчи дин сифатидаги ўрнини эътиборсиз қолдириш ҳолатларида ҳам намоён бўлмоқда. Аслида эса, ислом дини ва маданияти асрлар мобайнида нафақат мусулмонларга балки, Ер юзидаги барча дин вакилларига улкан маданий-маънавий мерос билан биргаликда ижтимоий тенглик ҳиссини тақдим этдики, у ҳозиргача ҳам жамият фаровонлиги учун хизмат қилиб келмоқда. Жумладан, ислом маънавияти барча миллат, элат вакилларига тинч-тотув ҳаёт кечиришда ижтимоий муносабатларнинг барқарор кўриниши сифатида намоён бўлиб, бунинг асосида, ислом таълимотининг одоб-ахлоқ меъёрларининг ҳиссаси катта. У Шарқ маданиятининг янгиланиш замини ҳисобланади. Мусулмон жамиятининг маънавий-маърифий уйғониши бутун ислом

[20] Encyclopedia of Race and Ethnic Studies. Contributors: Ellis Cashmore..– London, 2004. – P. 3.

[21] Абрамова И. Мусульманские диаспоры евросоюза в гендерном, генерационном и пространственном измерениях. От демографии к социальной антропологии. Ученые записки. 2016 № 1. – С. 26.

[22] Қаранг: Said E. Orientalism. L: Penguin book, 1978; Sophie Bessis, L'Occident et les Autres. ParisÊ: La Découverte, 2001. – P. 178.

маданиятининг “юзини” намоён этди. Мазкур дин ижтимоий таълимоти бағрикенглик ғояларига асосланиб, унга амал қилиш ислом оламининг аксар қисмига тегишли.

Юқоридаги фикрга қарши ўлароқ, бугунги кунда мусулмонларнинг Европадаги ҳаёти, европаликлар ва мусулмон қадриятлари биргаликда мавжуд бўлиши, осон бўлмасада инглиз, француз, немис миллатига мансуб бўла туриб исломни қабул қилиш ёки ислом ва мусулмонларга дўстона муносабатда бўлиш мумкинлиги намоён бўлмоқда. Миграция натижасида муҳожирларнинг тил ўрганиши, таълим олиши, касб танлаш каби ижтимоий-иқтисодий масалаларда қийинчиликлар мавжуд бўлсада, улар аста-секинлик билан ўз ечимини топиб бормоқда.

Хулоса ўрнида, исламофобия ҳам глобаллашув натижасида юзага келган диний-ижтимоий воқелик ҳисобланади. Ғарб давлатларига муҳожирлар оқимининг ортиши, экстремистик, террорчи ташкилотларнинг ноқонуний фаолиятини ислом номи билан боғлаш ҳолатлари, ғаразли кучларнинг ислом ниқоби остида ҳаракат қилиб, тинчлик ва эзгулик динининг номига доғ тушуришга уринаётгани ҳам ислом динининг асл қадриятларидан бехабар қатлам орасида исломга қарши фикрларнинг пайдо бўлиши каби ҳолатлар намоён бўлмоқда. Шу боис, исламофобиянинг олдини олиш, соф ислом таълимоти, қадриятлар тизимини объектив ўрганиш, жамиятга етказиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ибрагимов Аброр Алимович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академия магистратураси катта ўқитувчиси, истефодаги полковник
Тел:+998900181797. Эл почта: Abror05@mail.ru

АҲОЛИНИНГ НОРОЗИЛИК ПОТЕНЦИАЛИНИ (ДАРАЖАСИНИ) ЎРГАНИШ ВА БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ

Аннотация: мақола ахоли орасида норозилик кайфиятининг шаклланиши, ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг олдини олишга қаратилган.

Калит иборалар: *Норозилик, норозилик кайфияти, оммавий тартибсизликлар, норозилик босқичлари, референт гуруҳлаш усули, бахолаш методикаси*

МЕТОДИКА ИЗУЧЕНИЯ И ОЦЕНКИ ПОТЕНЦИАЛА (УРОВНЯ) НЕДОВОЛЬСТВА НАСЕЛЕНИЯ

Аннотация: *в статье основное внимание уделяется факторам, влияющим на формирование и развитие недовольства населения и их предупреждению.*

Ключевые слова: *протест, протестные настроения, массовые беспорядки, этапы протеста, метод референтной группировки, методика оценки.*

METHODOLOGY FOR STUDYING AND ASSESSING THE POTENTIAL (LEVEL) OF PUBLIC DISCONTENT

Annotation: *the article focuses on the factors influencing the formation and development of public discontent and their prevention.*

Key words: *protest, protest moods, riots, protest stages, reference grouping method, assessment methodology.*

1. Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Лекин, одамларнинг турмуш шароитидан норозилиги турли кўринишларда ўз ифодасини топиши мумкин. Энг умумий шаклда, уларни шартли равишда уч даражага ёки норозиликнинг уч босқичига бўлиш мумкин. Бу барча босқичлар ўзаро боғлиқ деб тахмин қилиш мантиқан тўғри келади: норозилик, бир марта пайдо бўлган ва ҳали етилмаган бўлса, ўсиб боради, кейинги босқичга ўтади ва бошқа даражада ва бошқа усуллар билан ҳал қилишни талаб қилади. Асосий вазифа - норозилик кайфиятининг шаклланишига ва бу ҳис-

туйғуларнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатадиган омилларни ажратиб олишга ҳаракат қилиш.

Норозиликнинг биринчи босқичи - бу "ўзи учун" норозилик. "Ўзи учун" норозилиги деганда биз ҳаётдан субъектив психологик норозиликни тушунамиз. Бундай норозилик даражасини баҳолаш учун таклиф етилаётган ишда РЦИОМ сўровларида қатнашган респондентларнинг қуйидаги саволга жавобларидан фойдаланилган: "Сиз ўзингиз олиб бораётган ҳаётингиздан қанчалик қониқасиз?"

Иккинчи босқич - "микро даражадаги норозилик". Микро даражадаги норозилик, бизнинг фаразимизга кўра, нархларнинг кўтарилиши ва турмуш даражасининг пасайишига қарши аҳолининг турли ҳил иш ташлашларда иштирок этишида ва митингларда, норозилик намойишларида қатнашишга тайёрлигида ўз ифодасини топади. Бошқача қилиб айтганда, буз субъектив норозиликнинг қандайдир жамоавий намоён бўлиши.

Учинчи босқич - "макро даражадаги норозилик". Макро даражадаги норозилик - марказий ҳукумат сиёсатидан норозилик. Бундай норозиликнинг кўриниши парламент ва президентлик сайловларида "йўқ" овозини бериш, иш ташлаш, митингларда фаол қатнашиш.

Мазкур фаолиятни аниқлаш методикаси ҳақида тўхтасак, Методиканинг ўзи бу, методлар уюшмасидир. Бирор бир муаммони ечишда ишлатиладиган услуб ва усуллар йиғиндиси. Аҳолининг норозилик потенциалини (даражасини) ўрганиш ва баҳолаш методикаси қуйидагиларни аниқлаш ва ўрганишга қаратилган бўлади:

- Норозилик субъектлари билан интервьюлар ўтказиш.
- Норозилик объектини кузатиш (доимий мониторинг қилиш) .
- Норози аҳоли қатламлари вакилларининг дунёқараши генезиси бўйича эксперт сўров ўтказиш.
- Норозилик субъектларини автобиографик манбаларига доир хужжатларни ўрганиш.

2. Шунингдек, норози аҳоли қатламлари норозилик кайфиятини аниқлашда референт гуруҳлаш, социометрик усулда таъсир гуруҳларини аниқлаш каби усуллардан фойдаланиш мумкин.

Референт гуруҳлаш усулнинг моҳияти ҳар бир шахс учун тараққиётнинг ҳар бир алоҳида босқичида шундай одамлар гуруҳи бўладики, у уларнинг ниятлари, қизиқишлари, ҳаракат нормалари, ғоя ва фикрларига эргашишга тайёр бўлади, ҳаракатларидан андоза олади,

уларга тақлид қилади. Бундай гуруҳ психологияда референт гуруҳ деб аталади. Америкалик социологлар референт гуруҳларнинг бир неча турларини фарқлайдилар.

Референт ва аъзоли гуруҳлар. Кичик гуруҳларни ўрганишнинг жиҳатларидан бири бўлиб, “референт гуруҳ” термин америкалик социал психолог Мустафо Шериф томонидан киритилган. “Референт гуруҳ” термини (инглизча сўз, “мансуб бўлиш” деган маънони англатади) индивид онгли равишда кирадиган социал гуруҳларга (иқтисодий, сиёсий, маданий, касбий) нисбатан ишлатилади.

Шахснинг “гуруҳ нормаларига” муносабати белгиларига мувофиқ гуруҳлар референт гуруҳлар ёки “эталонли” (ўлчовли) гуруҳларга бўлинади. Референт гуруҳлар ҳам кичик гуруҳлар, ҳам катта гуруҳлар - синф ёки ижтимоий табақа бўлиши мумкин.

“**Референт гуруҳ” термини тўрт хил маънода қўлланилади:**

1. Индивид хатти-ҳаракати учун намуна, эталон ёки мезон бўлиб хизмат қиладиган гуруҳ.

2. Индивид ўз ҳаракатларини шу гуруҳга йўналтирадиган гуруҳ.

3. Индивид аъзо бўлишига интилаётган гуруҳ.

4. Аъзоларининг қадрият ва фикрлари бевосита шу гуруҳ аъзоси бўлмаган киши учун ўзига хос таққослаш ўлчови, социал “ўлчов доираси” сифатида ҳизмат қиладиган гуруҳ.

Реал ҳаётда “референт гуруҳ” назарияси шахснинг турли социал муҳитларга мослашуви жараёнида, социал харакатларни ўрганишда қўлланилади.

Референт гуруҳлар реал ва идеал гуруҳларга бўлинади. Реал референт гуруҳнинг шахсга қулай социал норма ва қадриятларни эгаллаши учун эталон бўлиб хизмат қиладиган алоҳида кишилар ёки кишилар бирлигидир.

Идеал референт гуруҳ - бу маълум бир гуруҳнинг қадриятли ва норматив йўл-йўриқларини инсон онгида акс этишидир. Шахс бу гуруҳга ўз таъсавурлари ва харакатлари билан мослашишга харакат қилади. Масалан, муҳандис ўзини реал ҳаётда муҳандислар гуруҳига мансуб дейиш билан бирга ўзини гуруҳ сифатида мавжуд бўлмаган “маънавий элита”га мансуб деб хисоблайди.

Ижтимоий психологияда ана шундай психологик муҳитни экспериментал тарзда ўрганишга катта эътибор берилади. Энг кенг тарқалган усуллардан бири социометрия бўлиб, унинг асосчиси америкалик олим Жон Морено ҳисобланади. Социометрия лотинча “so

cietas” - жамият, ва “metreo” - ўлчайман сўзларидан олинган бўлиб, гуруҳдаги шахслараро муносабатларни ўлчашга қаратилган техникадир. Назарий социометрия унинг муаллифи фикрича, жамиятдаги барча низолар, муаммоларни ечишнинг усулларидан бири - инсонлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва шунга кўра, жамиятда ўзгаришларни амалга ошириш керак, деган ғояга асосланади. Амалда эса ҳар бир жамоаларда махсус социометрик сўровлар ўтказилади ва унинг натижалари ташкилий жараёнларда инобатга олинади.

Лекин охирги пайтларда социометрияга қарашлар бирмунча ўзгарган, унинг юзлаб модификациялари, турлари ишлаб чиқилган. Аҳамиятлиси шуки, уни ҳақиқатдан ҳам гуруҳдаги маънавий - психологик муҳитга таъсир этувчи эмоционал муносабатларни аниқлашда мутахассис томонидан ишлатиш мумкин. Бунда ҳар бир гуруҳ аъзоси танлов шароитига солинади, яъни у у ёки бу шароитда, вазиятда ёки фаолиятни бажаришда ўзига ёққан (ёқмаган ҳам) шеригини гуруҳдошлари орасидан танлаши керак. Масалан, мактаб ўқувчиларига “Ким билан бирга дарс тайёрлашни хоҳлардинг? ”, “Ким билан мактаб ер участкасидаги хашарда ёнма - ён туриб ишлашни истардинг?”, меҳнат жамоаларида эса “Бошлиқ томонидан берилган муҳим топшириқни икки киши бажариши керак бўлса, шерикликка кимни олган бўлардингиз?”, талабаларда “Хорижга ўқишга юборишса, гуруҳдошларингдан кимлар сенга шерик бўлишини истайсан?” каби саволлар билан мурожаат қилинади. Сўров аноним бўлиб, ҳар бир иштирокчи 3 - 5 тагача танлаш ҳуқуқига эга бўлади. Натижалар жадвалга солиниб, қайта ишланади ва хаттоки, график тарзида чизилади. қуйида меҳнат жамоасида қўлланилиши мумкин бўлган социометрик тестдан бири ҳавола этилган.

Бу метод ёрдамида норозилик кайфиятидаги жамоа ёки гуруҳни ўрганиш учун гуруҳ аъзоларига савол берилади. Бу савол социометрик мезон деб аталади. Социометрик мезон гуруҳ ҳаёти учун муҳим бўлиши, гуруҳ ҳаётини акс эттириши керак. Масалан туман раҳбарияти фаолиятидан норози ахоли учун учун «Сиз туман рахбариятда кимни кўришни ҳоҳлайсиз?» деган мезон муҳимдир.

Текшириш муваффаққиятли ўтиши учун осойишта, ишчи шароит зарур. Сиз танлаган кишини лавозимга қўя олмасак, у ваќтда яна ким бўлишини истардингиз, ўша шахснинг фамилиясини ёзинг. Башарти биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам бўлмай ќолса, у ваќтда кимни танлар эдингиз? Шунинг фамилиясини ёзинг.

1._____

2._____

3._____

Энди худди шу тартибда ким бўлишини ҳоҳламаслигингизни кўрсатинг (агар шундайлар бўлса).

1._____

2._____

3._____

Тўғри мезон танлаш учун гуруҳни ўрганиш, уларнинг ҳаётида нима муҳим эканлигини билиш зарурдир. Танланаётган мезон гуруҳни ќайси фаолият жараёнида ўрганишни мақсад ќилиб ќўйганлигига боғлиқдир.

Иш осон бўлиши учун тингловчиларга саволни карточка кўринишида тайёрлаб берилади.

Олинган натижаларни таҳлил ќилаётганда ахоли мавќеининг сабабини билишга ҳаракат ќилиш керак. (Нима учун рахбарни ёқтирмайдилар ва ҳ.к). Бу борада асосий эътиборни салбий танланишга эга бўлганларга ќаратиш керак.

Гуруҳнинг психологик хусусиятларини чуќур ўрганиш учун гуруҳдаги гуруҳчалар аниќланади. Бунинг учун исталган ўзаро танлашга эга бўлган гуруҳ аъзосининг тартиб раќами жадвалнинг устунига ҳам, ќаторига ҳам ёзилади. Кейин шу киши билан ўзаро танлашга эга бўлгани иштирокчи раќами ҳам худди шу тартибда ёзилади. Шу тариќа ўзаро танлашлар давом эттирилади.

3. Баҳолаш методикалари ва ассессментлаш йўллари

Ассесмент – инглизча сўз бўлиб, “баҳо”, “баҳолаш” маъносини билдиради. Мазкур усул тарихи ўтган асрнинг 30-40 йилларига бориб тақалади. Инглиз ва немис ҳарбийлари саводли ва тадбиркор офицерларни, ҳарбий ҳолатларни бошқара оладиган, адекват ҳаракатни амалга оширадиган малакали ҳарбийларни танлаб олиш учун шу усулни ишлаб чиқадилар. Кейинчалик бу усул тадбиркорлик оламига ҳам татбиқ этилади. Ишлаб чиқариш ва савдо компаниялар малакали топмененжерларни аниқлаш учун бу методдан фойдалана бошлайдилар. 50-йилларга келиб бизнес-психологлар томонидан бу усул қўлланилиб, корхона ва ташкилотларни малакали мутахассислар билан таъминлаш хизмати йўлга қўйилади. У “«The Assessment Centre» номини олади. Бугун бу усул таълим тизимига ҳам жорий этилган бўлиб, талабаларнинг билим даражаси, малака ва кўникмасини баҳолашга хизмат қилади.

4. Гуруҳларни бошқаришнинг социал психологик усуллари

Шахслараро муносабатлар асосан гуруҳ шароитида, шахс маълум инсонлар даврасида, гуруҳида, жамоада бўлган тақдирда рўй беради. Шунинг учун ҳам мутахассислар жамоаларда рўй берадиган шахслараро таъсирнинг қонуниятлари ва механизмларини билишлари ва уларни гуруҳда одамлар меҳнатини ташкил этишда албатта инобатга олишлари керак.

секторида банд бўлган ёлланиб ишловчи ходимлар ҳажмининг кўпайиши[32] мамлакатимиз тараққиётидаги ижобий ҳодиса бўлиши билан нодавлат мулкчилигига асосланувчи корхона иш берувчилар томонидан кўпроқ фойда олишга интилиб, меҳнат муҳофазаси масалаларига эътиборни сусайишига ва шу холат туфайли бахтсиз ҳодисалар сони кўпайишига, ходимларнинг бу соҳадаги ҳақ-ҳуқуқлари етарли ҳимояланмасдан қолишларига сабаб бўлмоқда[33].

Шу сабабли меҳнат муҳофазасига оид қонунчилик талабларини, хусусан юз берган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишга оид талабларни тўлиқ ва сўзсиз бажарилишини таъминлаш бугунги, бозор муносабатлари шароитида ходимлар ҳуқуқларини ҳимоялаш ва кафолатлашнинг асосий шартларидан саналади.

Шуни таъкидлаш жоизки, юртимиздаги корхоналарнинг 90 фоизи хусусий ва корпоратив мулк шаклига ўтган бўлиб, уларда жами иш билан банд бўлган аҳолининг 77 фоизи меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда замонавий меҳнат бозори шаклланди.

Буларнинг барчаси меҳнат қонунчилиги, унга амал қилиш, меҳнат муносабатлари соҳасида ҳуқуқларни таъминлаш муҳим вазифалардан бўлар экан, Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнатни муҳофаза қилишга оид Конвенциялари ратификация қилиниши ва улардаги нормалар миллий қонунчиликка имплементация қилиниши, корхона ва ташкилотларнинг меҳнат муҳофазасига оид локал ҳужжатлари таркиби қайта кўриб чиқилиши, улар томонидан бу соҳада қабул қилиниши мажбурий бўлган ички локал ҳужжатлар рўйхати ва уларга қўйиладиган минимал талаблар қонун ҳужжатлари билан аниқ белгилаб берилиши, меҳнат муҳофазасига оид қонунлар устидан давлат назорати кучайтирилиши, унинг самарадорлиги мониторинги ўтказилиши, бу соҳада фаолият юритувчи идоралар ваколатлари ва жавобгарликлари оширилиши лозим деб ўйлаймиз.

Хуллас, инсон ва унинг манфаатлари энг олий қадрият саналувчи бизнинг жамиятимизда ҳар бир фуқаро фаровонлиги, хавфсизлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат ва жамиятнинг устувор вазифаларидан бўлиб саналади. Бунда ёлланиб ишловчи фуқароларимиз ҳаёти ва саломатликларига ишлаб чиқариш жараёни давомида зиён етишига йўл

[32] Шуни қайд этиш кифояки, бугун мамлакатимизда 310 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари бўлиб, иқтисодиётда банд кичик бизнес ахолининг 65 фойизидан кўпроғи у ерда кичик бизнес субъектлари ялпи ички махсулотнинг 38,2 фоизини яратмоқдалар.

[33] 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси судларда 618 та соғлиққа етган зарарни ундиришга оид иш кўрилиб, 500 та ҳолатда даъво қаноатлантирилган

қўймаслик, экология ва ишлаб чиқаришнинг зарарли таъсирларидан уларни самарали ҳимоя қилишга имкон берадиган даражада қонунчилигимизни такомиллаштириш олдимиздаги энг долзарб вазифалардан эканлиги шак-шубҳасиздир.

Юртимизда барча учун муносиб меҳнат муҳофазасини таъминлашга қаратилган етарлича механизмлар шакллантирилган бўлишига қарамасдан, ҳар бир иш берувчи иш жойидаги яратилган шароитлар авваламбор меҳнатни муҳофаза қилишнинг барча талабларига жавоб берган тақдирдагина самарали ва хавфсиз ишлаш мумкинлигини тушуниб етмоғи лозим.

Меҳнат соҳасидаги асосий тамойил хавфсиз ва соғлом меҳнат муҳитини таъминлаш учун барча жамият аъзолари маъсулдир.

Махмудов Дилмурод Розметович
Соискатель УОБ НГ Республики Узбекистан, доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ ПОТРЕБИТЕЛЕЙ СТРАХОВЫХ УСЛУГ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЕ БЕЗОПАСНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: В статье исследованы актуальные вопросы защиты прав и законных интересов страховщиков при оказании страховых услуг, профессиональными участниками страхового рынка. Предметом проведенного исследования послужили нормы национального и зарубежного законодательства, доктринальные мнения отечественных и иностранных ученых, судебная и правоприменительная практика по защите прав страховщиков как стороны в договорах страхования. Основной целью дальнейшего совершенствование законов и нормативно – правовых актов, защищающих права и законные интересы страховщика (потребителя), являющегося стороной договора в гражданско–правовых отношениях, возникающих в сфере страхования. Предлагается внесение изменений и дополнений в действующее законодательство, регулирующее услуги страхования.

Ключевые слова: *страхование, договор страхования, страхователь, страхование от убытков, права и обязанности страхователя, защите прав потребителей, страховые организации, доходы страховых компаний, аджастер, актуарии.*

Введение

Во всем мире последовательно осуществляются меры по дальнейшему развитию страхового рынка, расширению охвата населения качественными страховыми услугами, поддержке деятельности страховых организаций, а также созданию благоприятных условий для защиты прав и законных интересов потребителей в данной сфере. На современном этапе реформ активное развитие финансовых услуг, направленных на обеспечение устойчивого роста экономики, повышение качества и уровня жизни населения, требует усиления роли страхового рынка в республике и широкого применения страховых инструментов.

Актуальность дальнейшего реформирования национального страхового рынка и обеспечения его ускоренного развития, внедрения новых востребованных видов страховых услуг, повышения доверия потребителей к страховому рынку, превращение его в требование

времени и периода подтверждается также принятием Постановления Президента Республики Узбекистан от 2 августа 2019 года «О мерах по реформированию и обеспечению ускоренного развития страхового рынка Республики Узбекистан» ПП–4412.[34]

Следует особо отметить, что слова Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева «Интересы человека превыше всего» находят свое подтверждение в принимаемых сегодня в нашей стране законах и подзаконных актах[35]. В целях защиты законных интересов потребителей, дальнейшего повышения потребительской культуры населения, а также повышения работы с обращениями на качественно новый уровень 26 апреля 1996 года был принят Закон Республики Узбекистан, «О защите прав потребителей», который служит важной правовой основой системы защиты законных интересов потребителей[36].

Стоит отметить, что в основе принимаемых законодательных актов в развитых демократических государствах, прежде всего, лежат интересы человека. В этой связи для повышения экономического потенциала нашей страны аннулируются документы, не отвечающие требованиям современных законодательных актов или их пересмотру и внесению соответствующих изменений и дополнений.

Постановка проблемы

Каким образом внедряются потребительские права при оказании страховых услуг? Какие актуальны сегодня? Каковы механизмы защиты этих прав? – поиск ответов на такого рода вопросы требует их анализа и разработки научно – обоснованных выводов.

Законом Республики Узбекистан от 23 ноября 2021 года. «О страховой деятельности» впервые на законодательном уровне определены права и обязанности профессиональных участников страхового рынка (страховщиков, страховых посредников, аджастеров, актуариев, страховщиков, а также ассистентов).[37] При этом права и обязанности страхователя, являющегося основным участником договора

[34] Постановление Президента Республики Узбекистан от 2 августа 2019 года ПП – 4412 «О мерах по реформированию и обеспечению ускоренного развития страхового рынка Республики Узбекистан» // национальная база данных законодательства, 03.08.2019 г., 07/19/4412/3512.

[35] Мирзиеев Ш.М. Согласие нашего народа – это высшая оценка нашей деятельности. Том 2. – Ташкент: ИПД «Узбекистон», 2018 г. – 462 с.

[36] Закон Республики Узбекистан от 26 апреля 1996 года «О защите прав потребителей» // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1996 г., № 5–6, ст. 59.

[37] Закон Республики Узбекистан от 23 ноября 2021 года «О страховой деятельности» // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2021 г.

страхования и основным потребителем страховых услуг, законом не регламентированы. В настоящее время в положениях главы 52 Гражданского кодекса Республики Узбекистан «Страхование» также не отражены конкретные положения о правах и обязанностях страхователя. Исходя из этого, в Постановлении Президента от 2 августа 2019 года «О мерах по реформированию и обеспечению ускоренного развития страхового рынка Республики Узбекистан» ПП – 4412 в качестве основных задач определены предельное усиление защиты прав потребителей страховых услуг и других субъектов страховой деятельности, повышение страховой грамотности и доверия населения к страхованию, обеспечение открытости и прозрачности страхового рынка.[38]

В настоящее время в соответствии с положениями Гражданского кодекса допускается признание права страхователя перед страховщиком, возникшим в случае подписания договора страхования в письменной форме.

В частности, в части первой статьи 946 ГК указано, что «в случае смерти страхователя, заключившего договор страхования имущества, права и обязанности страхователя переходят к лицу, получившему это имущество в порядке наследования».[39] Однако на сегодня в Законе «О страховой деятельности» и главе 52 Гражданского кодекса, регулирующей страховую деятельность, не прописаны какие-либо права и обязанности страхователя. На наш взгляд, данный правовой пробел оказывает свое влияние на обеспечение и защиту прав потребителей при оказании страховых услуг.

Степень изученности проблемы

Следует отметить те или иные аспекты проблем, связанные со страхованием в Республики Узбекистана были изучены в исследованиях М.А. Аминжановой «Гражданско–правовые проблемы предоставления страховых услуг в условиях рыночной экономики»,[40] Н.Н.Абдуллаевой «Правовое регулирование страховой ответственности»,[41] Л.Г.Эргашевой «Совершенствование использования маркетинга в развитии частного

[38]Гражданский кодекс Республики Узбекистан //URL: https://nrm.uz/con–tentf?doc=1370_grajdanskiy_kodeks_oglavlenie (дата)

[39]Ядгаров А.А. Совершенствование механизма страхования в сельском хозяйстве в условиях рыночной экономики. Автореф. дис. канд. экон. наук. Т. 2006. –27 с.

[40]Эргашева А.Г. Совершенствование использования маркетинга в развитии имущественного страхования в Узбекистане. Автореф. дис…. канд. экон. наук. Т., 2000. – 25 с.

[41]Аминжонова М.А. Гражданские правовые проблемы предоставления страховых услуг в условиях рыночной экономики. Автореф. дис. канд. юрид. наук. Т. – 2004. –23 с.

страхования в Узбекистане»[42] и А.А. Ядгарова «Совершенствование механизма страхования в сельском хозяйстве в условиях рыночной экономики».[43] Статистические данные о развитии рынка страхования в Республике Узбекистан показали, что наиболее широко развито обязательное страхование, чем добровольное страхование.

Кроме того, по мнению иностранного практикующего судьи Н.А. Майоровой в обществе, где развит эффективный, конкурентный и справедливый рынок страхования, могут быть достаточно защищены права потребителей. Она также отмечает, что несмотря на все реформы, проведенные в дорожно–строительной отрасли в Российской Федерации, количество дорожно–транспортных происшествий растет, в то время как страховые компании, предоставляющие услуги обязательного страхования, часто отказываются от выплаты страхового возмещения и пытаются снизить свои расходы за счет клиентов.[44]

По мнению Ю.А. Колесникова страхование – самая слабая сфера в обществе. Это связано с тем, что финансовые преступления, которые сегодня происходят в результате снижения доходов страховых компаний на страховом рынке, приводят к возникновению проблем, связанных с защитой прав потребителей в страховой сфере. Следует особо отметить, что в настоящее время отказ страховой организации от возмещения вреда, подлежащего возмещению в силу договора, необоснованная задержка уплаты страховых взносов за ущерб либо необоснованное превышение страховых определений стимулируют нарушение прав страхователей и утрату доверия к страховым организациям.[45]

Опыт зарубежных стран

Анализируя законы, регулирующие страховую деятельность в развитых государствах, можно констатировать, что в отдельных странах в целях защиты интересов страхователей устанавливаются права страхователя в отдельных статьях. В частности в статье 15 Закона **Китайской Народной Республики** «О страховании» указано, что «…страхователь имеет право расторгнуть договор после заключения договора страхования», в статье 22 «уведомление страховщика о любом

[42]Эргашева Л.Ғ. Совершенствование использования маркетинга в развитии имущественного страхования в Узбекистане. Автореф. дис. ... канд. экон. наук. Т., 2000.

[43]Абдуллаева Н.Н. Правовое регулирование страхования ответствен–ности. Автореф. дис. канд. юрид. наук. Т., 2006.– 22 с.

[44]Майорова Н.А. Особенности применения закона о защите прав потребителей к ОСАГО // Евразийский научный журнал. 2018. С. 17.

[45] Колесников Ю.А. О защите прав потребителей страховых услуг URL: // http://dom–hors.ru/rus/files/arhiv_zhurnala.pep.2016.8.law.kolesnikov.pdf (дата)

страховом случае после заключения договора страхования», в статье 41 «предупреждение обо всем страхователей о двойном страховании» говорится, что владелец двойного страхового полиса обязан уведомить всех страховщиков о любом страховом случае.[46]

В статье 11 «Права и обязанности участников договора страхования» Закона **Литовской Республики** указаны обязательства страхователя. К ним относятся обязательства, такие как «своевременная уплата страховых взносов», «представление в страховую организацию всех документов, связанных со страховым случаем, после заключения договора страхования, о любой информации, включенной или предполагаемой к включению страхователем в договор страхования в период действия договора», «представление в страховую организацию всех документов, связанных со страховым случаем».[47]

В некоторых электронных источниках в права страхователя включены такие права, как «получение страхового возмещения при наступлении страхового случая, в соответствии с условиями договора», «требование страховщиком надлежащего исполнения им своих обязательств в соответствии с условиями договора», «сохранение страховой тайны», «право на возмещение вреда», «замена участников договора страхования», «досрочное прекращение договора страхования».[48]

Кроме того, можно заметить, что право «выбора страховщика для для заключения договора» не включено в список прав страхующего в законах Республики Молдова «Об обязательном страховании гражданской ответственности перевозчика»,[49] «Об обязательном страховании гражданской ответственности владельцев транспортных средств»,[50] Республики Беларусь «Об обязательном страховании гражданской ответственности перевозчика перед пассажиром»,[51] а также

---

[46] Закон Китайской Народной Республики «О страховании» URL: // https://asiabusiness.ru. law.law.insurance.insurance (дата)

[47] Закон Литовской Республики «О страховании» // URL: http://www.insunion.ru. rus.legislation.npa.litva. (дата)

[48] Закон Республики Молдавии “Об обязательном страховании гражданской ответственности перевозчиков перед пассажирами” № 553 от 25 февраля 1998 года.

[49] Закон Республики Молдавии “Об обязательном страховании гражданской ответственности за ущерб, причиненный автотранспортными средствами” № 414. от 22.12.2006 г.

[50] Закон Республики Беларусии “Об обязательном страховании гражданской ответственности перевозчика перед пассажирами”. № 88–3 от 09.01.2002 г.

[51] Закон Российская Федерации “Об обязательном страховании гражданской ответсвенности владельца опасного объекта за причинение вреда в результате аварии на опасном объекте”.

Российской Федерации «Об обязательном страховании гражданской ответственности владельцев опасных объектов».[52]

Также, по мнению бывшего вице – президента и редактора Ассоциации потребителей Соединенных штатов Америки Джулии Каган законы «Об обязательном страховании гражданской ответственности владельцев транспортных средств» в штате Нью Гемпшир, а также «Об обязательном страховании гражданской ответственности водителей мотоциклов» в таких штатах как Монтана, Нью – Гемпшир и Вашингтон до сих пор не приняты.

Исходя из вышеизложенного, мы видим, что в развитых странах существуют различные подходы, направленные на развитие рынка страхования. Они нашли своё отражение в принятии законов, направленных на совершенствование данной сферы. В частности, добровольное страхование способствует развитию частного страхования, а обязательное страхование – общественного страхования.

В развитых странах обязательное страхование не только ускоряет развитие института страхования, но и помогает развитию страховых кампаний. Например, в Италии после внедрения обязательного страхования гражданской ответственности владельцев автотранспорта, началось формирование страховой отрасли. Страховые кампании, имеющие большой опыт и материальные средства, предоставляя услуги обязательного страхования, начали расширять виды услуг добровольного страхования. Это в свою очередь привело к стремительному развитию отрасли. Большинство из них лидирует на рынках Италии. Взгляд на страховой рынок Федеративной Республики Германия, показывает, что на сегодняшний день в этом государстве с 1934 года действует Закон «Об обязательной страховой ответственности охотника перед третьими лицами», а в Великобритании «Об обязательной страховании гражданской ответственности владельцев козлов и опасных животных».[53] Это показывает, что данные законы служили повышению доверия граждан к страхованию, именно поэтому они действуют до сих пор.

Следует отметить то, что не все общеизвестно, что обращения в страховые организации, в силу незнания в полной мере своих прав и обязанностей в сфере оказания страховых услуг или при наступлении

[52] https://vuzlit.ru.obyazatelnoe. strahovanie_rubezhom (расшифровать ссылку и дату просмотра)

[53] https://vuzlit.ru/23668/obyazatelnoe_strahovanie_rubezhom (рашифровать ссылку и дату просмотра)

какого-либо страхового случая не всегда рассматриваются полностью и справедливо.

Выводы и предложения

Исходя из вышеизложенного, следует внести изменения в статью 5^1 Закона Республики Узбекистан «О страховой деятельности», «Права и обязанности страхователя».

Во-первых, **внести в перечень прав страхователя следующие пункты:**

– запрос страховых услуг от страховой организации;

– получение от страховой организации информации о финансовой стабильности, не являющейся коммерческой тайной;

– страхователь может одновременно застраховать свое имущество и жизнь в нескольких страховых организациях (совместное страхование)

– назначение выгодоприобретателей (физических или юридических лиц) для получения страховых выплат по договорам страхования;

– замена застрахованного лица или выгодоприобретателя;

– получение страхового возмещения в пределах страховой суммы, указанной в договоре, при наступлении страхового случая, предусмотренного договором страхования;

– получение страховой компенсации при некачественном обслуживании страховой организацией в соответствии с законом «О защите прав потребителей»;

– требование компенсации за моральный вред и получение его возмещения;

– обращаться в суд за защитой прав в случаях, вытекающих из договора страхования.

Во-вторых, **дополнить обязанности страхователя следующими пунктами**:

– предоставление достоверной и точной информации по вопросам страховщика о случаях, которые будут определены до заключения договора;

– уведомление страховщика о любом страховом случае;

– обеспечение страхователем сохранности застрахованного имущества в период действия договора страхования;

– сообщение страховщику о любых изменениях и дополнениях, вносимых в договор, после вступления в силу договора страхования;

Регламентация данных правил в Законе Республики Узбекистан «О страховой деятельности» в дальнейшем будет способствовать снижению случаев обращения страхователей в суды с исковыми заявлениями по защите их прав, а также предотвращению конфликтов в процессе разрешения споров в страховой сфере, связанных с обращением в различные организации, и недопущению чрезмерных расходов на защиту их прав.

В заключение следует особо отметить, что в настоящее время страховые организации должны в качестве приоритетной задачи определить защиту интересов потребителей при оказании страховых услуг. Так как развитие практики защиты прав страхователей для повышения доверия граждан к страхованию и совершенствование законодательства на современном этапе становятся актуальным.

Библиография:

1. Мирзиеев Ш.М. Согласие нашего народа – это высшая оценка нашей деятельности. Том 2. Ташкент: ИПД «Узбекистон», 2018 г. – 462 с.
2. Ядгаров А.А. Совершенствование механизма страхования в сельском хозяйстве в условиях рыночной экономики. Автореф. дис. канд. экон. наук. Т. – 2006. – 27 с.
3. Эргашева А.Г. Совершенствование использования маркетинга в развитии имущественного страхования в Узбекистане. Автореф. дис…. канд. экон. наук. Т., 2000. – 25с.
4. Аминжонова М.А. Гражданские правовые проблемы предоставления страховых услуг в условиях рыночной экономики. Автореф. дис. канд. юрид. наук. Т. – 2004. –23 с.
5. Эргашева Л.Ғ. Совершенствование использования маркетинга в развитии имущественного страхования в Узбекистане. Автореф. дис. ... канд. экон. наук. Т., 2000.
6. Абдуллаева Н.Н. Правовое регулирование страхования ответствен–ности. Автореф. дис. канд. юрид. наук. Т., 2006.–22 с.
7. Майорова Н.А. Особенности применения закона о защите прав потребителей к ОСАГО // Евразийский научный журнал. 2018. – С. 17.
8. Колесников Ю.А. О защите прав потребителей страховых услуг // http://dom–hors.ru/rus/files/arhiv_zhurnala.pep.2016.8.law.kolesnikov.pdf

References (transliterated):

1. Mirzieev Sh.M. Soglasie nashego naroda – eto vishaya otsenka nashey deyatelnosti. Tom 2. – Tashkent: IPD «Uzbekiston», 2018 g., – 462 s.
2. Postanovlenie Prezidenta Respubliki Uzbekistan ot 2 avgusta 2019 goda PP–4412 «O merax po reformirovaniyu i obespecheniyu uskorennogo razvitiya straxovogo rinka Respubliki Uzbekistan» // natsionalnaya baza dannix zakonodatelstva, 03.08.2019 g., 07/19/4412/3512
3. Zakon Respubliki Uzbekistan ot 26 aprelya 1996 goda «O zahite prav potrebiteley» // Vedomosti Oliy Majlisa Respubliki Uzbekistan, 1996 g., № 5–6, st. 59.
4. Zakon Respubliki Uzbekistan ot 23 noyabrya 2021 goda «O straxovoy deyatelnosti» // Vedomosti Oliy Majlisa Respubliki Uzbekistan, 2021 g.
5. Grajdanskiy kodeks Respubliki Uzbekistan // Lex.uz
6. Yadgarov A.A. Sovershenstvovanie mexanizma straxovaniya v selskom xozyaystve v usloviyax ro'nochnoy ekonomiki. Avtoref. dis. kand. ekon. nauk. – T. – 2006. –27 s.
7. Ergasheva A.G. Sovershenstvovanie ispolzovaniya marketinga v razvitii imuhestvennogo straxovaniya v Uzbekistane. Avtoref. dis…. kand. ekon. nauk. – T., 2000. – 25s.
8. Aminjonova M.A. Grajdanskie pravovo'e problemo' predostavleniya straxovo'x uslug v usloviyax ro'nochnoy ekonomiki. Avtoref. dis. kand. yurid. nauk. – T. – 2004. –23 s.
9. Ergasheva L.G'. Sovershenstvovanie ispolzovaniya marketinga v razvitii imuhestvennogo straxovaniya v Uzbekistane. Avtoref. dis. ... kand. ekon. nauk. – T., 2000.;
10. Abdullaeva N.N. Pravovoe regulirovanie straxovaniya otvetstvennosti. Avtoref. dis. kand. yurid. nauk. – T., 2006.–22 s.
11. Mayorova N.A. Osobennosti primeneniya zakona o zahite prav potrebiteley k OSAGO // Evraziyskiy nauchnoy jurnal. 2018. – S. 17.
12. Kolesnikov Yu.A. O zahite prav potrebiteley straxovo'x uslug // http: // dom–hors.ru/rus/files/arhiv_zhurnala.pep.2016.8.law.kolesnikov.pdf
13. Zakon Kitayskoy Narodnoy Respubliki «O straxovanii» // https: // asiabusiness.ru.law.law.insurance.insurance
14. Zakon Litovskoy Respubliki «O straxovanii» // http: // www. insunion. ru. rus.legislation.npa.litva.
15. Zakon Respubliki Moldavii "Ob obyazatelnom straxovanii grajdanskoy otvetstvennosti perevozchikov pered passajirami" № 553 ot 25 fevralya 1998 goda

16. Zakon Respubliki Moldavii “Ob obyazatelnom straxovanii grajdans–koy otvetstvennosti za uherb, prichinenno’y avtotransportno’mi sredstvami” № 414. ot 22.12.2006 g.

17. Zakon Respubliki Belarusii “Ob obyazatelnom straxovanii grajdanskoy otvetstvennosti perevozchika pered passajirami”. № 88–Z ot 09.01.2002 g.

18. Zakon Rossiyskaya Federatsii “Ob obyazatelnom straxovanii grajdanskoy otvetsvennosti vladeltsa opasnogo ob’ekta za prichinenie vreda v rezultate avarii na opasnom ob’ekte”.

https: // vuzlit.ru.obyazatelnoe. strahovanie_rubezhom

Бейсенов Кенжабай Сарсанбаевич
Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчиси, подполковник
+99888 339 70 71

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ МУАММОСИ

Аннотация: Мазкур мақолада вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлигини олдини олиш, оиланинг бола тарбиясига таъсири, ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлигини олдини олиш муаммолари бўйича илмий асослнган таклиф ва тавсиялар берилган.

Аннотация: В данной статье представлены научные предложения и рекомендации по профилактике правонарушений несовершеннолетних, влиянию семьи на воспитание детей, проблемам профилактики правонарушений несовершеннолетних.

Annotation: This article presents scientific proposals and recommendations on the prevention of juvenile delinquency, the influence of the family on the upbringing of children, and the problems of preventing juvenile delinquency.

Таянч сўзлар: Ҳуқуқбузарлк, вояга етмаганлар, ўсмирлик, шахс.

Ключевые слова: Правонарушение, несовершеннолетние, подростковый возраст, личность.

Keywords: Delinquency, minors, adolescence, personality.

Халқимиз азалдан болажонлик фазилатини намоён қилиб, фарзандни дунёга келтиришдан тортиб, то камолга етказгунга қадар унинг таъминоти, таълим-тарбияси ва билим олиши, касб-ҳунар эгаллашига, умуман, етук инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратиб келган.

Миллий қонунчилигимизда бу инсонпарвар қадриятларимиз ўзининг теран ифодасини топган. Хусусан, Асосий Қонун — Конституциямиз, Оила кодекси, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунлар, Президентимизнинг кўплаб фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорларида фарзандларимиз, айниқса, вояга етмаган болалар манфаатларининг ишончли ҳимояси кафолатланган.

Бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан болалар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш, вояга етмаган болаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш ва уларнинг юқори даражада таълим-тарбия олишини ҳар томонлама таъминлаш борасида изчил ҳамда тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлиги ҳар куни замонавий жамиятнинг офатига айланиб бормоқда ва алоҳида аҳамият касб етмоқда. Ўсмирлик, боланинг ривожланишидаги танқидий ёш, болаликдан катталикка ўтиш. Шахснинг шаклланиши ва ривожланиши даврида бу ёш муаммоли ҳисобланади. Бу ўсмирнинг жамиятдаги ҳаёт шароитларига мослашиш вақти, улар ҳали ҳам катталар маконида қандай ҳаракат қилишни билишмайди. Замонавий ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати кўпинча ўспиринларни ўзини ҳимоя қилиш ёки ўзини тасдиқлаш учун қонунни бузишдан бошқа иложсиз қолдиради. Инсон шахс сифатида жамиятдан ташқарида ривожлана олмайди. У шахслараро мулоқотга, қарашлар бирлигига ва умумий манфаатларга муҳтож. Янги, ғайриоддий нарсаларни ўрганиш истаги кам учрайди, ўсмирларни жиноий тўдага олиб келади. Вояга етмаганлар томонидан содир етилган ҳуқуқбузарликлар замонавий дунёда кенг тарқалган ҳодисалардир. Нима учун бу содир бўлаётганини тушуниш керак. Ўсмирлик даврида ҳуқуқбузарликлар асосан гуруҳнинг бир қисми сифатида содир етилади, бу боланинг яқин ва шахсий мулоқотга, ўзини намоён қилишга, ўзини тасдиқлашга бўлган еҳтиёжини тушунтиради. Ва шу билан бирга, содир етилган ҳаракатни гуруҳ аъзоларига ўтказиш ва шу билан уларнинг жазосини осонлаштириш мумкин. Гуруҳда ўсмирда ҳуқуқбузарлик содир етишда хавфсизлик, анонимлик ҳисси ривожланади. Ўсмирни антисоциал гуруҳда топиш жиноят содир етиш учун хавф омилидир, шунинг учун ҳуқуқбузарларнинг норасмий гуруҳларини олдини олиш учун ҳаракат қилиш керак. Бундай гуруҳлар болаларнинг қарашлари, ноқонуний муносабатлари, хулқ-атвор нормаларининг шаклланишига таъсир қилади, уларни ноқонуний хатти-ҳаракатларга ундайди. Аслида, ўсмирлик учун асосий муаммо-бу объектив шароит ва имкониятларнинг ўсмирнинг мақсадлари, интилишлари ва истакларига мос келмаслиги. Булар" ўспиринларнинг, уларнинг ота — оналарининг маънавий ва моддий еҳтиёжлари ва уларни қондиришнинг ҳақиқий имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар-ўспиринларга нисбатан бу барча жараёнлар ва ҳодисалар уларнинг ҳаёти ва макро даражада тарбияси

учун салбий шароитларни яратади ва шу билан салбий оғишларга ҳисса қўшиши мумкин[54]. вояга етмаганларнинг девиант хулқ – атворига ҳисса қўшадиган асосий сабаблар: - оиланинг таъсири, бу ерда бола шахслараро муносабатлар намунасини ўрганади, келажакдаги ҳаётини жамият нормаларига мувофиқ қадрлаш кўникмаларини ўзлаштиради. Асосан, девиант хулқ-атворли ўсмирлар ижтимоий мавқеи паст, молиявий аҳволи оғир оилалардан келиб чиқади, улар ота-оналарининг антисоциал хатти-ҳаракатларидан ўрнак олишади. Дисфункционал оилаларда боланинг хатти-ҳаракати ва ўйин-кулги устидан назорат йўқ.

Оиланинг бола тарбиясига таъсири бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Оиланинг бевосита салбий таъсири шундаки, ота-оналар ва бошқа катта оила аъзоларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш, ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар, паразитизм ва бошқалар.) бевосита болаларга салбий ўрнак кўрсатади. Оиланинг билвосита салбий таъсири болаларнинг ахлоқсиз ҳаракатларига берилиш, еҳтиёж ва сўровларни ҳаддан ташқари қондириш, оилавий мажбуриятлардан озод қилиш, яъни еркалаш. Натижада, бундай бузилган ўсмирлар худбинликни ривожлантириш, баҳолаб даъволар, бошқа одамлар учун ҳурматсизлик, уларнинг манфаатларини менсимаслик, масъулиятсизлик, ва бошқалар[55]. ота-оналар ўз фарзандини тушуниш учун керакли емас учун ажойиб емас, унинг бўш туфайли еътибор йўқ, қайси бола мустақил танлаш мумкин емас, шунингдек, ўрганиш қийинчиликларга дуч. Еътибордан маҳрум бўлган болалар ўзларини паст ҳис қилишади, қийинчиликларни енгишга қодир емаслар. Натижада, кўп бўш вақт шаклланади, ўзларини қаерга қўйишни билмай, улар яшаш жойида қизиқиш гуруҳларини тузадилар, еҳтимол бу гуруҳ жиноий характерга ега бўлиши мумкин емас. - Сизнинг ижтимоий доирангиз шаклланадиган, янги дўстлар ва танишлар пайдо бўладиган яқин муҳитнинг таъсири. Ўсмир ўсиб улғайган sayin, у янги қарашларни шакллантиришга хизмат қиладиган ва унга катта таъсир кўрсатадиган маълумот манбаи бўлган тенгдошларининг хатти-ҳаракатларини нусха кўчиради. Яқин атроф-муҳит ўсмирга ички хавфсизлик ҳисси, ўзини ўзи англаш имкониятини беради. Бевосита муҳитда нафақат ижтимоий жиҳатдан бой одамлар, балки антисосиал ҳам бўлиши мумкин. Қоида тариқасида, асоциал субъектлар ўзининг янги аъзосига психологик ҳимоя, ишонч, ўзаро ёрдам усулларини

[54] Башкатов И. П., «Психология асоциально-криминальных групп подростков и молодёжи», С.
[55] Пирожков В. Ф. «Криминальная психология» М.: Ось-89, 2007, С. 319

намойиш етадиган жиноий гуруҳни ташкил қилади. - Бола "жамиятдан четлатилган"га айланадиган коллектив томонидан шахсиятни рад етиш. У бирон бир сабабга кўра жамоа томонидан қабул қилинмайди. Ўсмир ўзини ёлғиз, кераксиз ҳис қилади. У ишончсизлик, безовталик ҳолатидан чиқиш учун ҳар томонлама интилади. Бундай йигитлар жиноий гуруҳ томонидан осонликча қабул қилинади, уни қўллаб-қувватлаш, тушуниш, жисмоний ва моддий ҳимоя қилишни кафолатлайди. Ахборотни нотўғри талқин қилиш. Ўсмирлик-бу кумирларга тақлид қилиш, уларнинг ташқи кўриниши ва хатти-ҳаракатларини нусхалаш ёши. Улар кино, адабиёт ва обрўли тенгдошларнинг жасур қаҳрамонлари каби бўлишга интилишади. Охир оқибат, бундай тақлид болаларни чекиш, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, алкоголли ичимликлар, шунингдек жиноий ва антисоциал хатти-ҳаракатлар каби ёмон одатларга қарам бўлишига олиб келади. Болалар зўравонлик ва қотиллик саҳналари намойиш етилган филмлар, компьютер ўйинларини томоша қилишни яхши кўрадилар, уларни ҳақиқатда амалга ошириш истагини намоён етадилар. Ўсмирлар асосан гуруҳда жиноят содир етадилар, чунки ёши туфайли улар тенгдошлари билан мулоқот қилишлари керак. Улар жиноий гуруҳга кирганларида, улар ёлғиз ўзи қилишга журъат ета олмайдиган салбий ҳаракатларга аралашадилар. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар гуруҳлари "нолдан"пайдо бўлмайди. Уларнинг таълимига кўплаб ўзаро боғлиқ шароитлар ва сабаблар ёрдам беради, масалан, оила, мактаб, халқ таълими камчиликлари ва уларнинг пайдо бўлишининг субъектив шартлари ўсмирларнинг шахсий хусусиятлари ва уларнинг ижтимоий микро муҳит билан ўзаро таъсири[56]. Дастлаб, ўсмирлар ҳуқуқбузарлик қилиш учун гуруҳлар тузмайдилар. Ушбу босқичда уларни яқин ва шахсий мулоқот, янги танишлар, янги таассуротлар, дўстлар компаниясини топиш истаги бирлаштиради. Гуруҳга кириб, ҳар бир ўсмир ўзини англашга, ўзини тасдиқлашга, биргаликдаги тадбирларда иштирок етишга интилади. Ҳеч қандай ёшлар гуруҳига қўшила олмаган ўсмир ўзини ташландиқ каби ҳис қилади, пастлик мажмуасини, фойдасизликни ривожлантиради. Бундай болалар тажовузкор хатти-ҳаракатлар, ёмон академик кўрсаткичлар ва итоацизлик билан ажралиб туради. Қоида тариқасида, улар жамият томонидан рад етилади, ота-оналар, ўқитувчилар, тенгдошлар назарида баҳо камаяди. Ўқиш ва мулоқотда ўзини намоён қила олмайдиган

[56] Шнейдер Л. Б. «Девиантное поведение детей и подростков» М.: Академический проект; Трикста, 2005, С. 3

ўсмирлар ўзлари учун қулай бўлган муҳитни топишга ҳаракат қилиб, ўзлари учун мақбул алоқа доирасини топишга интилишади. Оддий жамият томонидан қабул қилинмаган вояга етмаганлар жиноий гуруҳлар тузадилар. Криминалистик гуруҳларда ўспиринлар уюшмасининг сабаблари хилма-хилдир бу манфаатлар ҳамжамияти ва шунга ўхшаш тақдирлар, уларнинг ижтимоий мавқеидан норозилик ва умумий мақсадлар. Қоида тариқасида, бундай гуруҳлар ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан назорат қилинмайдиган бўш вақтларида яратилади, бу ерда бола ҳам жисмоний, ҳам ҳиссий ёрдам олиши, хавфсизлик ҳисси олиши, ёлғизликдан халос бўлиши мумкин. Девиант хулқ-атворли ўсмирлар ўз вақтларини мустақил равишда қандай ажратишни билишмайди. Агар ўқув жараёнида ўспирин зерикишни ҳис қилса, унда жиноий йўналишдаги турли хил атрибутлар ва маросимлар мавжуд бўлган жиноий гуруҳ муҳити унга қизиқ туюлади. Асосан, бундай гуруҳлар талончилик, ўғирлик, талончилик, зўравонлик жиноятларини содир етадилар. Тажовуз объектлари пул, заргарлик буюмлари, телефонлар, машиналар ва ҳоказо. Жиноят содир етган ўсмир бошқа тенгдошларидан ўзини тутмаслиги, тажовузкор хатти-ҳаракати, зиддиятли вазиятларни яратишга мойиллиги, итоат қила олмаслиги билан ажралиб туради. Бундай болалар ижтимоий мослашишда қийинчиликларга дуч келишади. Жиноят содир етган вояга етмаган одам ҳар доим ҳам ноқонуний ҳаракат қилганига рози бўлмайди. Ноқонуний ҳаракат саргузашт сифатида қаралади. "Хавф гуруҳига" кирадиган бундай болалар вояга етмаганлар учун реабилитация марказларига жойлаштирилиши одатий ҳол емас. Ўқитувчилар ва психологлар олдида қонунни бузган ўсмирни қайта тарбиялаш каби жиддий вазифа турибди. Иш ўспиринларни психологик ва ҳиссий қўллаб-қувватлашга, шу жумладан профилактика машғулотларига, шунингдек ота-оналар билан ишлашга қаратилган бўлиши керак. Ўсмир ҳуқуқбузарлар билан ишлашнинг асосий йўналишларини белгилайдиган реабилитация ва тузатиш дастурларини тузиш зарурати ҳақида савол туғилади. Фуқаролик ҳуқуқи таълими, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишнинг енг самарали йўналишлари ҳисобланади. Ўсмирни бузувчилар билан ишлайдиган ўқитувчи дарсларнинг турли шакллари, масалан, суҳбатлар, мунозаралар, жамиятдаги хулқ—атвор нормалари ва қоидалари бўйича маърузалар орқали ўйлаши керак. Ўйинлар ўсмирнинг ўзини намоён қилиш воситаси сифатида, у ўз хатти-ҳаракати ёки ҳаракатини таҳлил қилиши мумкин ва

бошқалар. Шуни еста тутиш керакки, ўсмирлар ёш хусусиятларига кўра узоқ вақт давомида монотон ишларни бажара олмайдилар ёки узоқ вақт давомида бир хил муҳитда қололмайдилар. Улар таассуротларнинг доимий ўзгаришига муҳтож. Ўсмирни ақлий ва жисмоний имкониятларига мувофиқ ижодий ёндашувни талаб қиладиган қизиқарли, ҳаяжонли фаолиятга жалб қилиш керак. Вояга етмаганларни спортга жалб қилиш, санитария-гигиена кўникмаларини шакллантиришга катта эътибор қаратиш лозим. Ўсмирлар билан профилактика ишлари узоқ ва машаққатли иш бўлиб, у нафақат боланинг бир лаҳзалик муаммосини ҳал қилиш, балки келажакда унинг номақбул хатти-ҳаракатлар қилишига йўл қўймаслик имконини беради.

Айтмоқчимизки, болаларнинг жиноят йўлига кириб қолиши сабаблари ҳақида сўз борганда, вояга етмаган фарзандларимизнинг онгига салбий таъсир этаётган турли ахборотлар хусусида жиддий ўйлаб кўриш тақозо этилади.

Интернетда тарқатилаётган зўравонлик ва фаҳш манзаралари акс этган маълумотлар ёшлар онгига кучли салбий таъсир ўтказиши ўз-ўзидан равшан. Шундай экан, болаларни бундай тажовузлардан жуда эҳтиёт қилишимиз зарур.

Табиийки, вояга етмаган ёшларни жиноятчилик кўчасига етаклаётган барча ҳолат-сабабларнинг бари таълим-тарбия билан бевосита ва билвосита боғлиқ. Мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари нафақат таълим, балки тарбия масканлари ҳам ҳисобланади.

Чунки ушбу маърифат даргоҳларининг асосий вазифаси ёшларга таълим-билим беришга қаратилган. Айни чоғда, атиги бир ёки бир неча ўқитувчи кўп сонли ўқувчи-талабалар тарбияси билан алоҳида-алоҳида тартибда шуғулланишининг имкони йўқ.

Шунинг учун фарзандларимиз тарбиясини биргина таълим муассасаларига юклаб қўйиш тўғри бўлмайди, деб ўйлаймиз. Албатта, у ҳолда нима қилиш керак, деган савол туғилади. Фикримизча, ёшлар, хусусан, вояга етмаганлар тарбияси билан шуғулланиш масаласини жамоатчилик асосида доимий назорат қилиб бориш лозим.

Қаххоров Сарвар Сайфиддинович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти
+99894 6411236,
+99899 8174413
psixolog_sarvar1990@mail.ru

ДИНИЙ ФАНАТИЗМНИ АЁЛЛАРДА НАМОЁН БЎЛИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Аннотация: Мақолада фанатизм феномени, уни келтириб чиқарувчи турли ижтимоий-психологик омиллар ва шунингдек шахсда фанатизмни юзага келишининг гендер фарқлари юзасидан фикр билдирган турли психология мактабларининг классик намоёндалари ва шунингдек ушбу феномен устида тадқиқотлар олиб борган турли замонавий тадқиқотчиларнинг назариялари ўзаро таққосланланган ҳолда хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: диний фанатизм, диндорлик кўрсаткичи, деструктив култлар, фанатизмга мойиллик.

ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА РЕЛИГИОЗНОГО ФАНАТИЗМА У ЖЕНЩИН

Аннотация: В статье освещается феномен фанатизма и предоставляются выводи методом сопоставления теории между классическими представителями школ, высказывающие мнения о различных социально психологических факторах являющиеся причиной его возникновения и гендерных различиях сформирования фанатизма в личности и теориями современных представителей исследующие этот феномен.

Ключевые слова: религиозный фанатизм, показатель религиозности, деструктивные культы, склонность к фанатизму.

PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF RELIGIOUS FANATICISM IN WOMEN

Abstract: The article summarizes the phenomenon of fanaticism, the various socio-psychological factors that cause it, as well as the classical manifestations of various schools of psychology, which expressed their views on gender differences in the occurrence of fanaticism in a person, and the theories of various modern researchers who conducted research on this phenomenon.

Keywords: religious fanaticism, indicator of religiosity, destructive cults, tendency to fanaticism.

Дин жамият маънавий ҳаётининг муҳим бир элементи бўлиб қолмай, шахснинг жамиятда ривожланиши ва ҳаттоки, ижтимоий ҳаётдаги сиёсий жараёнларнинг кечишига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Инсониятнинг ривожланиш тарихи шуни кўрсатадики, диннинг жамият ҳаётига таъсири турли диний ҳодисалар орқалий намоён бўлади, диний фанатизм эса улар орасида алоҳида ўрин тутади. Диний фанатизм тушунчаси диний онгнинг тубдан ўзгариши хусусияти билан белгиланганлиги сабабли, бу ҳодиса радикал диний ҳодисалардан бири сифатида таснифланади.

Психологияда шахснинг индивидуал психологик типологик хусусиятлари ҳақида сўз юритилганда одатда унинг темпераменти, характери ва қобилиятлари кўзда тутилади.

Мутаассиблик (фанатизм) феноменини кенг қиррали эканлигини ҳисобга олган ҳолда унинг турли жиҳатларини тадқиқ этиш мумкин, буларга мисол сифатида ўсмирлар, гендер, ижтимоий, ёшлар, сиёсий, диний, спорт ва шу каби турдаги фанатизм турларини мисол қилиш мумкин. Ушбу ҳодисанинг кўп қирралилиги ва ноаниқлиги уни ўрганишда маълум бир методологияни танлашда баъзи қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Фанатизм юзасидан олиб борилган тадқиқотларнинг асосий қисмида асосан эркак кишининг хулқ-атворида намоён бўлувчи ҳолатлар кузатилади. Бунинг сабаби бу феноменни турли жабҳалардан таҳлил этиш мумкинлиги ва шунингдек, аёллардаги фанатизмнинг воқеликда мужассамланиши фожиали ва ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқариши ва фанатизм таъсирида содир этилган турли жиноятлар натижаси сабабли, аёлларнинг хулқ-атворида намоён булувчи фанатизм феномени алоҳида эътиборга лойиқдир. Турли психологик контекстларда фанатизм тушунчасига нисбатан турли хил тавсифлар келтириб ўтилган. Қуйида аёл жинсига мансуб кишиларда мавжуд бўлган бу феноменга нисбатан аниқроқ таъриф беришга уриниб кўрамиз. Маълумки аёлларнинг хулқидаги эмоционал фон ёрқин ифодаланган бўлиб бундан келиб чиққан ҳолда аёллардаги фанатизм маълум бир объектга нисбатан муккасидан кетган ҳолда интилиш ва берилувчанлик сифатида намоён бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда индивид ўзининг эмоционал ҳолатини назоратдан чиқариши кузатилади.

Шанин А.А ўзининг “Гендерные стереотипы религиозного фанатизма: особенности проявления” номли мақоласида фанатизм феноменининг аёлларда намоён бўлиш ҳолатини қуйидагича изоҳлаган:

“Диний фанатизм йўли аёлни ўз шахсиятини йўқ қилишга, оила қуриш имкониятини чекланишига, анъанавий қадриятларнинг йўқолишига, қариндош-уруғчилик муносабатларига путур етишига ва шунингдек, шахсий камолот ва таълимни эгаллашда тўсқинлик қилади. Шу билан бирга оиланинг бузилишига олиб келади, бу ҳодиса аёлнинг идроки, эрки ва келажагидан маҳрум қилади. Шу йўналишда давом этар экан, аёл деструктив култлар, диний гуруҳлар, экстремистик бирлашмалар ва террористик ташкилотлар тармоғига тушиб қолади. Бундай ҳаракатлар натижасида аёллар нафақат ўзларига, балки ушбу ташкилотлар раҳбарларининг кўрсатмаларига биноан атрофдагиларга ҳам зарар етказадилар, кўпинча нафақат зарар, балки уларнинг эркинликларидан, келажаги ва ҳатто ҳаётидан маҳрум қиладилар”.

Аёлларда фанатизмга мойилликни келиб чиқишида шахс хусусиятларининг ўрни ҳақида сўз юритар эканмиз, шуни ҳам алоҳида эътироф этиб ўтиш зарурки, аёллардаги ўз-ўзини идентификация қилишнинг сустлиги ва шунингдек, шахсий ҳаётининг бузилиши аёллар иллюзиялар, ҳаёллар, диний мифология дунёсига чўмишига сабаб бўлиши мумкин. Бу фикрнинг исботи сифатида Россия Федерацияси Адлия вазирлиги Свердловск вилояти бош бошқармаси ҳузуридаги диний экспертизаларни ўтказиш бўйича эксперт кенгаши аъзоси Е.В. Иванова ўзининг “Она в присутствии любви и смерти” (“У севги ва ўлим ҳузурида”) номли асарида аёлларда юзага келувчи бундай фанатик ҳолатларнинг келтириб чиқарувчи баъзи омиллар ҳақида сўз юритиб, унга қуйидагича тариф берган:

“Бизнинг цивилизациямиз маскулин характерга эга. Ва бу маскулин характерли социал таъсир натижасида турли хил фаолият соҳаларидаги ҳар қандай аҳамиятсиз, кичик ютуқлар аёлларга хос дея таъкидланса, аёлларнинг катта ва ажойиб ютуқлари ҳурмат билан “эркакона” ютуқ дея эътироф этилади. Шу сабабли, аёлларда фанатизмнинг юзага келиш сабабларидан бири сифатида - “эркаклардан яхшироқ бўлиш”, “эркаклар каби қахрамонона ҳаракатлар қилиш ” истаги деб таҳмин қилиш мумкин.

Аёллардаги фанатизмга мойиллик ҳолатини таҳлил этар эканмиз, шуни ҳисобга олишимиз зарурки, ҳар бир аёл ўзида маълум миқдорда эркаклик ва аёллик хусусиятларига эга. К.Юнг ўзининг “Человек и его символы” асарида айнан манашу муаммо юзасидан фикр юритган. “Ҳар бир инсонда анимус ва анима ўзаро алоқада ёки курашда бўлиб, улар орасида мувозанатни ўрнатиш бир мунча мураккаб вазифадир. Бу каби кураш ёки қарама-қаршиликни ҳар бир аёл ҳам бошдан кечиради. Агар

унда анимус ҳукмронлик қилса аёлларда ҳам эркаклик хусусиятлари ёрқин намоён бўлишини кузатиш мумкин, бунга мисол сифатида бундай аёллар ўз табиатларига кўра аёллик нафосатларидан кўра эркакларга хос жасурлик ва жасоратлилик хусусиятлари устунлик қилади. Бу эса улардаги жанговор руҳни, янада аниқроқ айтганда жанговар аёл руҳиятини шаклланишига замин бўлиб хизмат қилади".

Бир қарашда, ушбу факт аёлларнинг диний мутаассиблик ёки унга эргашган ҳолда юзага келувчи экстремизм ва терроризм жараёнларида иштирок этишга мойиллигини изоҳлашга ёрдам бериши мумкин. Аммо, шуни унутмаслик зарурки, аёлларда ўз табиатига кўра ўта эмоционал мавжудотдир, мутаассиблик эса шахсдан ҳис-туйғуларини намоён этишни ва уларга берилишни талаб этади. Айнан шу сабабли ҳам мутаассибликка берилиш аёлларда ёрқин ифодаланган бўлиши мумкин.

Аёлларнинг хулқ атворида диний мутаассибликнинг шаклланишига сабаб бўлувчи яна бир омил эркаклардан фарқли ўларок - бу бузғунчи ташкилотлар томонидан диний мифологияларни шакллантириш жараёнида пайдо бўлувчи лидерга нисбатан эмоционал садоқат ҳиссидир. Бундай ҳолатда аёлларга нисбатан қўлланилинувчи турли психологик ишонтириш усуллари катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг таъсир даражаси аёлнинг у ёки бу турдаги деструктив ташкилотларга аъзо бўлишларига ундаши мумкин. Лекин шу ўринда аёлларга таъсир этувчи баъзи ижтимоий-психологик омилларни ҳам назардан қочирмаслик зарур. Нима сабабдан барча аёллар ҳам бу каби таъсирларга берилувчан ёки мойил эмас? Балки аксинча айнан турли психологик оғиш ҳолатлари ёки турли депрессив ҳолатларни бошдан кечираётган аёллар айнан шундай таъсирларга мойилдирлар. Бу каби таъсирларга кўп ҳолларда ёлғиз аёллар ёки беқарор психика ёки оилавий можаролар ва ҳаттоки ажралиш босқичида бўлган оилавий муносабатларда бўлган аёллар айнан манашу каби таъсирларга берилувчан бўладилар. Юқорида келтирилган ҳолатлар ўзгарган онг ҳолати сифатида тавсифланиши мумкин. Онгнинг ўзгариш ҳолати юзасидан турли хил талқинлар мавжуд, булар қаторига қуйидаги сабабларни келтириш мумкин: депрессия, медитация, алкоголизм, уйқу, гипноз, гиёҳвандлик билан заҳарланиш.

Юқорида санаб ўтилган барча ҳолатлар аёлларда мутаасибликка мойилликни келтириб чиқарувчи онгнинг бузилганлик ҳолатини акс эттириш учун мос аспект сифатида кўриб чиқиш мумкин эмас, балки фақатгина ажрашиш арафасида турган ёки жиддий конфликт ҳолатидаги

оилавий муносабатлар ва шунингдек, кучли депрессия ҳолатинигина бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Фойдаланган адабиётлар

1. А.Каримов “Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари ва замонавий кўринишлари”, Ўқув услубий қўлланма. Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти. Тошкент. 2011 й. 20-б.
2. А.А.Шанин “Гендерные стереотипы религиозного фанатизма: особенности проявления”, Москва, 2017. 68 с.
3. Е.В.Иванова “Она в присутствии любви и смерти”, Екатеринбург, 2007. 168 с.
4. К.Г.Юнг ўзининг “Человек и его символы”, Москва. Луч, 2017. 16 с.

Атаниязов Жасурбек Курбанбаевич
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Олий таълимдан кейинги таълим факультети докторанти, капитан
телефон: +998972249998
jasurbekataniyazov91@gmail.com

ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА ТЕРГОВЧИЛАРИНИНГ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация: *Ушбу мақолада ҳарбий хизматчиларнинг вафоти муносабати билан иш юритишни рад этиш ёки тугатиш билан боғлиқ процессуал муаммолари ва мазкур масалаларнинг ҳуқуқий тартибга солиш жиҳатлари тадқиқ этилган. Тадқиқотда анализ, синтез, индукция, дедукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил каби методлар қўлланилган.*

Калит сўзлар: *вафот, жиноий қилмишни содир этган шахс, жиноят ишини тугатиш, рад этиш, гумон қилинувчининг вафоти.*

Дунёда жиноий жазоларни либераллаштириш, айбсиз шахсларни жавобгарликка тортмаслик ва жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, инсон шаъни ва қадр-қимматини асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнларда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, ҳарбий хизмат билан боғлиқ жиноят ишларида жавобгарликка тортмасдан туриб тарбиялаш, жиноят йўлига адашиб кириб қолган шахсларни тарбиялашнинг инсонпарвар принциплари доирасидаги ҳуқуқий нормаларни жорий этиш ва бу борада тадқиқотлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмишлари бўйича иш юритишни рад этиш ёки тугатишда уларнинг вафоти билан боғлиқ ҳолларда хам жиноят процессуал муаммолар мавжудлигини кузатишимиз мумкин.

Жумладан, амалдаги ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми 3-бандига мувофиқ, башарти, айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса, унинг айблилиги тўғрисидаги масала ҳал этилмай жиноят иши тугатилиши белгиланган. Амалиётда мазкур ҳолатлар кўплаб учраши сабабли, бу борадаги муаммолар ҳам ўзига ҳосликни касб этмоқда. Ҳусусан, ИИВ Тергов Департаменти ва унинг қуйи бўлинмалари томонидан 2017-2021 йиллар давомида жами **1 829 та** жиноят ишлари айбланувчиларнинг вафот этганлиги сабабли тугатилган.[1] Бу кўрсаткич судларда **269 та** жиноят ишлари ва уларда жами **343 нафар**

вафот этган судланувчиларга нисбатан тугатилган жиноят ишларини ташкил этади.[2] Бироқ амалиётда гумон қилинувчи ёки терговга қадар текширув давомида вафот этган шахслар билан боғлиқ ҳолатлар яна катта рақамларни ташкил этмоқда, бу эса ўз навбатида мазкур масалаларда қонунчиликни такомиллаштириш заруратини тақозо этмоқда.

tergovchi va surishtiruvchilar tomonidan ularga sodir etgan jinoyatlarining huquqiy oqibatlari va ularning jinoyat sodir etish paytidagi ruhiy holati, sodir etgan jinoyatini yengillashtirmasligini, aksincha, og‘irlashtiruvchi holat ekanligi tushuntirilganida ular tomonidan tergov va surishtiruv organlaridan norozi bo‘lgan holda shikoyat arizalarini yozishlariga sabab bo‘lishi mumkin.

Yuqorida misol sifatida keltirilgan holatlarning tahlili aksariyat holatlarda ayblanuvchilar va gumon qilinuvchilarning huquqiy ongi va madaniyatining yetarli darajada bo‘lmaganligini ko‘ramiz. Shu sababli, harbiy qism va bo‘linmalarda harbiy xizmatchilarning huquqiy ongi va madaniyatini yuksaltirishga qaratilgan qat’iy chora tadbirlar belgilanishi va ular asosida huquqshunoslik mashg‘ulotlarini tashkillashtirishimiz maqsadga muvofiq.

Ikkinchidan, shaxsiy tarkib orasida bezorilik, talonchilik, haqorat, shaxsning sog‘lig‘iga qarshi jinoyatlar va o‘zganing mulkini talon-toroj qilish bilan bog‘lik jinoyatlarning mazmun mohiyati va ularning huquqiy oqibatlari amaliy misollar bilan tushuntirish ishlari olib borilishi;

Uchinchidan, harbiy xizmatchilar ishtirokida sodir etilgan jinoyatlarni tergov qilish jarayonida, harbiy qismning ichki tartibi, shaxsiy tarkibning soni va maxfiy ish hujjatlari bilan bog‘lik holatlar mavjud bo‘lganligi sababli tergovchi va surishtiruvchilarning maxfiy hujjatlar bilan ishlash ruxsatnomasini borligi va maxfiylik tartibotiga rioya qilgan holda tergov va surishtiruv ishlarini olib borilishiga ahamiyat qaratish lozim.

Н.Ў.Ашурова
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, ю.ф.ф.д. (PhD)

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖИНОЯТГА ЖАЛБ ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Жаҳонда вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш билан боғлиқ назарий ва амалий муаммоларга бағишланган кенг қамровли ва комплекс илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада айниқса, вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этган шахсларни муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш билан боғлиқ жиноий жазо тизимини такомиллаштириш, мазкур турдаги жиноятларнинг содир этилишида жой, касб ва ижтимоий мавқенинг роли, уларни олдини олишда ўқиш, иш ва яшаш жойи жамоасининг ўрни ва аҳамиятини ошириш, мазкур жиноятларнинг қурбони бўлишга шарт-шароит яратувчи психологик ва ижтимоий омилларни бартараф этиш, нодавлат ва нотижорат ташкилотларини жиноий хатти-ҳаракатларга жалб этишни олдини олишда моддий рағбатлантириш механизмларини ривожлантириш, бундай ҳаракатларга жалб қилинганларнинг ижтимоий ва тиббий-психологик реабилитация, ресоциализация, реадаптациясини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, жавобгарлик ва жазо чораларини қўллашда дифференциация ва индивидуаллик каби халқаро стандартлар ва ҳуқуқ нормаларини қонун ҳужжатларида эътироф этиш даражасини кучайтириш билан боғлиқ муаммоларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш ҳамда илмий асосланган ечимларини топиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Жиноий жавобгарликни дифференциациялаш, деганда қонун чиқарувчи томонидан жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва айбдорнинг шахсидан келиб чиқиб, турли жиноят-ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи жавобгарликни даражалаш, туркумлаш тушунилади»[157].

Жавобгарликни дифференциациялашнинг кенг тарқалган усулларидан бири ижтимоий хавфли қилмишни жиноят сифатида квалификация қилишдаги белгилар бўлиб, улар воситасида жиноят таркибини ташкил этувчи белгиларни таснифланади ва уларга мутаносиб жазо санкциялари белгиланади.

[157]Лесниевски – Костарева Т.А. Дифференциация уголовной ответственности: теория и законодательная практика. М., 2018. –С. 52.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 127-моддасида вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилганлик учун жавобгарлик: а) илгари гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага чиқариш билан боғлиқ ҳар қандай жиноятни содир этган шахс томонидан; б) икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан; в) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказадиган бошқа жойларда содир этилган, деб дифференциацияланган.

Жиноий жавобгарликни дифференциациялаш натижалари жазонинг бир-биридан фарқлаш орқали таъминланади.

Россия Федерацияси ЖК 150-моддаси 2-қисмида жиноят субъектини тавсифловчи қўшимча белгилар мустаҳкамланган. Мазкур модданинг ушбу қисми бўйича фақат вояга етмаган шахсни тарбиялаш мажбурияти юклатилган шахслар жавобгарликка тортилиши мумкин. Жиноят қонунида бу шахслар томонидан вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганликнинг ижтимоий хавфи юқорилигини – уларнинг оила муносабати аъзолари ёки муйян касбий малакага эга бўлганликлари билан эмас, балки қонунда уларга ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш бўйича муҳим ижтимоий функциялар юкланганлиги ва улар буни қўпол равишда бузганликлари билан изоҳланади. Ота-она, фарзандликка олган, васийлар ва ҳомийлар қонун (Оила кодекси)да уларнинг зиммасига юклатилган тарбиялаш мажбурияти туфайли 150-модда 2-қисмида жиноят субъекти ҳисобланиши мумкин[158]. Мазкур шахсларнинг жавобгарлиги жиноятга ўз фарзандларини ёки тарбияланувчиларини жалб этгандагина юзага келади.

Субъектив мезонга кўра жавобгарликни дифференциациялаш **Молдова[159], Белорусь[160], Озарбайжон[161], Арманистон[162], Туркманистон[163], Тожикистон[164]**нинг жиноят қонунчилигида белгиланган бўлиб, мазкур қилмиш учун асосий ва қўшимча жазо назарда

[158] Уголовного кодекс Российской Федерации –Москва. Офиц. издание. 2019.

[159] Уголовный кодекс Республики Молдова / Вступительная статья к.ю.н. А.И. Лукашова – СПб.: Юридический центр Пресс, 2019.

[160] Уголовный кодекс Республики Беларусь. Принят Палатой представителей 1 июня 1999 года. Одобрен Советом Республики 24 июня 1999 года / Обзорная статья А.В. Баркова. – Минск: Амалфея, 2018.

[161] Новый Уголовный кодекс Азербайджанской Республики. – Баку: Digesta, 2020.

[162] Уголовный кодекс Республики Армения. - Ереван. Офиц. издание. 2019.

[163] Уголовный кодекс Республики Туркменистан. – Ашгабат: Амалея, 2018.

[164] Уголовный кодекс Республики Таджикистан. Официальный текст. – Душанбе: «Конуният», 2018.

тутилган. Озарбайжон ЖКда эса бу жиноят учун фақат озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги асосий жазо назарда тутилган.

Юқорида баён этилганларга асосан вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганлик учун жавобгарликни дифференциациялашнинг субъектив мезон асосида амалга ошириш, яъни ота-она, фарзандликка олувчи, васий, ҳомий, ўқитувчи ва тарбияга масъул бўлган бошқа шахслар ўз тарбияси остидаги шахсларни жиноят қилишга жалб этганида, асосий жазодан ташқари муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазони қонунга киритиш мақсадга мувофиқдир, чунки ота-она, фарзандликка олганлар, васий ва ҳомийларнинг вояга етмаганлар манфаатларига қарши жиноятларнинг содир этганлиги уларнинг келгусида тарбиячи сифатида қолишига монеилик қилади.

Россия Федерацияси ЖКда жавобгарликни дифференциациялашнинг яна бир мезони жиноятнинг объектив томонига қаратилган бўлиб, вояга етмаган шахсни зўрлик ишлатиб ёки зўрлик қўллаш таҳдиди билан жиноят қилишга жалб этганлик учун умумий асослардан фарқ қилувчи жавобгарлик белгиланган. Л.Д.Гаухманнинг фикрига кўра «зўрлик деганда фақат жисмоний зўрлик тушунилади»[165]. Л.В.Сердюк «зўрлик мазмунига руҳий зўрликни ҳам киритган ва зўрлик деганда бошқа шахслар томонидан қасддан ва қонунга хилоф равишда шахс (ёки шахслар гуруҳи) унинг иродасига қарши амалга оширилувчи ва унга жисмоний ёки руҳий шикаст етказиши, ўз иродасини эркин ифодалаш ва ўзи истаганча ҳаракат қилиш имкониятини чеклашга қодир ташқи тазйиқ тушунилиши лозим»[166] деб таъкидлайди.

Туркманистон[167] ва Тожикистон[168] Жиноят кодексларида зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш Россия Федерациясининг ЖКда белгиланган қоидага ўхшашдир.

Молдова ЖК дифференциациялашнинг мезони ҳисобланган зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан вояга етмаган шахсни уюшган жиноий гуруҳ ёки жиноий фаолиятга жалб этиш ҳам назарда тутилган бўлиб, улар учун бир хил санкция белгиланган[169]. Озарбайжон

[165] Гаухман Л.Д. Насилие как средтсво совершения преступления. М., 1995. – С.75

[166] Сердюк Л.В. Насилие: уголовно-правовое и криминологическое исследование. М., 2002.-С.22

[167] Уголовный кодекс Республики Туркменистан. – Ашгабат: Амалея, 2018.

[168] Уголовный кодекс Республики Таджикистан. Официальный текст. – Душанбе: «Конуният», 2018.

[169] Уголовный кодекс Республики Молдова / Вступительная статья к.ю.н. А.И. Лукашова – СПб.: Юридический центр Пресс, 2019.

Республикаси ЖКда ҳам айни норма қайд этилган, бироқ унда вояга етмаган шахсни жиноий фаолиятга ва уюшган гуруҳга жалб этиш кўзда тутилмаган, фақат жиноий гуруҳга жалб этиш мавжуд.

Арманистон Республикаси ЖКда эса объектив томон белгисига кўра зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш ва жиноят объекти белгисига кўра дифференциациялаш, яъни икки ёки ундан ортиқ шахсни жиноят қилишга жалб этиш тенглаштирилган[170].

Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан жалб этишни квалификация қилишда мазкур жиноят ота-она ёки вояга етмаган шахсни тарбиялаш функциялари юклатилган бошқа шахс томонидан содир этилганида қилмиш модданинг таҳлил этилаётган қисми билан квалификация қилинишига эътибор берилиши лозим, чунки умумназарий ёндашувга кўра махсус квалификациявий белги модданинг қўшимча квалификацияни тақозо этувчи қисмда кўзда тутилган ижтимоий хавфлироқ қилмишни қамраб олади. Зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш **Беларус Республикаси ЖКда** жавобгарликни дифференциациялашнинг биринчи мезони яъни субъектив мезон билан бир қисмда акс эттирилган бўлиб уларнинг ҳар иккаласи учун бир хил санкция белгиланган[171].

Дифференциациялашнинг мазкур мезони амалда яна бир масалани, яъни вояга етмаган шахс томонидан катта ёшдаги шахснинг зўрлик ишлатиб таъсир кўрсатиши остида содир этилган ҳаракатларнинг жиноийлигини муҳокама қилиш зуруратини вужудга келтиради. Маълумки, «шахснинг бошқа бир шахсни унинг ўз хоҳишига қарши бирор бир ҳаракатни содир этишга мажбур қилиш мақсадида зўрлик ишлатиб таъсир кўрсатиши мажбурлаш ҳисобланади»[172], шу боис мазкур ҳолатда содир этилган қилмиш жиноят деб топилмаслиги мумкин. Бунда мажбурлаш қаршилик кўрсатиб бўлмайдиган ёки қаршилик кўрсатилганида муайян зарар етказилиши бўлганида, «мажбур этилаётган шахс ҳақиқий зарар етказувчи сифатида жавобгарликка

[170] Уголовный кодекс Республики Армения. - Ереван. Офиц. издание. 2019.

[171] Уголовный кодекс Республики Беларусь. Принят Палатой представителей 1 июня 1999 года. Одобрен Советом Республики 24 июня 1999 года / Обзорная статья А.В. Баркова. – Минск: Амалфея, 2018.

[172] Калукин В.В. Физическое и психическое принуждение в уголовно праве. Ставрополь, 2001 – С.21

тортилмайди»[173]. Жиноятга жалб этилган вояга етмаган шахс, охирги зарурат ҳолатида ўз ҳаракатларини содир этиб, зарар етказганда ҳам жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

РФ ЖКда яна бир квалификациявий таркиб, яъни «вояга етмаган шахсни жиноий гуруҳ ёхуд оғир ёки ўта оғир жиноятни қилишга жалб этиш учун жавобгарлик белгиланган»[174]. Мазкур белгини таҳлил этиб С.В.Бородин «вояга етмаган шахс олдиндан жиноий тил бириктирган гуруҳ, ташкилот ёки уюшмага жалб этилганида мазкур қисм билан квалификация қилиниши мумкин»[175], деб таъкидлайди ва бу билан ҳар қандай ҳолатда ҳам жиноий гуруҳ вояга етмаган шахсни жалб этиш вақтида тузилиб бўлганлигига урғу беради. А.Н.Игнатов фикрича «вояга етмаган шахс тузиб бўлинган гуруҳга ёки энди тузилаётган жиноий гуруҳга жалб этилиши мумкин»[176].

Бир қатор тадқиқотчилар томонидан РФ ЖК 150-моддаси 4-қисми матнида[177]ги жиноий гуруҳ тушунчасини чиқариб ташлаш таклифи илгари сурилган. Хусусан, Н.Егорова фикрича, «қонунда вояга етмаган шахсни жиноий гуруҳга эмас, балки Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 34-моддасида санаб ўтилган иштирокчилик шаклида жалб этиш сифатида берилиши лозим»[178]. С.Ш.Ахмедова «жиноий гуруҳ тушунчасини сақлаб қолган ҳолда, унинг мазмунини очиб берувчи изоҳни киритишни таклиф этади. Бунда муаллиф уни қуйидагича ифодалаган: кичик ёшдаги ёки вояга етмаган шахсни жиноий гуруҳга жалб этиш деганда, уларни Жиноят кодексининг 35-моддасида кўрсатилган белгиларга эга гуруҳларга, шунингдек бандага жалб этиш тушунилиши лозим»[179].

Арманистон Республикаси ЖКда жиноий гуруҳга эмас, балки вояга етмаган шахсни уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма фаолиятига жалб этиш учун жавобгарлик белгиланган[180].

---

[173] Блинников В.А. Обстоятельства, исключающие преступность деяния в уголовном праве России. Ставрополь, 2001.-С.166.

[174] Уголовного кодекс Российской Федерации –Москва. Офиц. издание. 2019.

[175] Новое уголовное право России. Особенная часть. Учебное пособие / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой. М., 1996. – С.94 – 78.

[176] Игнатов А.Н. Преступления против семьи и несовершеннолетних // Комментарий к Уголовному Кодексу Российской Федерации / Под ред. Ю.И.Скуратова, В.М. Лебедева. М., 1996. – С.321.

[177] Уголовного кодекс Российской Федерации –Москва. Офиц. издание. 2019

[178] Егорова Н.Понятия «преступная группа» и «групповое преступление» // Законность. 1999.№2

[179]Ахмедова С.Ш. Ответственность за вовлечение малолетних и несовершеннолетних в антиобщественную деятельность: уголовно – правовые и криминологические проблемы. Автореферат дис.канд.юрид.наук. Волгоград, 2001. –С.27.

[180] Уголовный кодекс Республики Армения. - Ереван. Офиц. издание. 2019.

РФ ЖКда жавобгарликни дифференциация қилишнинг яна бир мезони сифатида оғир ва ўта оғир жиноятларга қилишга жалб этиш белгиланганлиги ҳам бежиз эмас, боиси ушбу жиноятлар ўзининг ижтимоий хавфи юқорилиги билан ажралиб туради. Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этганлик учун жавобгарликни дифференциациялашнинг ушбу мезонини киритиш зарурати оғир ва ўта оғир жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги билан изоҳланади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, юқоридаги фикрлар вояга етмаган шахсни жиноий гуруҳга жалб этишнинг барча ҳолатларини тўла қамраб олмайди. Жиноий гуруҳ тушунчаси жиноят қонунидаги гуруҳларнинг ҳар қандай шаклини қамраб олиши лозим. Биринчи навбатда бу гуруҳлар Жиноят кодексининг иштирокчиликка оид моддасида қайд этилган. Шахсларни жиноий гуруҳга олдиндан тил бириктирмасдан жалб этиш мумкин эмас, чунки жалб этишнинг ўзи муайян келишувга эришишни талаб этади. Катта ёшдаги шахс вояга етмаган шахсга таъсир этиб, у билан тил бириктирганида унинг ҳаракатлари вояга етмаган шахсни олдиндан тил бириктириб гуруҳга жалб этиш сифатида баҳоланмаслиги лозим. Чунки бу ҳолатда вояга етмаган ёрдамчи ёки бажарувчи сифатида уюшган жиноятни содир этишга жалб этилади ва гуруҳ фақат унинг иштироки билангина тузилади. Вояга етмаган шахс унинг иштирокисиз ҳам гуруҳ белгисига эга бўлган ёки энди ташкил этилаётган, яъни жалб этилаётган вақтда камида икки киши ўртасида жиноятни содир этиш тўғрисида олдиндан келишув мавжуд бўлган, вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишни мазкур қисм билан квалификация қилиш учун асос бўлади.

Юлдашев Шерали Нуралиевич
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Жамоат хавфсизлигини таъминлаш кафедраси катта ўқитувчиси.

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида инсон ҳуқуқлари соҳасида қабул қилинган бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган бўлиб, ушбу ҳуқуқлар миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси[181], Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги[182], шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги[183] халқаро пактлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27 сонли “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[184] Фармони тасдиқланди. Бу Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уни ҳимоя қилишнинг миллий механизмларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича тизимли, амалий чора-тадбирлар олиб борилаётганлигининг мисолидир.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси, 2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси хамда 2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”га мувофиқ тасдиқланди.

Жамоат хавфсизлигини таъминловчи давлат органларининг шахсан биринчи раҳбарлари Концепция, Стратегия ва «Йўл харитаси»да

[181] https://constitution.uz/uz/pages/humanrights.
[182] https://lex.uz/docs/2686000
[183] https://lex.uz/docs/2640479
[184] https://www.lex.uz/ru/docs/5749291

белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан масъулият юклатилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, бошқа давлат органлари ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролар жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектлар сирасига киради.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Жамоат хавфсизлиги – жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик, жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларининг устуворлиги тамойиллари асосида олиб борилиши инсон ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни ҳурмат қилишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари белгилаб қўйилган.

Муҳтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда “Инсон қадрини улуғлаш— юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир”[185].

Жамоат хавфсизлиги концепцияси миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Жамоат хавфсизлиги — жамиятда қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналиши - ҳар қандай кўринишдаги қонунга хилоф тажовузлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, шу жумладан бундай тажовузларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг асосий омилларини аниқлаш ва бартараф этиш бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш хисобланади.

Жамоат хавфсизлиги-ижтимоий муносабатлардаги мўътадил муҳит, инсонларнинг нормал ишлаши, турли хавф-хатар ва ижтимоий таҳдидларнинг йўқлиги, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизимидир.

Жамият хавфсизлигининг моҳияти унинг ўзига хос нисбатан барқарор алоқаларидан иборат бўлиб, ҳуқуқий таркиб билан тавсифланган муносабатлар сифатида тушунилади. Давлатимизда жамоат хавфсизлигининг моҳиятини белгилайдиган асосий ғоялар, қонунийлик, инсонпарварлик, ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя тамойиллар билан ўзвий боғлиқдир.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари жамоат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солади, хавфсизликнинг асосий субъектларининг ваколатларини белгилайди, фуқароларнинг ижтимоий ва шахсий хавфсизлигини таъминлаш, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш, жамият ҳаёти учун хавфсиз шароитлар яратиш шакллари ва усулларини белгилайди.

[185] Президент Шавкат Мирзиёевнинг Янги 2022 йил муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригидан.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда инсон ҳуқуқларига риоя этиш муҳим босқичлардан биридир.Ушбу жараёнда, инсон ҳуқуқ ва эркинлик-ларнинг муайян чекловлари билан муқаррар равишда боғланади.

Тадқиқотчи олимлар жамоат хавфсизлигини таъминлашда инсон ҳуқуқларига риоя этишни мақбуллик доирасини аниқлашни 3 та мезонга ажратади[186], жумладан:

- Мақсад, яъни бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муносиб тан олиш ва ҳурмат қилишни таъминлаш ҳамда демократик жамиятда ахлоқ, жамоат тартиби, умумий фаровонликнинг адолатли талабларини қондириш

- Чекловларнинг қонунийлиги: чекловларни фақат мавжуд қонунлар асосида белгилаш.

- Заруриятдан келиб чиқиб тегишли, қўшимча чекловлар жорий этиш.

Инсон ҳуқуқларини чеклаш даражасини аниқлашда, умумҳуқуқий тамойиллардан келиб чиқилади, сабаби, қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган ходими албатта, ушбу тамойиллар асосида ҳаракат қилади[187].

Давлат фуқарони, унинг мулкини, турар жой дахлсизлигини ва Конституцияда кўрсатилган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда, фуқароларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаолиги юксалиб бориши, уларнинг, Конституция ва қонунларга риоя этишлари, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши муҳимдир.

Фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатишда, шу жумладан ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш олиб борилаётган ислоҳатлар бош омилидир.

“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳам мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигига бўлган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш ва

[186] В.С.Устинов.Основания и критерии ограничения прав и свобод личности в законодательстве и теории.//Сборник научных трудов.Ч.1.-Н.Новгород, 1998.С.100

[187] В.А.Толстик.Противоречия в понимании и практике ограничения прав и свобод человека и гражданина.//Теория и практика ограничения прав человека по российскому законодательству и международному праву: Сборник научных трудов.Ч.1.-.С.162

жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шунингдек, замон талабларидан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва қуролли кучларнинг кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида қабул қилинди[188].

Дарҳақиқат, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида аҳолимиз ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини кун сайин ўзгариб бораётганлигига гувоҳимиз. Давлат раҳбари томонидан белгилаган, жамиятимизда “Янги Ўзбекистонни биргаликда барпо этамиз” деган улуғвор мақсад шаклланди. Зеро, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида ҳам инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш муҳим йўналиш этиб белгиланди.

Президентимиз таъкидлаганидек “Қийноқларни олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида одамнинг қадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган, қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундай буён ҳам мутлоқо йўл қўйилмайди[189].

Хулоса қилиб айтганда, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш давлат ҳокимияти органларининг бош вазифаларидан бири бўлиб қолади.

[188] Ўзбекистон Республикасининг 15.04.2021 йилдаги ПҚ-5077-сонли Қарори. https:lex.uz/docs/5377545

[189] Янги Ўзбекистон Стратегияси. “O‘zbekiston” нашриёти.-Тошкент-2021.Б.80.

A.Z.Zoyirov
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat Xavfsizligi Universiteti magistratura tinglovchisi leytenant

«JAMOAT TARTIBI» VA «JAMOAT XAVFSIZLIGI» TUSHUNCHALARINING O‘ZARO FARQLANISHI HAMDA BOG‘LIQLIGINING TAHLILI

Mustaqillik yillarida amalga oshirilgan keng ko‘lamli islohotlar natijasida respublikamizda ko‘cha va jamoat joylaridagi jinoyatlarga qarshi kurashuvchi va ularning profilaktikasini ta’minlovchi o‘ziga xos tizim shakllandi.

Mamlakatda, uning ma’muriy-hududiy birliklarida jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta’minlash birinchi navbatda huquqbuzarliklarning, jumladan, jinoyatlarning barvaqt oldini olishga xizmat qiladi. Qolaversa, sodir etilgan huquqbuzarliklar uchun javobgarlik ta’minlanadi yoki jinoyatlarning fosh etilishiga imkon beradigan ma’lumotlar to‘planadi, shaxslar aniqlanadi, hatto ushbu faoliyatni olib boruvchi kuchlar tomonidan yoxud ishtirokida muayyan jinoiy qilmishlar fosh etiladi, uni sodir etgan shaxslar uchun javobgarlikning muqarrarligi ta’minlanadi.

O'zbekiston Respublikasining «Ichki ishlar organlari to'g'risida»gi va «Milliy gvardiyasi to'g'risida»gi qonunlari bu borada muhim huquqiy asos bo'lib hisoblanadi. Ushbu qonun asosida qabul qilingan qonun osti hujjatlarda ya'ni Prezident farmon, qaror va farmoyish, Vazirlar Mahkamasining qarori hamda idoraviy normativ-huquqi hujjatlar va qo'shma qarorlarda ichki ishlar va Milliy gvardiya organlari o'zaro hamkorligining tashkiliy asoslarini belgilangan. Xususan, O'zbekiston Respublikasining «Ichki ishlar organlari to'g'risida»gi qonun va 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasida belgilangan vazifalar ijrosini ta'minlash maqsadida qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Ichki ishlar organlarining faoliyati samaradorligini tubdan oshirish, jamoat tartibini, fuqarolar huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilishni ta'minlashda ularning mas'uliyatini kuchaytirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF-5005 son (2017 yil 10 aprel) farmoni jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta'minlash faoliyatini huquqiy tartibga soladigan muhim hujjatdir. Farmonda jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta'minlash sub'ektlarining vazifalari, funksiyalari va javobgarligini aniq chegaralash, takrorlanuvchi va dolzarbligini yo'qotgan vakolatlarni chiqarib tashlash, bo'linmalarning tezkorligi va samaradorligini ta'minlovchi moddiy-texnik ta'minoti darajasini mustahkamlash, zamonaviy ilmiy-texnik vositalar va axborot-kommunikatsiya

texnologiyalari, shu jumladan davlat xizmatlari sifatini yaxshilash nazarda tutildi.

Mamlakatimizda tinchlik va barqarorlikni mustahkamlash maqsadida davlat, jamiyat va shaxs xavfsizligini ta'minlash tizimida keng ko'lamli demokratik islohotlar izchil davom ettirilmoqda. Xususan, jamoat xavfsizligini ta'minlash, jinoyatchilikka qarshi kurashish va huquqbuzarliklar profilaktikasining yaxlit tizimini shakllantirish, ichki ishlar organlarining eng quyi bo'g'inidan respublika darajasigacha samarali faoliyatini yo'lga qo'yish va zamonaviy ish uslublarini joriy etish orqali mamlakatimizda huquq-tartibot va qonuniylikni mustahkamlash, aholining tinchligi va osoyishtaligini ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Jamoat xavfsizligini ta'minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida ichki ishlar organlari faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF-6196-son (2021 yil 26 mart) farmoni qabul qilindi.

Jamoat xavfsizligini ta'minlash bo'yicha o'rnatilayotgan yangi mexanizmlarning samarali amalga oshirilishini ta'minlashda ichki ishlar organlarining roli va mas'uliyatini yanada oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Ichki ishlar organlarining jamoat xavfsizligini ta'minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasidagi faoliyatini yanada takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida»gi PQ-5050-son (2021 yil 2 aprel) qarori qabul qilindi.

Ma’lumki, har qanday faoliyatning asosida tushunchalar tizimi yotadi. Jamoat tartibini saqlash va jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyatini batafsil o‘rganish, avvalo, «jamoat tartibi» va «jamoat xavfsizligi» tushunchalarining mazmunini yoritib o‘tishni talab qiladi. Tahlillar natijasi «jamoat tartibi» tushunchasiga biron bir normativ-huquqiy hujjatda ta’rif berilmaganini ko‘rsatadi. Bu borada ayrim tadqiqotlarda «Jamoat tartibi – bu jamoat xavfsizligi, jismoniy va yuridik shaxslarning normal faoliyat ko‘rsatishi, mehnat qilishi va dam olishi uchun sharoit yaratishga, sha’ni, qadr-qimmatini hamda umuminsoniy qadriyatlarni hurmat qilishga yo‘nalshtirilgan huquqiy va ijtimoiy-axloqiy normalar asosida jamoat joylarida yuzaga keladigan va rivojlanadigan ijtimoiy munosabatlar tizimi» deb ta’riflangan.

Jamoat tartibidan farqli ravishda jamoat xavfsizligiga normativ-huquqiy hujjatda tushuncha keltirilgan bo‘lib, unda «shaxs, jamiyat va davlatning jinoyatchilik, boshqa huquqqa xilof harakatlar, favqulodda holatlar oqibatlari, ijtimoiy nizolar, tabiiy ofatlar, epidemiya, epizootiya, yirik halokatlar, avariyalar va yong‘inlardan himoyalanganlik holati» deb ta’rif beriladi.

Ilmiy tadqiqotlar tahlili natijasida, huquqshunos olimlar tomonidan «jamoat tartibi» va «jamoat xavfsizligi» tushunchalarning o‘zaro farqi va bog‘liqligi, ob’ekti va qamrovi xususida turlicha fikr va mulohazalar bildirilganini ko‘rish mumkin. Ulardan ba’zilari jamoat tartibini va jamoat xavfsizligini bir xil tushunchalar deb hisoblasa, boshqalari esa jamoat tartibi jamoat xavfsizligiga nisbattan kengroq ekanligi, ayrimlari aksincha jamoat xavfsizligi, jamoat tartibiga nisbattan kengroq tushuncha deb hisoblashni taklif etadilar.

Jumladan, A.A. Kudelich – «jamoat tartibi» «jamoat xavfsizligi» tushunchasidan farq qilmasligi va ushbu tushunchalar sinonim ekanligini; V.I. Zarubin – «jamoat tartibi va jamoat xavfsizligi umumiy o‘zakka ega bo‘lsa-da, ularning har biri mustaqil tarkibga egaligini»; S.V. Borisov «ushbu tushunchalar asosiy mazmuniga ko‘ra farq qilishi va bir-birining o‘rnini bosa olmasligini»; F.Ye. Kolontoevskiy – «ular maqsadi, qo‘riqlovchi ob’ektlari, bartaraf qiluvchi tajovuzlar manbai, tartibga soluvchi vazifalari, munosabatlarining tarkibi va ta’minlash usullari bilan o‘zaro farqlanishini»; S.S. Yasenko – «jamoat tartibi ijtimoiy xotirjamlik muhitini, odamlarning hayotiy faoliyati uchun qulay tashqi sharoitlarni yaratishda namoyon bo‘lsa, jamoat xavfsizligi xavfli manbalarni qo‘llashda va xavfli ishlarni amalga oshirishda xavfsiz sharoitlarni yaratishda namoyon bo‘ladi»; M.Z. Ziyodullaev – ««jamoat tartibi» «jamoat xavfsizligi»ga qaraganda kengroq tushuncha bo‘lib, o‘z ichiga fuqarolar shaxsiy xavfsizligi va aynan jamoat xavfsizligini qamrab oladi», A.F. Granin – «jamoat tartibi ijtimoiy munosabatlar barcha turdagi normalar asosida tartibga solinadi, jamoat xavfsizligi esa faqat ikki turdagi ya’ni huquqiy va texnik normalar orqali tartibga solinadi», degan fikrlarni bildiradilar.

Ayrim tadqiqotlarda yuqorida keltirilgan fikr va muloazalarga mutloqo teskari yondashuvlarni ham uchratish mumkin. Xususan, A.V. Gotovsevaning fikriga ko‘ra, «jamoat xavfsizligi» tushunchasi «jamoat tartibi» tushunchasiga nisbatan kengroq, «jamoat tartibi» odamlarning xavfsizligini ta’minlashni, «jamoat xavfsizligi» esa, bundan tashqari mol-mulkning xavfsizligi va inson, jamiyat uchun xavf tug‘diradigan xavf manbalarini bartaraf etilishini nazarda tutadi. Bu boradagi fikrga ushbu sohada tadqiqot olib borgan I.Yu. Suxachev ham qo‘shiladi.

Ko‘rinib turibdiki, ushbu tushunchalarning o‘zaro farqlanishi va aloqadorligi xususida ham turlicha mulohazalarni uchratish mukin. Shu sababli ayrim tadqiqotlarda bu borada «jamoat xavfsizligi» va «jamoat tartibi»ning mazmuni va nisbatlarini aniq belgilash mumkin emas yoki «jamoat tartibi» va

«jamoat xavfsizligi» tushunchalarining huquqiy ta’riflari, ularning o‘zaro munosabatlari masalasi qonun doirasida yagona va aniq belgilanmaguncha munozara bo‘lib qolaveradi degan xulosalarga kelinadi.

Shuningdek, yuridik adabiyotlar va ilmiy tadqiqotlarning tahlili yuqorida ko‘rsatgan chegaralarga qaramasdan, o‘z navbatida «jamoat tartibi» va «jamoat xafsizligi» tushunchalari bir-biri bilan uzviy bog‘liq ekanligini ko‘rsatadi. Bu borada, tadqiqotchi E.V. Samanyuk «jamoat tartibi» va «jamoat xavfsizligi» tushunchalari bir-biri bilan chambarchas bog‘liq va o‘zaro yaqin aloqadadir. Ushbu munosabatlarning mohiyati shundaki, ularning ikkilasi ham fuqarolar va jamiyatning ehtiyojlarini qondirish, ijtimoiy tartibni o‘rnatish va birining normalarini buzish albatta boshqasining normalarini buzilishiga olib keladi», S.S. Sharipov mazkur tushunchalar o‘zaro chambarchas bog‘liq bo‘lib, biri ikkinchisini to‘ldiradi, samaradorligiga xizmat qiladi deb fikr bildirilsa, A.V. Tochka jamoat xavfsizligi va jamoat tartibi jamiyatning normal mavjudligini ta’minlashning bir yo‘nalishida ekanligi va ijtimoiy mexanizmning barcha tarkibiy qismlari kabi bir-biriga bog‘liqligi, maslasiga to‘xtalib o‘tadi.

«Jamoat tartibi» va «jamoat xafsizligi» tushunchalarining bir-biri bilan uzviy bog‘lig‘ligi borasida nisbatan aniq va to‘g‘ri ochib bergan ta’rif D.A. Korotchenkov tomonidan berilgan: «jamoat tartibi va jamoat xavfsizligi turli xil ijtimoiy munosabatlar bo‘lib, ular o‘rtasida yaqin aloqa mavjud: bu munosabatlar guruhlarining har biri boshqasining mavjudligi uchun shartdir».

Xulosa o‘rnida shuni aytish kerakki, nazarimizda jamoat tartibini saqlash faoliyati mazmuniga ko‘ra ko‘cha va jamoat joylarida insonlarning qonun hujjatlari va axloq normalari talablariga rioya etishlarini nazorat qilishda namoyon bo‘lsa, jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyati o‘z ichiga yo‘l harakati xavfsizligi, yong‘in xavfsizligi, qo‘riqlovga olingan ob’ektlar va mulklar xavfsizligi, pasport tizimi, nazorat-litsenziya tizimini ta’minlash kabi faoliyat yo‘nalishlarini qamrab oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M. Vatanimiz mustaqilligi - biz uchun kuch-qudrat va ilxom manbai, taraqqiyot va farovonlik asosi // Prezident Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining 30 yillik bayramiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi nutqi.

2. Ziyodullaev M.Z. Militsiya tayanch punktlarining jamoat tartibi va xavfsizligini ta’minlash faoliyatini boshqarishni takomillashtirish. Yurid. fan. nomzodi. Dis.-T., 2008. - B. 114.

3. O‘zbekiston Respublikasining Ichki ishlar organlari to‘g‘risidagi qonuni // O‘zbekiston Respublikasi qonun xujjatlari tuplami, - 2017. - № 37. - 978-m.

4.Asadov,S.F.O.G.L.(2021).FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABATLARDA DAVLAT ISHTIROKI (DAVLAT-XUSUSIY SHERIKLIK MISOLIDA). Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 7(11), 789-799.

5. O‘zbekiston Respublikasining Milliy gvardiyasi tug‘risidagi qonuni // qonun xujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 19.11.2020 y., 03/20/647/1569-son.

J.R.Jo‘rayev
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Maxsus huquqiy fanlar va harbiy diplomatiya kafedrasi katta o‘qituvchisi kapitan

MILLIY GVARDIYA HARBIY XIZMATCHILARINING JAMOAT TARTIBIGA QARSHI QILMISHLARI BO‘YICHA TERGOVGA QADAR TEKSHIRUV O‘TKAZISH TARTIBI

Annotatsiya: *Mazkur maqolada tergovga qadar tekshiruv tushunchasi, Milliy gvardiya harbiy xizmatchilarining jamoat tartibiga qarshi qilmishlari bo‘yicha tergovga qadar o‘tkazishning protsessual asoslari va tartibi, jinoyat haqidagi ariza va xabarlarni qabul qilish va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi, tergovga qadar tekshiruv davrida o‘tkaziladigan protsessual harakatlar va chiqariladigan qarorlar, tergovga qadar tekshiruv ustidan prokuror nazorati kabi masalalar yoritilgan.*

Tayanch so‘zlar: *Milliy gvardiya, tergovga qadar tekshiruv, harbiy xizmatchi, protsessual asoslar va tartib, jinoyat haqidagi ariza va xabarlar, protsessual harakatlar va chiqariladigan qarorlar, prokuror nazorati.*

Порядок проведения доследственная проверка действий военнослужащих Национальной гвардии против общественного порядка.

Аннотация: *в данной статье рассматриваются такие вопросы, как понятие доследственной проверки, процессуальные основания и порядок проведения военнослужащими Национальной гвардии доследственных действий против общественного порядка, порядок получения и регистрации заявлений и сообщений о преступлениях, процессуальные действия и решения, вынесенные в период доследственной проверки, прокурорский надзор за ходом доследственной проверки.*

Ключевые слова: *Национальная гвардия, доследственная проверка, военнослужащий, процессуальные основания и процедура, уголовные ходатайства и сообщения, процессуальные действия и вынесенные решения, прокурорский надзор.*

The procedure for conducting a pre-investigation check of the actions of the National Guard servicemen against public order.

Annotation: *this article discusses such issues as the concept of pre-investigation inspection, procedural grounds and procedure for conducting pre-investigation actions by the National Guard servicemen against public order, the procedure for receiving and registering statements and reports of crimes, procedural actions and decisions made during the pre-investigation inspection, prosecutor's supervision of the course of the pre-investigation inspection.*

Keywords: *National Guard, pre-investigation check, serviceman, procedural grounds and procedure, criminal petitions and communications, procedural actions and decisions made, prosecutor's supervision.*

So‘nggi yillarda mamlakatimizda shaxsning huquq va erkinliklarini ishonchli himoya qilish, uning sha'ni va qadr-qimmatini hurmat qilish, sud ishlarini yuritishning barcha bosqichlarida taraflarning tortishuv tamoyili qo‘llanilishini yanada kengaytirish hamda ushbu sohada xalqaro standartlar va ilg‘or xorijiy tajribani joriy etishga qaratilgan bir qator qonun hujjatlari qabul qilindi.

Shu bilan birga, sud-tergov amaliyotini tahlil qilish va fuqarolar murojaatlarini o‘rganish natijalari jinoyat prosessida shaxsning huquq va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta'minlash bo‘yicha mexanizmlar to‘liq ishga solinmaganligidan, shuningdek, qonunchilikda jinoyat ishlarini tergov qilish bo‘yicha huquqni muhofaza qiluvchi organlarning vakolatlarini aniq belgilash bilan bog‘liq bo‘shliqlar mavjudligidan dalolat bermoqda[1].

Milliy gvardiya harbiy xizmatchilarining jamoat tartibiga qarishi qilmishlari bo‘yicha tergovga qadar tekshiruv o‘tkazish tartibini yoritishdan avval, tergovga qadar tekshiruv to‘g‘risidagi fikrlarga to‘xtalib o‘tsak. Tergovga qadar tekshiruv organi to‘g‘risida turli olimlar va manbalarda turlicha fikr va muloxazalar berilgan. Jumladan, D.M.Mirazovning fikricha «tergovga qadar tekshiruv - jinoyat prosessining birlamchi bosqichi bo‘lib, unda jinoyatlar to‘g‘risidagi ariza, xabar va boshqa ma'lumotlar tekshirilishi va jinoyat ishini qo‘zg‘atish yoki qo‘zg‘atmaslik masalasi hal etiladi»[2] desa, Sh.F.Fayziyev esa «tergovga qadar tekshiruv - jinoyat ishi qo‘zg‘atilishidan oldin amalga oshiriladigan ma'lum bir hodisaning jinoyat yoki jinoyat emasligini tekshirishga qaratilgan ayrim tergov va prosessual harakatlardir»[3] deb ta'kidlaydi, shuningdek M.Dj.Botaevning ta'biricha «tergovga qadar tekshiruv - bu ishni sudga qadar yuritishning alohida bosqichi bo‘lib, tegishli vakolatlarga ega bo‘lgan mas'ul davlat organlari va mansabdor shaxslarning jinoyatga oid ariza, xabar va boshqa ma'lumotlar bo‘yicha dalillarni to‘plash, tekshirish va baholash yo‘li bilan qonuniy va asoslangan hal qiluv qarorini chiqarishga qaratilgan prosessual harakatlar tizimidir»[4] degan fikrlar bildirilgan.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib, «tergovga qadar tekshiruv – bu jinoyatga oid arizalar, xabarlar va boshqa ma'lumotlarni tekshirish, ularni ko‘rib chiqish natijasi yuzasidan qaror qabul qilishga doir tadbirlarni, shuningdek ish uchun ahamiyatli bo‘lishi mumkin bo‘lgan jinoyat izlari, narsa

va hujjatlarni mustahkamlash hamda saqlashga doir choralarni o‘z ichiga oladi» degan mazmundagi tushuncha kelib chiqadi.

Tergovga qadar tekshiruv O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-prosessual kodeksining 39^1-moddasida ko‘rsatilgan organlar tomonidan ushbu Kodeksning 41-bobida belgilangan qoidalarga muvofiq amalga oshiriladi[5].

O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-prosessual kodeksining 39^1-moddasi (tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi organlar)ning 1-qismi, 2-bandida «harbiy qismlar, qo‘shilmalarning komandirlari, harbiy muassasalar va harbiy o‘quv yurtlarining boshliqlari - ularga bo‘ysunuvchi harbiy xizmatchilar, shuningdek o‘quv mashqlari o‘tkazilayotgan vaqtda harbiy xizmatga majburlar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarga doir ishlar bo‘yicha va O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari xodimlarining xizmat majburiyatini bajarish bilan bog‘liq jinoyatlari yoki qism, qo‘shilma, muassasa yoxud o‘quv yurti joylashgan yerda sodir etgan jinoyatlariga doir ishlar bo‘yicha tergovga qadar tekshiruv o‘tkazish vakolati berilgan.

O‘zbekiston Respublikasining 2020 yil 18 noyabrdagi O‘RQ-647-son «O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi to‘g‘risida»gi Qonunining 3-moddasida «O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari qo‘shinlarining jamoat xavfsizligini ta’minlash va huquqbuzarliklar profilaktikasi sohasida huquqni muhofaza qilishga doir ayrim vazifalarga ega bo‘lgan maxsus turidir»[6] deb belgilangan.

Bu esa, Milliy gvardiya organlarida harbiy xizmatchilarning jinoiy qilmishlari bo‘yicha harbiy qismlar, qo‘shilmalarning komandirlari, harbiy muassasalar va harbiy o‘quv yurtlarining boshliqlari tergovga qadar tekshiruv o‘tkazish vakolatiga egaligini belgilaydi.

O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasining harbiy qism va muassasalarida tergovga qadar tekshiruv O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat-prosessual kodeksiga muvofiq va O‘zbekistan Respublikasi Bosh prokuraturasi, Davlat xavfsizlik xizmati, Ichki ishlar vazirligi, Favkulodda vaziyatlar vazirligi, Mudofaa vazirligi, Davlat bojxona qo‘mitasi, Milliy gvardiyasining «Jinoyat va xodisalarga oid ariza, xabar va boshka ma'lumotlarni qabul qilish, ro‘yxatga olish va ko‘rib chiqish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiklash haqida»gi 2020 yil 2 noyabrdagi 27-sonli qo‘shma qarori[7] hamda O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi qo‘mondonining 2021 yil 19 apreldagi 94-son «O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasida tergovga qadar tekshiruv faoliyatini tartibga solish to‘g‘risida»gi buyrug‘i[8] asosida olib boriladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxs zimmasiga JPK talablariga rioya qilgan holda sodir etilgan holatning barcha jihatlarini sinchkovlik bilan, to‘la va har tomonlama aniqlanishi choralarini ko‘rish, jinoyat alomatlari, jinoyat sodir etgan shaxslarni topish, dalillarni aniqlash va rasmiylashtirish vazifalari yuklatiladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxs sifatida harakat qila turib, tergovga qadar tekshiruvni boshlashga yoki o‘ziga bo‘ysunuvchi boshqa mansabdor shaxsga uni yuritishni topshirishga, jinoyat ishini qo‘zg‘atishga yoki jinoyat ishi qo‘zg‘atishni rad etishga yoxud arizani, xabarni tergovga tegishliligiga ko‘ra o‘tkazishga haqlidir.

Harbiy qism komandiri yoki muassasa boshlig‘ining o‘rinbosari tomonidan sodir etilgan holat yuzasidan tergovga qadar tekshiruv mazkur harbiy qism komandiri yoki muassasa boshlig‘i tomonidan o‘tkaziladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshirish harbiy qism komandirlari va muassasa boshliqlarining buyrug‘i bilan, bir kalendarь yiliga, tajribali (oliy yuridik ma'lumotga ega) ofitserlar zimmasiga yuklatiladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxslarning xizmat joyi o‘zgarganda, xizmatdan bo‘shatilganda, uzoq muddatga xizmat safariga yoki davolanishga ketganda va boshqa hollarda, tergovga qadar tekshiruvni amalga oshirish boshqa ofiserlarning zimmasiga yuklatiladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshirish zimmasiga yuklatilmagan boshqa shaxslar tomonidan mazkur vazifalarni bajarilishi man etiladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshirish zimmasiga yuklatilgan mansabdor shaxslar o‘rtasida ishlarni taqsimlash harbiy qism komandiri tomonidan hal etiladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi organning mansabdor shaxslari soni:

a) harbiy qism va muassasalarda –5–7 nafardan;

b) alohida vzvod va shaxsiy tarkibi 50 nafardan oshmaydigan alohida harbiy bo‘linmalarda – 1–2 nafardan iborat bo‘ladi.

Harbiy qism va muassasa boshliqlari tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxslar tarkibiga maxfiy ma'lumotlar bilan ishlashga ruxsati bo‘lgan harbiy xizmatchilarni kiritish masalasiga alohida e'tibor qaratishlari lozim.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxs tergovga qadar tekshiruvni olib borish va boshqa prosessual harakatlarni bajarish davomida harbiy qism komandiri(muassasa boshlig‘i)ning ko‘rsatmasiga asosan asosiy xizmat vazifalarini bajarishdan vaqtinchalik ozod

etilishi mumkin va zarur hollarda xizmat avtomashinasi, aloqa vositasi bilan ta'minlanadi, shuningdek, prosessual harakatlarni amalga oshirishda sarflangan xarajatlari belgilangan tartibda qoplanadi.

Jinoyat yoki boshqa favquloddagi holat yuz berganda, harbiy qism komandiri bu haqda darhol tegishli nazorat qiluvchi harbiy prokurorga xabar qilishi va vakolatli shaxs kelguniga qadar hodisa sodir bo‘lgan joyni qo‘riqlashga qaratilgan choralarni ko‘rishi shart.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxs jinoyatning oldini olish yoki uni sodir etilishiga yo‘l qo‘ymaslik, dalillarni to‘plash va saqlash, jinoyat sodir etishda gumon qilinganlarni ushlash va yashiringan gumon qilinuvchilarni qidirib topish hamda jinoyat tufayli yetkazilgan mulkiy zararning o‘rni qoplanishini ta'minlash uchun zarur bo‘lgan, kechiktirib bo‘lmaydigan barcha harakatlarni amalga oshirishi shart.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxs zimmasiga prokuror, tergovchi, surishtiruvchi yuritayotgan ish bo‘yicha ayrim prosessual harakatlarni o‘tkazish to‘g‘risidagi topshiriqlarni bajarish hamda prokurorga, tergovchiga, surishtiruvchiga prosessual harakatlarni bajarishda ko‘maklashish majburiyati ham yuklatiladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxs tergovga qadar tekshiruvni amalga oshirayotganda, xuddi shuningdek prokurorning, tergovchining, surishtiruvchining topshirig‘ini bajarayotganda, O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat–prosessual kodeksida belgilangan qoidalarga amal qilgan holda prosessual harakatlarni amalga oshiradi va qarorlar qabul qiladi.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ва «Миллий гвардияси тўғрисида»ги қонунлари бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу қонун асосида қабул қилинган қонун ости ҳужжатларда яъни Президент фармон, қарор ва фармойиш, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқи ҳужжатлар ва қўшма қарорларда ички ишлар ва Миллий гвардия органлари ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий асосларини белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонун ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, еркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармони жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ҳуқуқий тартибга соладиган муҳим ҳужжатдир. Фармонда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш субъектларининг вазифалари, функсиялари ва жавобгарлигини аниқ чегаралаш, такрорланувчи ва долзарблигини йўқотган ваколатларни чиқариб ташлаш, бўлинмаларнинг тезкорлиги ва самарадорлигини

таъминловчи моддий-техник таъминоти даражасини мустаҳкамлаш, замонавий илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан давлат хизматлари сифатини яхшилаш назарда тутилди.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини таъминлаш тизимида кенг кўламли демократик ислоҳотлар изчил давом еттирилмоқда. Хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг енг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон фармони қабул қилинди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилаётган янги механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда ички ишлар органларининг роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон қарори қабул қилинди.

Мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигига бўлган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини илғор халқаро стандартлар асосида ташкил этиш, шунингдек, замон талабларидан келиб чиқиб, ушбу соҳадаги бўлинмаларининг кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5077-сон қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети етиб қайта ташкил етилди.

Университетда Ички ишлар вазирлиги учун - жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасининг тегишинча жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва паспорт тизими талабларини амалга ошириш йўналишларида малакали кадрларни мақсадли тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятни самарали ташкил этишга қодир бўлган малакали мутахассисларни тегишли ихтисослик ва ҳуқуқшунослик йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш ҳамда уларни жанговар ва жисмоний тайёргарликдан ўтказиш орқали мақсадли тайёрлаш Университетнинг асосий фаолият йўналишлари етиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида, яна бир муҳим ҳужжат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги консепсиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, қуйидагилар белгиланди.

биринчидан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида оммавий тадбирларни ўтказишда ҳамда истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш бевосита Миллий гвардия бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгиланди;

иккинчидан, жамоат тартибини сақлаш соҳасида содир етиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати ички ишлар органлари билан бир қаторда Миллий гвардияга берилиши бўйича вазифалар белгиланди;

учинчидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар сифатида мустаҳкамланди ва уларнинг аниқ ваколат доиралари белгиланди.

Мазкур фармон асосида тасдиқланган «2022 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси»га мувофиқ, қуйидаги вазифалар белгиланди,

биринчидан, гуруҳий қонунбузарликлар ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш вақтида Миллий гвардия ва ички ишлар органлари томонидан фойдаланиладиган махсус техник воситаларни, шунингдек, тезкор ахборот алмашиш, қуйи тизимдаги бўлинмаларни оқилона бошқариш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш;

иккинчидан, «Жиноят ўчоқлари» ҳисобланган ҳудудларда тунги вақтда ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмаларининг ҳарбий хизматчилари ва ходимларидан иборат автопатрул, отлиқ ва пиёда патрулларнинг узлуксиз фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг ваколат доирасини белгилаш ва функсионал мажбуриятларини тасдиқлаш;

учичнчидан, Миллий гвардия ва ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлашга масъул бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш ваколатини кенгайтириш;

тўртинчидан, Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ҳамда «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патрул гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш;

бешинчидан, Миллий гвардия ва ички ишлар органларидан жамоат тартибини сақлашга жалб қилинган бўлинмаларнинг ахборот тизимлари (пробациянинг марказлашган електрон тизими, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ягона автоматлаштирилган ахборот-таҳлил тизими) базасида «Е-жамоат ҳавфсизлиги» ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тўлиқ татбиқ этиш.

ХУЛОСА:

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Ички ишлар ва Миллий гвардия органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий ва ташкилий-тактик асосларини такомиллаштириш жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигига қарши қаратилган ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўриш каби фаолиятларини самарали ташкил қилиш учун имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёйев Ш.М. Ватанимиз мустақиллиги - биз учун куч-қудрат ва илхом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси // Президент Шавкат

Мирзиёйевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.

2. Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш. Юрид. фан. номзоди. Дис.-Т., 2008. - Б. 114.

3. Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, - 2017. - № 37. - 978-м.

4. Асадов, S.F.O.G.L.(2021). Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда давлат иштироки (Давлат-хусусий шериклик мисолида). Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 7(11), 789-799.

5. Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси туғрисидаги қонуни // қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.11.2020 й., 03/20/647/1569-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги консепсиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2021 йил 29 ноябр) ПФ-27-сон фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.

Kobilov X.E
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat havfsizligi universiteti magistratura tinglovchisi podpolkovnik
Ibodullayev M.S
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat havfsizligi universiteti magistratura tinglovchisi mayor

OLIY HARBIY TA’LIM MUASSASALARI KURSANTLARINING QO‘SHINLAR AMALIYOTI JARAYONIDA KASBIY KOMPETENTLIKNING SHAKLLANISHI

Annotatsiya. Ushbu maqolada oliy harbiy ta’lim muassasalari kursantlarining qo‘shinlar amaliyoti jarayonida kasbiy kompetentlikning shakllantirish yo‘nalishlari, mexanizmlari, rivojlantirishning shart-sharoitlari va imkoniyatlaridan unumli foydalanish to‘g‘risida mulohaza yuritilgan hamda bu sohadagi ayrim muammolar yechimlari bilan birgalikda ko`rsatib o`tilgan.

Kalit so‘zlar: O‘quv jarayoni, harbiy xizmatchilar, pedagog kadrlar, kompetentlik, kompetensiya, rivojlantirish, shakllantirish.

Qurolli Kuchlarimizning ilk shakllanish yillaridanoq professional harbiy kadrlarni tayyorlash va harbiy xizmatchilarning soha bo‘yicha bilimlarini oshirish, ko‘nikmalarini mustahkamlash masalasiga katta e’tibor qaratildi. Ushbu ustuvor masala bugun ham o‘z dolzarbligini yo‘qotgani yo‘q.

Harbiy xizmatchilarning o‘quv jarayonida kasbiy kompetentligini shakllantirish uchun real hayotda va kasbiy amaliyotda asosiy kompetentligini qo‘llash qobiliyatiga ega bo‘ladigan oliy harbiy ta’lim muassasalari professor-o‘qituvchilari tarkibini qayta tayyorlash, ularning malakasini oshirish imkoniyatlaridan keng foydalanish maqsadga muvofiqdir. O‘quv jarayonida kompetentli yondashuv, harbiy xizmatchilarning kasbiy va boshqa shaxsiy sifatlarini shakllantirishga yo‘naltirilgan bo‘lib, ularning intellektual salohiyati va jangovar qobiliyatlarini oshirish imkonini beradi.

Kompetentli yondashuvning maqsadi ta’lim sifatini ta’minlashdir. Ta’lim tizimini takomillashtirish muammolari bo‘yicha chop etilgan hujjatlarning tahlili shuni ko‘rsatadiki, ta’lim mazmunining yangilanishida asosiy birlik sifatida kompetentlik va kompetensiya qaralmoqda. «Kompetensiya» va «kompetentlik» tushunchalari ilk bor AQShda qo‘llangan bo‘lib, «insonning bilimlariga asoslangan, ijtimoiykasbiy hayoti faoliyatida belgilangan shaxsiy va intelluktual tajribasi» sifatida talqin etilmoqda [3].

«Kompetensiya», «kompetentlik», «kompetentli» tushunchalarining o‘zi adabiyotlarda va lug‘atlarda keltirilgan. Masalan, «Inglizcha-o‘zbekcha lug‘at»da quyidagicha ta’rif keltiriladi: «kompetensiya» «kompetent» (lot.

competense – omilkorlik, xabardorlik, biror belgilangan sohani tushunadigan, biladigan; competent – bilimdon; o‘zining qonuniy huquqiga ega bo‘lgan, biror ishni hal qilish yoki bajarish [4].

Kompetentlik va kompetensiya tushunchalari I.V.Petrova, Ye.V.Sadon, O.Ye.Gavrilova, A.V.Tarasova kabi olimlarning ilmiy ishlarida keltirilgan. Shuningdek, YUNESKOning «The competent teacher 2010–2020» konsepsiyasida ham kompetentlik tushunchasining zamonaviy talqini hamda amaliy ahamiyati alohida yoritib o‘tilgan.

Harbiy soha nuqtai nazaridan kelib chiqqan holda, fan va texnikaning taraqqiyot darajasi, zamonaviy urushlarning xususiyatlarini hisobga olib, harbiy xizmatchilarning o‘quv jarayonida kasbiy kompetentligini shakllantirish va zamonaviy ta’lim texnologiyalari asosida ularning bilim, ko‘nikma va malakalarining puxta va chuqur bo‘lishini taqozo qiladi. Harbiy xizmatchilarning professional tayyorgarligi, ularning soha bo‘yicha nazariy va amaliy bilim, ko‘nikma va malakalari qanchalik puxta va mustahkam bo‘lsa, ular yangi o‘quv materiallarini ham shunchalik ongli, chuqur va puxta egallaydilar.

Harbiy xizmatchining o‘quv jarayonida kasbiy kompetentligini rivojlantirishda o‘qitishning zamonaviy pedtexnologiyalaridan oqilona foydalanish muhim ahamiyatga ega. Oliy harbiy ta’lim muassasalari pedagoglarining vazifasi ta’lim oluvchi harbiy xizmatchilarning o‘z-o‘zini takomillashtirish qobiliyatini shakllantirish va rivojlantirishdan iborat.

Shu boisdan, harbiy ta’lim tizimida mashg‘ulotlarning mazmunini chuqur va ko‘zlangan maqsadga yetkazish uchun bugungi kunda zamonaviy pedtexnologiyalardan samarali foydalangan holda mashg‘ulotlarni qiziqarli tarzda olib borish imkoniyatlarini kengaytirish zarur.

Harbiy bilim yurtlarida fan va texnikaning taraqqiy etgan bir davrida tinglovchi va kursantlarga uzluksiz ravishda yangi ma’lumotlarni yetkazish bilan birga mutaxassislik ma’lumotlarini yetkazishda kasbiy ko‘nikma va malakalar tizimidan to‘g‘ri foydalanish, tinglovchi va kursantlarni kasbiy kompetentligi yuqori darajada shakllangan qilib tarbiyalashda harbiy ta’lim o‘qituvchisi har tomonlama bilim va malakaga ega bo‘lishi lozim. Shuningdek, har bir harbiy ta’lim o‘qituvchisi o‘z sohasining ustasi, mohir tarbiyachi, jonkuyar va fidoiy bo‘lishi uchun o‘z ustida tinmay izlanishi, o‘z ishiga ijodiy yondashishi, ta’lim oluvchilarni fanga qiziqtira olishi kerak bo‘ladi. Bunga erishish uchun esa maxsus fanlar o‘qituvchilari va kasb o‘qituvchilari o‘z mehnat faoliyatining mazmunini to‘g‘ri rejalashtira olishi, ta’lim jarayoniga o‘qitish texnologiyalarini to‘g‘ri qo‘llay olishi, axborot texnologiyalarini bilishi

hamda zamonaviy pedtexnologiyalardan mashg‘ulot jarayonida samarali foydalana olishi lozim [6].

O‘qituvchilar darsga tayyorlanayotganda har xil interfaol metod va usullarni qo‘llab, yangi materialni qanday bayon qilishni o‘ylaydi. Shu boisdan, hozirgi zamonaviy o‘qituvchini harbiy xizmatchilarga ta’lim-tarbiya berishning zamon talabiga javob beradigan ilg‘or pedagogik texnologiyalardan xabardor qilib borish bilan birga, ularni amalga oshirish texnologiyalari bilan tanishtirish maqsadga muvofiqdir. Oliy harbiy ta’lim muassasalari harbiy xizmatchilarning o‘quv jarayoniga yangicha yondashuv asosida, «Charxpalak», «Blis-so‘rov», «Klaster», «Qarorlar shajarasi», «Rezyume», «BBB» kabi grafikli organayzerlar vositasi hamda «Aqliy hujum», «Delfi», «Bumerang», «Zinama-zina», «FSMU», «Barcha omillarni hisobga ol!», «Intervyu», «6x6x6», «3x4» va boshqa shu kabi zamonaviy interfaol pedagogik texnologiyalarni keng tatbiq etish orqali ularning kompetentligini rivojlantirish dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Ma’lumki, hozirgi globallashuv sharoitida ishlab chiqarish juda tez sur’atlar bilan rivojlanmoqda. Harbiy jangovar texnika va qurol-aslahalar, texnologik jarayonlar uzluksiz takomillashib bormoqda. Bu ma’lum darajada harbiy ta’limda o‘z aksini topishi kerak. Demak, pedagog-o‘qituvchilar fan va texnika sohasidagi taraqqiyotni uzluksiz kuzatib borishi, ulardan ta’lim oluvchilarni tushunarli shaklda xabardor qilib turishi va o‘z mahorati ustida tinmay izlanishlar olib borishi zarur.

Buning uchun oliy harbiy ta’lim muassasalari ofitser-pedagoglari o‘z oldiga qo‘yilgan mas’uliyatli va dolzarb vazifalarni bajarish, ta’lim-tarbiya jarayoniga bo‘lgan yangicha qarashlarni rivojlantirish hamda harbiy xizmatchilarning kasbiy kompetentlik sifatlarini shakllantirishlari uchun quyidagi taklif va fikrlarni keltirmoqchimiz.

Jumladan:

o‘z kasbiy faoliyatini samarali tashkil etishga undovchi yangi bilimlarni o‘zlashtirishga intilish;

harbiy xizmatchilarda yuksak axloqiy-ruhiy va jangovar fazilatlarni tarbiyalash;

o‘z fani mashg‘ulotlarining o‘quv-tarbiyaviy maqsadlariga erishish, yangilikka, yangi natijalarga intilib yashash, o‘z faoliyatining ahamiyatini oshirish, tinglovchi va kursantlarning umumiy madaniyatini rivojlantirish;

bo‘linma komandirlarining o‘quv jarayonini mustahkamlash bo‘yicha javobgarligi va rolini oshirish.

Xulosa qilib aytganda, zamonaviy jamiyatimizning jadal sur’atlarda rivojlanishi va yangilanishi harbiy-siyosiy vaziyat tez o‘zgarib, xavfsizlik

sohasidagi xatar va tahdidlar tobora kuchayib borayotganligi bilan ajralib qolmoqda. Shu boisdan, professional harbiy kadrlarni tayyorlash ularning intellektual salohiyati, kasbiy kompetentligini rivojlantirish, jahon hamjamiyatida rivojlangan demokratik davlatlar darajasida, yuksak ma'naviy va axloqiy talablarga javob beruvchi yuqori malakali professional harbiy kadrlarni tayyorlash milliy tizimini yaratish masalasi ustuvor mezon sifatida muhim rol o'ynaydi.

Foydalahgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi qonuni. Oliy ta'lim. Me'yoriy hujjatlar to'plami. – T.: «Sharq», 2013.

2. Mirziyoev Sh.M. O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganining 25 yilligi munosabati bilan Vatan himoyachilariga bayram tabrigi. // «Postda» gazetasi, 2017 yil 3-son.

3. Ro'zieva D., Usmonboeva M., Holiqova Z. Interfaol metodlar mohiyati va qo'llanilishi. / Metodik qo'llanma. – T.: Nizomiy nomidagi TDPU, 2013. -111-112-b.

4. To'raev B.Z., Muqimova G.X. Ta'limda kompetentli yondashuv: o'qituvchining kasbiy kompetentligini shakllantirish. // «O'zbekiston oliy ta'lim tizimida kadrlar resurslarini boshqarish va rivojlantirish» mavzusidagi Respublika seminar materiallari. - T: «Iste'dod» jamg'armasi, TDPU. 2014. –52-b.

5. Gavrilova O.E. Talabalarning kasbiy vakolatlarini shakllantirish - o'quv klasterining sharoitida tikuvchilik ishlab chiqarish mutaxassislari bo'ladi. / Kesh. Ped. fanlar. - Qozon, 2011.P. 257.

6. Petrova I.V. Universitet talabalari o'rtasida kasbiy tarbiya paytida kasbiy vakolatlarni shakllantirish. / O'chirish . kon. Ped. fanlar. - Ulyanovsk, 2010.c. 255.

Yo‘ldashov Baxodir Tirkashovich
O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Jamoat xavfsizligi universiteti magistratura tinglovchisi mayor

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH SOHASIDA MILLIY GVARDIYA HAMDA ICHKI ISHLAR IDORALARI BO‘LINMALARI XODIMLARINING O‘ZARO HAMKORLIGINI NAZARDA TUTUVCHI QONUN HUJJATLARI

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli islohotlar doirasida aholining tinch va osoyishta hayotini ta’minlash hamda jamiyatimizda qonunga itoatkorlik va jamoat xavfsizligi madaniyatini shakllantirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Jumladan, jamoat xavfsizligini ta’minlash yo‘nalishidagi ishlarni «Xalq manfaatlariga xizmat qilish» tamoyili asosida tashkil etishning mutlaqo yangi mexanizm va tartiblari joriy etilib, davlat organlarining jamoatchilik tuzilmalari bilan o‘zaro maqsadli hamkorligi yo‘lga qo‘yildi. Shu bilan birga, jahonda kuchayib borayotgan turli xavf-xatar va ziddiyatlar, el-yurt tinchligi va osoyishtaligiga tahdidlar, pandemiya, tabiiy va texnogen ofatlar mas’ul davlat tuzilmalariga o‘z faoliyatini «Barcha sa’y-harakatlar inson qadri uchun» degan ustuvor g‘oya asosida yanada takomillashtirish vazifasini yuklamoqda.

Shu sababli, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning tashabbusi va rahbarligi ostida so‘nggi yillarda qabul qilingan qonun hujjatlari asosida ichki ishlar va Milliy gvardiya organlarining jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta’minlash faoliyatini takomillashtirishga qaratilgan salmoqli ishlar amalga oshirildi. Jumladan, ish uslublarini, aholiga xizmat ko‘rsatish masalalarini, hamkorlik mexanizmlarini, raqamli texnologiyalarni joriy etish darajasini va shaxsiy tarkib bilan ma’naviy-ma’rifiy ishlarni tashkil etish choralarini kuchaytirish bu boradagi tizimli ishlarning muhim yo‘nalishlaridan biri bo‘ldi. Shuningdek, hududlarda jinoyatchilik ahvolidan kelib chiqib, har bir tuman, shahar va mahallalarni toifalarga ajratish hamda hokimliklar, sektorlar va jamoatchilik bilan hamkorlikda jinoyat o‘choqlari»ni bartaraf etish uchun barcha zarur kuch va vositalarni jalb qilish belgilandi.

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 26 martdagi «Jamoat xavfsizligini ta’minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida ichki ishlar organlari faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PF-6196-sonli farmoni // Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 26.03.2021 y., 06/21/6196/0240-son.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-

tadbirlari to‘g‘risida»gi (2021 yil 29 noyabr) PF-27-son farmoni // Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 01.12.2021 y., 06/21/27/1116-son.

Ma’lumki, har qanday davlat organi boshqa tuzilmalar bilan hamkorlikni tashkil qilmasdan turib, ichki imkoniyatlari doirasida o‘z faoliyatining samaradorligini ta’minlay olmaydi. Jumladan, ichki ishlar organlari ham o‘z zimmasiga yuklatilgan vazifalarni amalga oshirishda tarkibiy tizimga kiruvchi tarmoq xizmatlari, boshqa huquqni muhofaza qilish idoralari, davlat va jamoat tashkilotlari bilan o‘zaro hamkorlik qiladi.

O‘zbekiston Respublikasining «Ichki ishlar organlari to‘g‘risida»gi va «Milliy gvardiyasi to‘g‘risida»gi qonunlari bu borada muhim huquqiy asos bo‘lib hisoblanadi. Ushbu qonun asosida qabul qilingan qonun osti hujjatlarda ya’ni Prezident farmon, qaror va farmoyish, Vazirlar Mahkamasining qarori hamda idoraviy normativ-huquqi hujjatlar va qo‘shma qarorlarda ichki ishlar va Milliy gvardiya organlari o‘zaro hamkorligining tashkiliy asoslarini belgilangan. Xususan, O‘zbekiston Respublikasining «Ichki ishlar organlari to‘g‘risida»gi qonun va 2017- 2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishlari bo‘yicha Harakatlar strategiyasida belgilangan vazifalar ijrosini ta’minlash maqsadida qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Ichki ishlar organlarining faoliyati samaradorligini tubdan oshirish, jamoat tartibini, fuqarolar huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilishni ta’minlashda ularning mas’uliyatini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PF-5005 son (2017 yil 10 aprel) farmoni jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta’minlash faoliyatini huquqiy tartibga soladigan muhim hujjatdir. Farmonda jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta’minlash sub’ektlarining vazifalari, funksiyalari va javobgarligini aniq chegaralash, takrorlanuvchi va dolzarbligini yo‘qotgan vakolatlarni chiqarib tashlash, bo‘linmalarning tezkorligi va samaradorligini ta’minlovchi moddiy-texnik ta’minoti darajasini mustahkamlash, zamonaviy ilmiy-texnik vositalar va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, shu jumladan davlat xizmatlari sifatini yaxshilash nazarda tutildi.

Mamlakatimizda tinchlik va barqarorlikni mustahkamlash maqsadida davlat, jamiyat va shaxs xavfsizligini ta’minlash tizimida keng ko‘lamli demokratik islohotlar izchil davom ettirilmoqda. Xususan, jamoat xavfsizligini ta’minlash, jinoyatchilikka qarshi kurashish va huquqbuzarliklar profilaktikasining yaxlit tizimini shakllantirish, ichki ishlar organlarining eng quyi bo‘g‘inidan respublika darajasigacha samarali faoliyatini yo‘lga qo‘yish va zamonaviy ish uslublarini joriy etish orqali mamlakatimizda huquq-tartibot va

qonuniylikni mustahkamlash, aholining tinchligi va osoyishtaligini ta’minlash maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Jamoat xavfsizligini ta’minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida ichki ishlar organlari faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PF-6196-son (2021 yil 26 mart) farmoni qabul qilindi.

Jamoat xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha o‘rnatilayotgan yangi mexanizmlarning samarali amalga oshirilishini ta’minlashda ichki ishlar organlarining roli va mas’uliyatini yanada oshirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Ichki ishlar organlarining jamoat xavfsizligini ta’minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasidagi faoliyatini yanada takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi PQ5050-son (2021 yil 2 aprel) qarori qabul qilindi.

Mamlakatimizning tinchligi va osoyishtaligiga bo‘lgan har qanday tahdidlarning oldini olish, jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta’minlash sohasida yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlash tizimini ilg‘or xalqaro standartlar asosida tashkil etish, shuningdek, zamon talablaridan kelib chiqib, ushbu sohadagi bo‘linmalarining kadrlar salohiyatini oshirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasida professional kadrlarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PQ-5077-son (2021 yil 15 aprel) qarori qabul qilindi. Qarorga muvofiq Milliy gvardiya Harbiy-texnik instituti O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti etib qayta tashkil etildi.

Universitetda Ichki ishlar vazirligi uchun - jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasining tegishincha jamoat tartibini saqlash, yo‘l harakati xavfsizligi va pasport tizimi talablarini amalga oshirish yo‘nalishlarida malakali kadrlarni maqsadli tayyorlash yo‘lga qo‘yildi. Shuningdek, jamoat xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha faoliyatni samarali tashkil etishga qodir bo‘lgan malakali mutaxassislarni tegishli ixtisoslik va huquqshunoslik yo‘nalishlari bo‘yicha chuqurlashtirilgan holda o‘qitish hamda ularni jangovar va jismoniy tayyorgarlikdan o‘tkazish orqali maqsadli tayyorlash Universitetning asosiy faoliyat yo‘nalishlari etib belgilandi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 26 martdagi «Jamoat xavfsizligini ta’minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida ichki ishlar organlari faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PF-6196-son Farmoniga muvofiq, shuningdek, mamlakatimizda jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimini yanada rivojlantirish hamda ushbu sohadagi davlat siyosatining istiqbolli yo‘nalishlarini belgilash maqsadida, yana bir muhim hujjat, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «O‘zbekiston

Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi (2021 yil 29 noyabr) PF-27-son farmoni qabul qilindi.

Farmonga muvofiq, quyidagilar belgilandi:

birinchidan, Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar markazlari va Toshkent shahrida ommaviy tadbirlarni o‘tkazishda hamda istirohat bog‘lari, xiyobonlar va bozorlarda jamoat tartibini saqlashni tashkil etish bevosita Milliy gvardiya bo‘linmalari tomonidan amalga oshirilishi belgilandi;

ikkinchidan, jamoat tartibini saqlash sohasida sodir etiladigan ma’muriy huquqbuzarliklar to‘g‘risidagi ishlarni ko‘rib chiqish vakolati ichki ishlar organlari bilan bir qatorda Milliy gvardiyaga berilishi bo‘yicha vazifalar belgilandi;

uchinchidan, Ichki ishlar vazirligi, Milliy gvardiya jamoat xavfsizligini ta’minlovchi sub’ektlar sifatida mustahkamlandi va ularning aniq vakolat doiralari belgilandi.

Mazkur farmon asosida tasdiqlangan «2022 - 2025 yillarda O‘zbekiston Respublikasida jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimini rivojlantirish strategiyasi»ga muvofiq, quyidagi vazifalar belgilandi:

birinchidan, guruhiy qonunbuzarliklar va ommaviy tartibsizliklarni bartaraf etish vaqtida Milliy gvardiya va ichki ishlar organlari tomonidan foydalaniladigan maxsus texnik vositalarni, shuningdek, tezkor axborot almashish, quyi tizimdagi bo‘linmalarni oqilona boshqarish va fuqarolar xavfsizligini ta’minlash mexanizmlarini takomillashtirish;

ikkinchidan, «Jinoyat o‘choqlari» hisoblangan hududlarda tungi vaqtda ichki ishlar organlari va Milliy gvardiya bo‘linmalarining harbiy xizmatchilari va xodimlaridan iborat avtopatrul, otliq va piyoda patrullarning uzluksiz faoliyatini yo‘lga qo‘yish, ularning vakolat doirasini belgilash va funksional majburiyatlarini tasdiqlash;

uchichnchidan, Milliy gvardiya va ichki ishlar organlari jamoat tartibini saqlashga mas’ul bo‘linmalarining huquqbuzarliklarni aniqlash va ma’muriy jazo choralarini qo‘llash vakolatini kengaytirish;

to‘rtinchidan, Milliy gvardiya va ichki ishlar organlarining jamoat tartibini saqlash bo‘linmalari hamda «Fidokor yoshlar» jamoatchilik patrul guruhlari faoliyatini muvofiqlashtirishning samarali mexanizmlarini yo‘lga qo‘yish;

beshinchidan, Milliy gvardiya va ichki ishlar organlaridan jamoat tartibini saqlashga jalb qilingan bo‘linmalarning axborot tizimlari (probatsiyaning markazlashgan elektron tizimi, yo‘l harakati xavfsizligi

xizmatining yagona avtomatlashtirilgan axborot-tahlil tizimi) bazasida «E-jamoat havfsizligi» yagona avtomatlashtirilgan axborot tizimini ishlab chiqish va amaliyotga to‘liq tatbiq etish.

Xulosa sifatida shuni ta’kidlash joizki, ichki ishlar va Milliy gvardiya organlarining jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta’minlash sohasidagi o‘zaro hamkorligining huquqiy va tashkiliy-taktik asoslarini takomillashtirish jamoat tartibi va fuqarolar xavfsizligiga qarshi qaratilgan g‘ayriijtimoiy hatti-harakatlarni aniqlash, ularning oldini olish va bartaraf etish bo‘yicha chora-tadbirlar ko‘rish kabi faoliyatlarini samarali tashkil qilish uchun imkon beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M. Vatanimiz mustaqilligi - biz uchun kuch-qudrat va ilxom manbai, taraqqiyot va farovonlik asosi // Prezident Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining 30 yillik bayramiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi nutqi.

2. Ziyodullaev M.Z. Militsiya tayanch punktlarining jamoat tartibi va xavfsizligini ta’minlash faoliyatini boshqarishni takomillashtirish. Yurid. fan. nomzodi. Dis.-T.

3. O‘zbekiston Respublikasining Ichki ishlar organlari to‘g‘risidagi qonuni // O‘zbekiston Respublikasi qonun xujjatlari tuplami, - 2017. - № 37.

4. Asadov,S.F.O.G.L.(2021).Fuqarolik-huquqiy unosabatlarda davlat ishtiroki (davlat-xususiy sheriklik misolida). Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences.

5. O‘zbekiston Respublikasining Milliy gvardiyasi tug‘risidagi qonuni // qonun xujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 19.11.2020 y., 03/20/647/1569-son.

Astanakulov Zarif Sultanovich
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Magistratura tinglovchisi, mayor

OMMAVIY TARTIBSIZLIKLARNI OLDINI OLISHDA XORIJIY TAJRIBALAR VA USULLAR

Ommaviy tartibsizliklar hukumat boshqaruvi organlari faoliyatini izdan chiqarish, jamoat tartibini keng qamrovli buzish, jamoat xavfsizligini tahdid ostida qoldirish, insonlar qurbon bo‘lishi, davlat (jamiyat, shaxs)ga jiddiy iqtisodiy zarar keltirishi bilan ijtimoiy xavflidir. Ommaviy tartibsizliklarning tahlillari shuni ko‘rsatadiki, bu xavfli jinoyat jamiyat asosini yemiradi, vaziyat barqarorligi, fuqarolarning normal hayotini, korxona, muassasa va tashkilotlarning ishini buzadi.

Ko‘p sonli olomonning kriminal harakati odatga ko‘ra, tajovuzkorlik, o‘zaro ta’sirchanlikning kuchliligi, ehtiroslarning jo‘shqinligi bilan kuzatiladi. Ma’lumki, ommaviy tartibsizliklarning ishtirokchilari, ularning noqonuniy xatti-harakatlarining ko‘lami, moddiy oqibatlari haqidagi aniq ma’lumotlar hamma vaqt mavjud bo‘lavermaydi, bu esa ushbu jinoyatga qarshi kurash imkoniyatlarini qisman cheklab qo‘yadi. Yuqoridagilarni inobatga olgan holda, ommaviy tartibsizliklarni: turli zo‘ravonlikda ifodalangan, jamiyatga va fuqarolarning shaxsiy xavfsizligiga real xavf soluvchi ommaning harakatlari deb tushunishimiz va ushbu holatlarga doimo tayyor turishimiz kerak.[1]

Ommaviy tartibsizliklarni tashkillashtirish – olomonni to‘plash, o‘qotar qurollarni yetkazish, tarqatish, omma orasida tajovuzkorlik kayfiyati va fitna qo‘zg‘atish, buzg‘unchilik va zo‘ravonlikni qo‘llash, yong‘inlarni tashkillashtirish, olomonni hukumat boshqaruvi va vakillariga qarshilik ko‘rsatishga tayyorlashga qaratilgan harakatlardir.

Ommaviy tartibsizliklar kelib chiqishini ta’minlovchi quyidagi omillar mavjud:

ommaviy tartibsizliklarni tayyorlashga yo‘naltiruvchilar (liderlar-o‘z ortidan fuqarolarni ergashtira oladigan shaxslar)ni jalb qilish;

ommaviy tartibsizliklarni rejalashtirish;

olomonni yig‘ish va to‘plash choralarini ko‘rish;

ommaviy tartibsizliklarni “sahnalashtirish” (amaliy sinab ko‘rish);

provokatsiya (ig‘vogarlik) qilish;

yolg‘on mish-mishlar tarqatish orqali odamlar kayfiyatiga ta’sir ko‘rsatish va ommaviy tartibsizliklarni qo‘zg‘ash;

ommani yong‘inlar, portlatishlar va buzg‘unchiliklar qilishga undash;

varaqalar, plakatlar, transparantlar va boshqa tasviriy targ‘ibot hamda ig‘vo qiluvchi materiallarini tayyorlash;

aloqa vositalari, transport va o‘q-otar qurol bilan ta’minlash;

spirtli ichimliklar, narkotik va psixotrop moddalarni hamda shunga o‘xshash moddalarni tarqatish yo‘li bilan odamlarni ommaviy tartibsizliklarni faol o‘tkazishga kayfiyatini oshirish;

tartibsizliklarni o‘tkazishda ommani bevosita boshqarish.[2]

Bugungi kunda butun dunyoda vujudga kelgan muxolifat ham turli ommaviy tartibsizliklarni tashkillashtiruvchi, yuzaga keltiruvchi, uni moliyalashtiruvchi, tartibsizliklarga bevosita rahbarlik qiluvchi kuchlarga aylanib ketdi.

Ommaviy tartibsizliklar mobaynida davlat, muxolifat va isyonkorlar o‘rtasida vujudga kelgan qonli to‘qnashish natijasida Ukraina, Liviya, Misr va Tunisda hokimiyat ag‘darilgan, Suriyada uzoq muddatli fuqarolar tartibsizligi urushga aylanib ketdi. Jazoir, Iroq va Livanda noroziliklar va hokimiyatda o‘zgarishlar yuz berdi. Lekin afsuski bu davlatlarda bugungi kunga qadar vaziyat keskin hanuzgacha qurolli to‘qnashuvlar bo‘lib turmoqda. Bu davlatlarning yaxshi tomonga o‘zgarishi jumboq.

Belorussiya Respublikasida ham bo‘lib o‘tgan o‘sha voqealar bu davlat boshqa davlatlarga qodir ekanligini ko‘rsatishi bilan bir qatorda davlatni bir butunligicha saqlab qolganlar qatorida ko‘rishimiz mumkin.

Bu davlatda boshqa davlatlarda ommaviy norozilikdan kelib chiqqan xatti-harakatlarga o‘xshash lekin, katta bir to‘qnashuv hamda qurolli mojarolar sodir bo‘lishiga yo‘l qo‘yib berilmadi xolos.

Birinchidan, Belorussiya Respublikasi prezidenti Aleksandr Lukashenko vaziyatni nazorat qilib tashqi tahdidlarga munosib javob qaytarib turganligi bo‘lsa, ikkinchi tomonidan esa huquqni muhofaza qiluvchi organlarining hamkorlikda, yagona reja va yagona boshqaruvi asosida uyushqoqlik bilan operativ va taktik harakatlarini qat‘iyatli tarzda amalga oshirilganligidandir. Bunday xatti-harakat esa o‘z navbatida Ukrainada 2014 yilda sodir bo‘lgan “Maydan” operatsiyasi bo‘lishini kutgan ayrim kuchlarning harakatlari zoya ketdi deb fikr yuritsak adashmagan bo‘lamiz.

Shunday ekan ommaviy tartibsizliklarni butun dunyo bo‘yicha tarqalishining chegarasi yo‘q.

Muxolifat (arabcha “muxolafat” – kelishmovchilik, teskarilashish, qarama-qarshilik, ziddiyat: oppozitsiya so‘ziga hamohang – qarshi tomon) – davlat, Prezident, hukumat yoki siyosiy hamda ijtimoiy tashkilotlarning rasmiy

siyosatiga, hukmron qarashlarga mos bo‘lmagan nuqtai nazar, e’tiqod, maslak yo‘li sifatida tushuniladi.

Davlat hududida ommaviy tartibsizliklarni vujudga kelishida muxolifatning ta’siri katta bo‘lib, uning asosiy harakat taktikasi - bu keng ommaga da’vat qilish hisoblanadi.

Da’vat (chaqiruv) – bu odamlarning ongi, tafakkuri, xulqi, ruhi va irodasiga ta’sir etish shakli bo‘lib, ommaning bevosita (to‘g‘ridan-to‘g‘ri) bir faoliyatni yoki harakatni amalga oshirish uchun aktiv harakatlarni uyg‘otishga qaratilgan asosiy tadbirdir.

Omma orasida yashirmasdan oshkora qilingan da’vat uning hamma uchun tushunarli tilda ishlab chiqilganligi va odamlarning keng ijtimoiy qatlami doirasiga taalluqligidan dalolat beradi.

Da’vat og‘zaki, yozma va texnik vositalardan qo‘llanilib, keng ommaga yetkazilishi mumkin.

Odamlarning tartibsiz ommaga qo‘shilishining asosiy sabablari quyidagilar:

millat manfaatlarini umuman tushunmaslik yoki noto‘g‘ri tushunish;

g‘arazlik, qasos, tajovuz.

O‘z vaqtida bartaraf etilmagan siyosiy yo‘sindagi ommaviy tartibsizliklar:

qurolli to‘qnashuvlarga;

fuqarolar urushiga;

davlatda o‘rnatilgan konstitutsion tuzumni ag‘darilishi va boshqa holatlarni keltirib chiqarishi mumkin.

Ijtimoiy-siyosiy beqarorlik, notinchlik belgilariga quyidagilar kiradi: tajovuzkorlik, aqidaparastlik, diniy ekstremizm, islom fundamentalizmi, davlat shovinizmi, millatchilik, agressiv millatchilik, korrupsiya va jinoyatchilik, mahalliychilik va urug‘-aymoqchilik, shuningdek, o‘z siyosatini, ta’sirini o‘tkazish va hukmronlik qilishga urinayotgan kuchlar, terrorizm va hokazo.

Qonunchiligimizda kabi dinimizda ham haddan oshish, tajovuzkorlik, zo‘ravonlik qattiq qoralanadi. Islom ta’limoti buzg‘unchilikni, odamlar qalbiga vahima, dushmanlik va fitna urug‘larini sochishni qattiq qoralaydi. Ma’lumki so‘nggi yillarda dinni o‘zlariga niqob qilib olgan oqimlar, toifalar paydo bo‘ldi.

Ular g‘arazli maqsadlari yo‘lida jamiyatda buzg‘unchilik, begunoh odamlarning qonini nohaq to‘kish kabi jinoyatlarni avj oldirib, fuqarolar tinchligini buzib, xalq orasida nizo chiqarishga harakat qilishmoqda.

Belorusda prezident saylovidan so‘ng ommaviy namoyishlar kuchayib, hukumat va huquqni muhofaza qiluvchi organlariga qarshi harakatlar amalga

oshirildi. Jumladan, 2020 yilning 11 avgustga o‘tar kechasi Belarus xalqi ko‘chaga chiqib, Aleksandr Lukashenkoga nisbatan norozilik namoyishlarini davom ettirishdi. Belarus huquqni muhofaza qiluvchi organlarning oldidan tartibbuzarlarni tarqatish va shaharlarda tartib o‘rnatish vazifalari turardi.

Shunday vazifalardan kelib chiqib, Belorus Ichki ishlar vazirligi xodimlari tomonidan ko‘chalarda to‘plangan fuqarolarni tarqatish maqsadida profilaktik chora-tadbirlar va operativ taktik harakatlar olib borildi. Shahar yo‘llarning chorrahalarida qo‘shinlarning yordamida to‘siqlar qo‘yildi va tartibbuzarlarga qarshi maxsus vositalar qo‘llanildi. Ommaviy tartibsizliklarni keltirib chiqaruvchi liderlarni esa aniqlanib ularni qo‘lga olish ishlari jadallashtirildi.

Belorus politsiyasi tomonidan tartibbuzarlarga nisbatan shovqinli granatalar va rezina o‘qlar vositasida tarqatishga harakat qildi. Shu bilan bir qatorda Aleksandr Lukashenkoning asosiy raqibi bo‘lgan Svetlana Tixanovskaya Belorussiyadagi vaziyat keskinlashib ketayotganligini ko‘rib, mamlakatni tark etdi.

Ayrim ma’lumotlarga qaraganda namoyishlar o‘tkazilgan hududlarda ma’lum muddat davomida mobil Internet ishlamagan. Avvalgi namoyishlar vaqtida bo‘lgani kabi A1 kompaniyasi (mobil aloqa operatori va internet provayderi) internet faoliyatidagi uzilishlar “davlat organlari farmoyishi” bilan bog‘liqligini ma’lum qilishgan. Mazkur harakat ommaviy tartibsizliklarni avjiga chiqarishga uringan kuchlar uchun muayyan to‘siq qo‘yilishiga erishilgan bo‘lsa ikkinchi tomondan esa namoyishchilar tarkibiga yangi kuchlarni jalb qila olmaslikni ta’minlangan. Olomonning asosiy yo‘llarini to‘sish maqsadida Minsk ko‘chalariga – Suvpurkagichli maxsus texnika va harbiy texnika joylashtirilib, texnikalardan sun‘iy devorlar o‘rnatildi. Shahar markazida harbiy naryadlarni jalb qilgan holda hukumat binolari va “Minsk - qahramon shahar” yodgorligini qo‘riqlashlari uchun ajratildi. Binolar simto‘siqlar bilan o‘rab olindi.

Har safar norozilar bu yerga qaytib, yangi barrikadalarni qurishlariga qaramasdan Belorussiya huquqni muhofaza qiluvchi organlarning qarshiliklariga duch keldilar. Politsiyachilar namoyishchilarga qarshi xizmat itlaridan ham keng foydalandilar. Qonunbuzarlarni, taqiqlanuvchi va portlovchi moddalarni qidirib topish, qonunbuzarlarni qo‘lga olish namoyishchilarni tarqatish kabi vazifalarni bajarishda xizmat itlari jalb etildi. Belarus politsiyasi va OMON maxsus bo‘linmalarning xatti – harakatlari qonunga zid harakat emas chunki ularning asosiy vazifalaridan biri bu albatta davlatning ichki xavfsizligini ta’minlash shu sababli ham bu bo‘linmalar qonun doirasida harakatlandilar. Ommaviy tartibsizliklarning kuchayib ketishi qachondan boshlanadi albatta hukumat rahbarlari o‘z vaqtida keskin choralar

koʻrishmasa noroziliklarni vaqtida bostirilmasa unda bu tinch namoyishlar Ukraina davlati singari qurolli mojarolarga aylanishi tabiiy edi.

Lekin, prezident Aleksandr Lukoshenko bunday holatlar Belorussiyada boʻlmasligini istab keskin choralarni koʻrishga majbur boʻldi. Bu albatta Belorussiya davlatini kelajagini oʻylab keskin choralar koʻrildi desak adashmagan boʻlamiz.

Namoyishchilarga qarshi politsiya rezina oʻqlar, shovqinli granatalar, suv purkagichlarni qoʻlladi. Shovqin-suron va portlashlar shaharning turli joylarida kamida 14 soat mobaynida eshitilib turdi.

Bundan tashqari politsiya tomonidan namoyishchilarga qarshi jismoniy kuch ishlatish orqali olomonni tarqatib yuborish bilan bir qatorda olomonni boshqarayotgan liderlarni qoʻlga olish harakatlarini juda samarali amalga oshirishdi. Chunki olomonni boshqarayotgan liderlarni qoʻlga olinishi bu albatta norozilik namoyishlarini pasayishiga olib kelishini juda yaxshi bilamiz. Bunday harakat yaxshi natija beradi bu ham ommaviy tartibsizliklarni bostirishning bir taktikasi hisoblanadi.

Shunday qilib, mamlakatda bir necha kun davom etgan norozilik namoyishlarida 6000 yaqin kishi – 9 avgustdagi mitinglardan soʻng 3000 yaqin namoyishchi, 10 avgustdagi mitinglardan soʻng - qariyb 8000 kishi qoʻlga olindi.

Ma’lum boʻlishicha, 11 avgust kuni 25 ta aholi punktida “fuqarolarning markaziy yigʻilishi” boʻlgan. Katta shaharlarda ba’zi namoyishchilar transport harakatini toʻsib qoʻygan va politsiya xodimlariga qarshilik koʻrsatgan. Xususan, ular yoʻllarda qasddan reyd oʻtkazishgan, deb Belorus Ichki ishlar vazirligi xabar bergan. 11 avgust kuni 14 nafar politsiya xodimi va ichki qoʻshinlarning xizmatchilari yaralangan.

Sogʻliqni saqlash vazirligining ma’lumotlariga koʻra, 11 avgustdagi harakatlar natijasida 51 kishi kasalxonaga yotqizilgan. Belorussiyadagi norozilik namoyishlari kunduzi oʻtkazilgani tinch va hech kimga zarar yetkazmasdan gullar koʻtarib chiqishlar olib borilgan boʻlsa kechga kelib vaziyat keskinlasha bordi ayrim hududlarda toʻqnashuvlar sodir boʻldi. Bir masalaga alohida e’tibor qaratishimiz kerak. Ommaviy axborot vositalar orqali tarqatilayotgan axborotlarning barchasiga ham ishonib ketish kerak emas. Bu axborotlar ichida konstruktiv va destruktiv axborotlar mavjud. Bizga kelayotgan axborotlarni kimdan va qayerdan kelayotganligini, va bir-nechta axborotni tahlil qilib yakuniy xulosa bersak maqsadga muvofiq boʻladi. Bunday jarayonlardan buzgʻunchilik kuchlari unumli foydalanishadi.[3]

Xulosa qilib aytadigan boʻlsak, Belorussiya Respublikasida boʻlib oʻtgan prezident saylovlari natijalariga qarshi norozilik namoyishlari Qurolli Kuchlar tarkibidagi barcha boʻlinmalarining shaxsiy tarkibi maxsus, taktik, jismoniy va ma’naviy ruhiy jihatidan tayyorlanganlik darajasi yuqoriligi, nostandart vaziyatlarda qoʻrqmasdan keskin qaror qabul qila olish imkoniyati oʻta yuqori boʻlganligi, tartibbuzar va qonunbuzarlarning harakatlariga oʻz vaqtida zamonaviy taktik usullarini qoʻllagan holda qarshilik koʻrsatishganlik evaziga oʻz davlatlarini bir butunligicha saqlab qolishga erishishdi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 7 fevraldagi “Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasida kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirishga doir qo’shimcha chora-tadbirlar to’g’risida” gi PQ-4166-sonli qarori Lex.uz.

2. https://schollufsin.ru/ ”Ommaviy tartibsizliklar, ularning mohiyati va namoyon bo'lishi. Ijtimoiy tartibsizliklar Ommaviy tartibsizliklar misollari” murojaat qilingan sana 2022 yil 10 dekabr

3. https://ru.wikipedia.org/ Массовые беспорядки в Республике Беларусь. murojaat qilingan sana 2022 yil 12 dekabr

Xojixonov G‘ulomxon Jamolxon o‘g‘li
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti magistratura fakulteti tinglovchisi

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH SOHASIDAGI DINIY EKSTREMIZM VA TERRORIZMGA QARSHI KURASHISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA TEZKOR PROFILAKTIK TADBIRLAR O‘TKAZISHNING O‘RNI VA ROLI

Annotatsiya: ushbu maqolada, diniy ekstremizm va terrorizmning kelib chiqish sabablari, O‘zbeksiton hududida diniy ekstremizmning keng tarqalishi, shuningdek oldini olish bo‘yicha o‘tkazilgan tezkor profilaktik tadbirlarning natijalari, xorijiy davlatlarda sodir etilgan teraktlar va ularning qisqacha tahlili yoritib o‘tilgan.

Kalit so'zlar: diniy ekstremizm, terrorizm, tezkor profilaktik tadbirlar.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Qurolli Kuchlar Oliy bosh qo‘mondoni Shavkat Mirziyoyevning **“....ayni vaqtda dunyoning ba’zi mintaqalarida yuzaga kelgan notinch vaziyat aholi migratsiyasi kuchayishiga, bu esa, o’z navbatida, terrorizm va ekstremizmning tarqalishi hamda ularning global muammolardan biriga aylanishiga olib kelmoqda. Bunday vaziyatda milliy davlatchiligimiz, mustaqilligimiz, aholimizning tinch va osoyishta hayoti va xavfsizligimizni saqlash biz uchun eng ustuvor vazifaga aylanishi kerak”**[1] degan fikrlari bugungi kunda xavfsizlikni ta’minlash dolzarb muammo ekangligidan dalolar beradi.

Ta’kidlash joizki, turli ekstremistik va terroristik tashkilotlar Markaziy Osiyo davlatlaridagi ijtimoiy-siyosiy vaziyatni izdan chiqarishga qaratilgan faoliyatini davom ettirmoqda. O‘zbekiston ekstremizm va terrorizm tahdidlari va zararlarini boshidan kechirgan mamlakat hisoblanadi. Yurtimizda ushbu illatlarga qarshi kurashish hamda oldini olish bo’yicha jahon hamjamiyatiga namuna bo’la oladigan darajada o‘ziga xos tajriba shakllangan.

Mutaxassislarning fikricha hozirda 100 mingdan ortiq ekstremizmning turli ko‘rinishlarini o‘zida tashuvchi g‘oyalar targ‘iboti bilan shug‘ullanuvchi saytlar faoliyat olib bormoqda. Internet orqali suhbat olib borish jarayonida yoshlarga kufr diyori, hijrat, jihod, shahidlik, xalifalikni tiklash kabi g‘oyalar singdirlib, ular turli to‘qnashuv va nizo o‘choqlariga jalb qilinmoqda. Muayyan siyosiy kuchlarning nog‘orasiga o‘ynayotgan diniy-ekstremistik va terrorchi oqimlar tomonidan u yerlarda amaliyotni o‘tab kelgan aqidaparast, diydasi qotgan, mustaqil fikrlashdan mahrum, rahnamolarining har qanday buyruqlarini qonun deb biluvchi zombi jangarilardan tinch mintaqalarda ham

turli nizolar va beqarorliklarni keltirib chiqarishda foydalanish maqsadi bugun koʻpchilikka ayon haqiqatdir.[2]

Hozirgi kunda respublikamizda diniy ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashda davlat organlari va fuqarolik jamiyatining samarali hamkorligi yoʻlga qoʻyilgan. Davlat organlari tomonidan tezkor profilaktik tadbirlar oʻtkazish orqali qonunlarimizga zid ravishda konstitutsion tuzumga qarshi guruhlarning faoliyati aniqlanib, ularga oʻz vaqtida chek qoʻyilmoqda.

